

ОМОН МАТЖОН

ЁНАЁТГАН ДАРАХТ

Шеърлар, драматик достон

*Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1977*

Ўз

М 31

Матжон Омон.

Енаётган дарахт. Шеърлар, драматик дoston. Т., Адабиёт
ва санъат нашриёти, 1977.
168 б.

Омон Матжон 1943 йили Хоразмда туғилган. У 1969 йилда Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини битказган. Шoir «Очиқ деразалар», «Карвон қўғироғи» ва «Қуёш соати» шеърлий китоблари учун 1975 йилда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлди.

«Енаётган дарахт» — Омон Матжоннинг энг янги шеърларини, шунингдек драматик дostonлар трилогиясига кирувчи «Беруний» асарини ўз ичига олган.

Матжан (Матжанов) Аман. Пылающее дерево. Стихи и драматическая поэма.

Ўз2

М 70403—44
352(06)—77 27—77

© Ғафур Ғулom номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.

ПАРВОЗИ БАЛАНД ШЕЪРИЯТ

Омон Матжоннинг илк шеърларини бундан 10—12 йил аввал, у Совет Армияси сафида хизмат қилиб юрган кезларида ўқиганман: ҳажми кичик, ҳароратли, бўёқлари янги, тошқин шеърлар эди.

Ўшандан буён Омон Матжон ижодини кузатиб бораман. Йил сайин шоир лирикасида гражданлик нафаси тиниқ аланга ола борди, ранг-баранг мавзулар бевосита ҳаётдан, меҳнат қайнаган муҳитдан олинди, шоир овози ўз оҳанги ва тароватига эга бўла борди.

Омон Матжон шеъриятимизнинг янги авлоди сафидан ўзига хос ва муносиб ўрин олди. Эндиликда у катта-катта мавзуларни қаламга олиш иқтидорига эга бўлди: яқинда ёзган «Беруний» драматик достони шундан далолат бериб турибди.

«Беруний» драматик достони — Омон Матжоннинг биринчи йирик асари. Шоир мавзуну узоқ мозийдан — минг йил аввалги даврдан олган. Асарда Урта Осиёда дунёвий фаннинг ёрқин юлдузлари — Беруний ва Ибн Сино чақнайди, уларнинг бадиий образлари ҳаққоний тасвирланади.

Ўзбек халқи, Совет Иттифоқидаги барча қардош халқлар, бутун тараққийгарвар инсоният буюк олим, мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби Беруний минг йиллигини нишонлаган кунларда Омон Матжон ўз улуг бобосига шеърий ҳайкал қуришни орзу қилди ва шу эзгу орзусини амалга оширди.

Менинг назаримда, муаллиф ўша узоқ даврни тасвирлашда, минг йил аввал яшаган тарихий сиймоларни ўз шеърияти кўзгусида жонлантиришда муайян даражада муваффақиятга эришган. Беруний, Ибн Сино, Шайхулислом образлари кишини ишонтиради, вафоли Райҳона дилни мафтун этади, муҳит, муносабатлар, зиддиятлар,

айниқса, ақл ва донолик билан жаҳолат ва хурофот ўртасидаги кураш ишонарли кўрсатиб берилган.

Асар кучли драматик конфликт асосига қурилган ва шеърий жиҳатдан ҳам анча мукамал.

Хуллас, «Беруний» драматик дostonи ҳам тарихий-маърифий, ҳам шеърий-бадиий қимматга молик.

Омон Матжон кейинги йилларда яна бир неча йирик шеърий асарлар, лирик туркумлар яратиб, ижод бургути тобора баландроқ парвоз этаётганини кўрсатди.

Омон Матжон асарларини ўқиган киши ўз тақдиридан миннатдор ва ўз истиқболига ишонган ижодкор халқ юрагини тинглайди, завқланади, кўнглига шодлик тўлади, тўлиб куйлагиси, қувониб яшагиси келади.

ҲАМИД ҒУЛОМ

5 июль, 1976 йил, Тошкент.



Ш Е Ъ Р Л А Р

СИРЛАРИМ

Уйнашиб бармоқларинг
Бир-бир кўзимни ёпсалар,
Севгидан роз айлайин
Тонг қушлари учган маҳал.
Куйлайин осмон тўлиб,
Куйлайин оламга ман,—
Сен агар машшоқ бўлиб,
Най агар бўлганда ман!

Она юртим ҳуснига
Мот бўлиб, кўнгил қўйиб,
Ҳар уруғнинг кўксига
Мавж ийиб, ғулу ийиб,
Бўлса ким ғафлат паноҳ,
Тошқин солардим унга ман,—
Сен агар бўлганда тоғ,
Сой агар бўлганда ман!

Тонгда қуёшнинг шуъласи
Шабнамдин излар туйғулар.
Тоғда оҳулар галаси,
Дилда сеҳрли чалғулар...
Уқ тиқай қалбин ўйиб,
Ҳиссиз киши кўрганда ман,—
Сен агар сайёд бўлиб,
Ей агар бўлганда ман!

Ойки минг йилдан буёқ
Ердан йироқ кетмас, нечун?
Билмагай, бағри қуроқ —
Ул ўзгага боғлиқ учун!
Етмай ўз бахтимга то,
Киргай эдим минг жангга ман,—
Сен агар бўлсанг само,
Ой агар бўлганда ман!

Энг муқум тинчлик учун,
Энг гўзал севги учун,
Энг асил дўстлик учун,
Энг нафис сезги учун
Ҳар қадаҳ ичра ниҳон
Ёгду бўлардим лоларанг,—
Сенки соқии замон,
Май агар бўлганда ман!

МЕН ШЕЪР ЁЗСАМ...

Шоира Зулфияга

Мен шеър ёзсам,
Энди уни қоғозга эмас,
Анов ял-ял ёнаётган ўтга ёзаман.
Ўтнинг алвон шиорлари, олов лаҳжаси
Қалбимдаги ёнишлардан сўйлар безабон!

Мен шеър ёзсам,
Энди уни қоғозга эмас,
Лойқа-тошқин сувларига битгум Жайҳуннинг:
Мен ботиниб, тўлиб-тошиб айтмаган ҳислар
Қирғоқбузар мавжларида уйғонсин унинг!

Мен шеър ёзсам,
Энди уни қоғозга эмас,
Ёзай ҳозир мола ўтган илиқ шудгорга:
Шеърларимни майса-гуллар бағрига олсин,
Имтиҳонга олиб борсин инжиқ баҳорга!

Мен шеър ёзсам,
Энди агар қоғозга ёзсам,
Варрак қилсин — болаларга берай атайин:
То шеърларим энди кўм-кўк осмон тубидан
Чорлаб турсин сизни овоз чиқариб майин.

ТАБИАТНИНГ «ҚИЗИЛ КИТОБ»ИГА

Ғаройиб маъруза қилдингиз, домла,
Табиатнинг «Қизил китоб»и ҳақда!
Қирилмоқда экан ноёб жондорлар
Африками, Миссисипи ёқда!

Вулқонруҳ бизонлар, тун кўз охулар
Ё жаннатотиён хумо қушлари...
Бари секин-аста камаймоқда экан,
Туғаб бораётган экан пуштлари.

Бу ташвишга солиб қўйди ҳаммани,
Бошқа йўқотишлар гўё эди кам!
Зоти хавфда қолган жониворларни
Бугун шу китобга ёзмоқда одам!

Мувозанат мезон бутун борлиққа,
Берса — қайтиб олмай қўймайди!
«Қизил китоб» — нажот элчиси бўлса,
Етди унга кўп гап ёзмоқнинг пайти!

Дейлик, Лос-Анжелос шаҳри устига
Қора қанот ёйди моторлар дуди.
Токио, Лондон, Нью... Қурум босган кўк —
Ҷавохўр бир калхат, офат ҳудҳуди!

Балки эртактаги минг бош аждар — шу,
Ут пуркаб, қурбонлик сўраган юҳо!
Ҳа, «Қизил китоб»га ёзинг шошилинч:
«Осмон тораймоқда, ҳаво деб, ҳаво!»

Шаҳарда қолмади оқар тоза сув,
Гоҳ ташна қолмоқда қишлоғим, далам.
Наҳот ифлосланса бор дарё, кўллар,
Наҳот булғатилса Баҳри Муҳит ҳам?

Хўп, «Сув!» деб ёзамиз! Лекин дунёда
Тугаётган бошқа кўп нарсалар бор!
Дунёга разм солинг: кимлар пур-тўкин,
Кимлар энг охирги бир кўмакка зор!

Қитъаларга қаранг: чўнгми мазмуни,
Қиймати буюкми ДУСТЛИК сўзининг?!
Дўстнинг дўстлигига аминмисиз хўп,
Сотмасми бир нафи учун ўзининг?!

Давронга кўз солинг: замондошлар ким,
Кимларга ҳамқадам кечмоқда ҳаёт?!
Инсонмиз деб юрган жоннинг барида
Борми бирон зотга собит ЭЪТИҚОД?!

Қалбингизга боқинг: юртнинг табаррук
УДУМлари бутми, илғарми хома?!
Удумлар наинки бир-икки авлод,
Бир халқ тақдиридан шаҳодатнома!

Ернинг айланиши — ана қонли из,
АСАБлар, ЮРАКлар бўлмоқда талон!
Қон ва зардоб билан битинг, ҳайқиринг
Ул «Қизил китоб»га: «Замину замон!»

Бастакор бировга куй бағишласа,
Ўз қалби, ўз дардин этганидек роз,
Инсоннинг табиат учун китоби
Ўзин тақдирига шаъмадир халос!

1975

ЁНАЁТГАН ДАРАХТ

Тунда яшин тушди боғнинг четига,
Зулмат бойўғлидек чекинди карахт.
Вулқондек портлади қоронғуликда
Ёнаётган дарахт!

Салобатли яшил салтанат эди,
Эркин қушчаларга зангор пойигахт.
Учқунлардек тўзитди қушларини
Ёнаётган дарахт!

Нега, нега ёнди?! Кечқурун бехос
Булутлар гулдираб қилгандилар жаҳд,—
Уйғоқ эди, ўзи илк зарбни олди
Ёнаётган дарахт!

Ана, ёнар, ёнар тунга ўчма-ўч,
Юракдай патирлар ҳар барг оловсахт.
Огоҳ этаётир ўз боғин хавфдан
Ёнаётган дарахт!

Дарахтлар ёнмоқда бугун дунёда,
Ёниб, ўзгаларни уйғотмоқ не бахт!
Дўстларимдир барча ёнаётганлар,
Юрагимдир — ЁНАЁТГАН ДАРАХТ!

1975

* *

*

Мен истайман: боғ-чаман оша
Келиб бир ранг кирса кўзимга.
Мен боққанда энди, бор дунё
Шуълаларга тўлса бир зумда.

Мен истайман: булутлар оша
Бир сас келиб қалбга бўлса жо,—
Юрагимнинг ҳар зарби энди
Солса сукут мулкига ғавго.

Мен истайман: уфқ оша келса
Кўлдек тинч ўй, оқ қуш туйғулар.
Оппоқ мавжда чайқалса олам,
Унут бўлса ғамлар, қайғулар.

Лекин менга асрлар оша
Етиб келар ўтлиғ бир армон.
Унда олис аждодлар оҳи,
Ҳасратлари бўлар намоён.

Шул армонга изларман жавоб,
Тўхтатмоқни қиларман пеша,—
То кетмасин келажакка ҳам
Янги авлод, тақдирлар оша!

БИР ҚАДАМ ОЛГА!

Фазо жимлиги ичра кетиб бораркан курра,
Қафтидаги йўллардан ўз уфқига очиб фол,—
Этагини миллиард йил тутган қуёшидан ҳам
Қорлар қадар чекиниб олар ложувард иқбол.

Инсонлармиз... Кашф этсак қонимизда кичик чўғ,
Ҳаётимиз ҳусни деб элтамиз қуёш томон.
Бу хилқатнинг мукаммал фарзанди саналсак-да,
Умримизнинг кўп бўлур оғир дамлари ҳамон...

Маймун билан қардошлик туйганмас идрокимиз,
Қўлга илк тош оларкан кашф этдик ўзимизни.
Куррадаги зўр тоғлар салмоғига тенг келур,
Тошлар билан ўлчанса бу олис йўлимизни.

Келажак авлодларга бусбутун қисмат излаб,
Чекиниб кетдик гоҳи неча йил, неча умр.
Чекинишлар бу йўлнинг содда бир касри эмас,
Улар башар умрининг бир бутун салмоғидир.

Келажакни кашф этдик чекинишларда, шундай,
Боқийлик шарафига муяссар бўлдик ўлиб.
Топталмасин кўклардан топган учқунимиз деб,
Биз гулханга чекиндик камтар Бруно бўлиб.

Биз тиг қадар чекиндик — Улуғбекдай чексиз онг —
Мижжамизда юлдузни асрамоқ қайғусида.

Офтобдан атомлар қадар чекиндик ногоҳ,
Мария қиз кафтида тонг топай деб осуда...

Ғарб ақлининг очгандир қурум босган кипригин
Ленин кўзида Разлив қадар чекинган зиё.
Ун олчоқни Берлиндан Нюрнбергга элтгали,
Панфилов сафигача чекиниб *келди дунё!*

Эътиқод — Ҳаёт отлиғ қизнинг номус поклиги,
Жон фидо этди унга неча нозим ҳикматлар.
Не-не руҳлар шу кўйи сўнгандир нур кўролмай,
Улкасига қиш кирган қушлар каби дарбадар.

Она тарих, кечиргил, келажакнинг йўлида
Биз гоҳ чекиниб кетдик энг сўнгги бекатгача.
Ва лекин... шу бекатни йўлда ташлаб кетмадик,—
Чекинганда биз фақат чекиндик юраккача!!!

САЛЬВАДОР АЛЬЕНДЕНИ ЙҮҚЛАБ

Сантьягода тун буйи шарпалар ҳарб этдилар,
Ҳар уй олдиға қора тобут қуйиб ўтдилар,
Бирлари сен, бирлари Пабло томон кетдилар,
Альенде, нега ўлдинг,
нега?!

Айни тонготар, нега, сени шум ғафлат эди,
Боғингнинг калитларин ким ғанимга тутқазди?!
Сен эккан ҳар дарахта қузғунлар мажлис тузди,
Альенде, нега ўлдинг,
нега?!

Ахир оламда қанча ёринг-дўстинг бор эди,
Бир ёнда Лучо сергак, Хара жаранг тор эди,
Яшашинг даркор эди, яшашинг даркор эди,
Альенде, нега ўлдинг,
нега?!

Наҳот ҳақсизлик ҳали шу қадар бениҳоя,
Шунча мушкулми ҳақни қилмоқ очиқ ҳинмоя?!
Ҳақиқат ўлмоғига наҳот бир ўқ кифоя?!
Альенде, нега ўлдинг,
нега?!

БАХШИГА

Бугун давра тузиб феълидек улкан,
Шеър, ўлан базмига чорлади ўлкам!
Қани, Ислом шонр, Эр Фозил, Пўлкам,—
Тўйингдир, май рангин яноқда қолдир,
Шеър юртида бизни қўноқда қолдир!

Чал энди, авжларинг йилдирим той-эй,
Дўмбиранг торлари икки шўх сой-эй,
Бир пардаси ер-эй, бириси ой-эй,
Қалбингни тонг тўла бўёқда қолдир,
Рангин табиатни бир доғда қолдир!

Самарқанд — кўкёлқин минорлар юрти,
Азалий яшиллик — чинорлар юрти,
Шеърга, ипак торга хумморлар юрти,
Нафас қил, осмонни пештоқда қолдир,
Булбулни мангуга бутуқда қолдир!

Қўз ўнгингда қанча даврон чувалди,
Йўл топмай — қанчалаб хушхон чувалди,
Ҳақиқат чувалди, мезон чувалди,
Куйла, тоғ шавкати сен тоғда қолдир,
Борни бор, йўқни йўқ сиёқда қолдир!

Дўмбиранг тан олмай тақиқ, чекларни,
Пош этди талтайган хонлар, бекларни,

Умринг куйлаб ўтди ҳур ўзбекларни,
Номимни мнинг бовли аймақда қолдир,
Шарқу ғарб, Ҳинду Шом, Ироқда қолдир!

Замона майдондир, ҳаёт — кўпқари,
Келмоқда шоирман деган кўплари,
Жиловни қўйибсан Келажак сари,
Не тўсса йўлингни — туёқда қолдир,
Манман деганларни улоқда қолдир!

Бугун юз йил оша келаркан сасинг,
Дейман, мангуликка тушипти басинг,
Турғаз Алпомишинг, турғаз Авазинг,
Юртим деганни шу тупроқда қолдир,
Сохта полвонларни фироқда қолдир!

Яхши шоир ёри — яхши ғоялар,
Йўқдир сўз лашқари олмас қоялар,
Десанг, сололмасин йиллар соялар,
Шеърингни халқ учун айт, оқда қолдир,
Руҳингни ҳув алвон байроқда қолдир!

1975

* *
*

Осмон соғинч каби поёнсиз, яшил,
Қирлар лаҳза сайин ўзга турланар.
«Қур-қур»лар тўлмоқда кўкка муттасил,
Қайтиб келаётир юртга турналар.

Томларда қизғалдоқ — арғувон мужда,
Тоғларда лолалар — қирмизи хабар...
Осмони фалакда — шошқин бир мавжда
Қайтиб келаётир юртга турналар.

Қишнинг зардалари охир чекилди,
Кўклам деб ким ўзи солаётган жар?!
Борлиқ нигоҳ бўлиб кўкка тикилди,
Қайтиб келаётир юртга турналар.

Ана, ана улар! Сафбаста, мумтоз,
Бариси бир жону, бир тану, бир пар.
Изидан оламни эткизиб парвоз,
Қайтиб келаётир юртга турналар.

Бибихоним!

Бибихоним!

Сенинг синиқ иморатингни,
Ойдай куюк муҳаббатингни
Тўлдириб ҳисларим, кўзларим билан,
Ой қилиб отайин осмонга,
Қун қилиб отайин осмонга,
Бибихоним.

Бибихоним,

Қорачуғим жароҳатинг малҳами бўлсин!
Юрагимни ул қайрулиқ киприкларингга
Умид ёши қатрасидек, кел, қадаб қўяй!
Бибихоним!

Бибихоним,

Чала қолди қўшиқлари дегани шуми?!
Қайлардасан, пишиб қопти тутларинг ахир?!
Ё қайларга боқмоқдасан ярим минордан?
Шошма энди ўтлиғ хабар йўқ чўлоқ ёрдан,
Шошма энди, битиб қолди иморатинг ҳам,
ҳам ривоятинг...
Бибихоним.

Бибихоним,

Қўрқма энди!

Ҳукмдоринг кета билмас ҳеч қайга энди!
Қошингга ҳам келолмайдн энди ҳеч қачон.
Қўрқма энди,
қурмоқдамиз қасрингни қайта!
Қўрқма энди,
На палахмон, на тазйиғу, на сиқиқ ва на...
жаҳонгирлар қўли етмас жойлар бор, жоним,
Бу — одамзод хаёлидир,
О Бибихоним!

Бибихоним!
Бошгинангни кўтар, қани, кел!
Киприкларинг тори даврим куйин чалсинлар!
Самарқанднинг юлдузлари бари қайтдилар,
Регистонда бошладилар самовий базм,—
Интизордир бари сени ўпмоққа бир-бир...
Ҳой, сесканма, бу — фарзандлар бўсаси ахир!
Бибижоним!

ГУДАК ФЕЪЛЛИ ДУСТИМГА

(Ҳазил)

Гўдак тасаввури — тасаввуримиз,
Гўдак тафаккури — тафаккуримиз.
Йўқса, ҳар қадамда нечун хатолар,
Нечун шунча йиғи ҳам илтижолар?!

Гўдак тасаввури — тасаввуримиз,
Гўдак тафаккури — тафаккуримиз.
Йўқса, не учундир бунча тўймаслик,
Не топсак, сўрғичдек қўлдан қўймаслик?!

Гўдак тасаввури — тасаввуримиз,
Гўдак тафаккури — тафаккуримиз.
Йўқса, надин ҳар ён қўғирчоқ назар,
Надин бирни суймоқ, бировдан хазар?!

Гўдак тасаввури — тасаввуримиз,
Гўдак тафаккури — тафаккуримиз.
Йўқса, нима учун катталар зинҳор
Не десалар шуни қиламиз такрор?!

Гўдак тасаввури — тасаввуримиз,
Гўдак тафаккури — тафаккуримиз.
Йўқса, не учундир шунча овутмоқ,
Шунча алдаб, шунча уйқуда тутмоқ?!

Қадим Хоразмда кекса момолар
Кўзи оғриганга — нияти шифо —
Янги кўсак селин қуймишлар саҳар,
Ёруғ бўлсин дея кўзига дунё.

Хуш сўз улфатларга ошино бўлиб,
Аста чой совутиб ўлтирганинг дам,
Пахтадан сўз кетса, баҳс нурга дўниб,
Ёритиб юборар ер юзин бирдан.

Гарчи ҳар йил экиб, ҳар йил терамиз,
Гарчи ҳар бир чигит қалбда зоҳирдай —
Илк чаноқ очилса, яйраб кетамиз
Сандиқдан ёруққа чиққан Тоҳирдай.

Не-не карвонларни узатган, кутган
Дунёнинг каттами кичик йўллари,—
Кузда карвон бўлиб оламга кетган
Юртимнинг баҳорги оқ хаёллари.

Олис ўлкаларда қорланиб ётган
Тоғлар мавзу бўлса бир анжуманга,
Бунда пахтадан сўз кетмаганда ҳам
Юртимда оқ тоғлар кўрннар менга.

Йироқ денгизларда оппоқ кемалар
Сайёҳ тасавури учун жимжима.

Дўстлар, сирлимасми лекин бир қадар
«Зангори денгизда зангори кема?!»

Қадим Хоразмда кекса момолар
Кўзи оғриганга — нияти шифо —
Янги кўсак селин қуймишлар саҳар,
Еруғ бўлсин дея кўзига дунё.

Бугун инсон ақли гўё нурли қўл
Таниш юлдузлардан нарини чоқлар.
Менга ул осмонга бўлди Сомон йўл
Яшил далаларда тизим чаноқлар.

Беш деган сўз асли ҳикмат ёнғоғи,
Беш юлдуз, беш қитъа, беш панжа, «Хамса»,
Не сўз, пахтамининг бешбанд чаноғи
Шу буюк тимсоллар сафида ёнса!

Пахта! Минг хислати оламга маълум,
Минг хислати пинҳон самовий ҳосил!
Пахта — тилсиз ерга деҳқон — муаллим
Бахш этган, оламга манзур, момиқ тил.

Деҳқон бобо билан айни куз бирпас
Юзма-юз бир суҳбат қурсангиз агар,
Унинг кўзларида қорачуқ эмас,
Куррамиз айланиб турганга ўхшар!

Ўзга юртлардаги санъат, билимни
Санаб, ҳурмат сақлаб турганим маҳал,
Ҳар киши пахтакор бўлган элимни
Кўраман тоабад эъзозга маҳтал!

Қадим Хоразмда кекса момолар
Кўзи оғриганга — нияти шифо —

Янги кўсак селин қуймишлар саҳар,
Ёруғ бўлсин дея кўзига дунё.

Бугун бутун дунё чамалар экан
Ўзбек даласида ҳосил чўғини,
Юртим, қуёшпайванд қўлларинг билан
Силаб қўй оламнинг қорачугини! •



Бугун ой ботганда сени соғиндим,
Хаёлинг ой бўлиб овутди бироқ.
Ёнимда бўлсайдинг, айрилиқ шомин
Қўлни қўлга бериб қувлардик йироқ.

Бошимга мушкуллар тушди дафъатан,
Дўстимга айтмадим — араз бўлди гов.
Қошимда сен бўлсанг, кулфатмиди тан,
Қўлни қўлга бериб енгардик икков.

Мана дафтарларим — нурсиз, сурурсиз,
Қишки далалардек ялтироқ, ёбон.
Шеъримга кирарди қалдирғоч, ялпиз,
Сен кириб оҳиста қўл берганинг он.

Эмиш, ишқ фаслида ҳамма зор яшар,
Ҳамма ҳам излармиш Бахтни шундайини.
Биздан мужда кутиб турганда башар,
Наҳот қўл бермогинг шу қадар қийин!

* *
*

Кўнглим менинг парвоз истайди,
Етти қават осмонда ёди.
Ақлим дейди, етти қат ердир
Одамзоднинг охир ҳаёти.

Кўнглим менинг етти иқлимга
Солмоқ истар довруқ-даввора.
Ақлим дерки, остона ҳатлаб,
Етти қадам отолсанг зора!

Етти ўлча — бир кес, дер ақлим,
Ўз эркига қўймас кўнглимни.
Ҳа, кимнидир зил ақли қийнар,
Тинмас кўнгли қийнайди кимни!

ЭНГ УЗУН КЕЧАДА

Ҳар йили декабрь сўнгида бир кун
Шамдек хира тортиб мураббий қуёш,
Она еримиздан олислар бутун,
Ҳали тонг эскирмай кун бўлар одош.

Энг узун кеча бу! Хаёлга толиб,
Ахтардим ялдои шу шабга маъни.
Бунчалар зулумот қайдандир вожиб,
Давомат бу тунга боис не қани?!

Билмадим қандайин тасвирлаш мумкин,
Шунчалик қора тун, шунчалик ваҳм?!
Бир ёғи юлдузлар шивири, сукун,
Бир ёғи тубсиз ҳам омонсиз лаҳм.

Бир қутбида унинг балқиса беном
Инс-жинсга айланган дайди ёғдулар,
Бир ёғидан — интиқ оқ тонгдан пайғом —
Уқтин-ўқтин келар сирли ҳу-ҳулар.

Тунми бу, ёинки томонлар унут —
Уфқлар чалкашган мавҳум ломакон?!
Бунда қўним тутган ўтмишдан ёхуд
Қора ғусса ортиб қайтган шум карвон.

Бу тун — Прометей кўксин чўқилаб,
Қирмиз томчиларни шимиб ўч, сағир,

Энди қон лаззати элтиб, мудраб,
Лоқайд парвоз этган қузғундек оғир.

Шунча ҳам чўзилиб кетарми оқшом,
Зулматми борлиқда қилган тантана?!
Ё осмон тубида қора интиқом
Куррани этдими қуёшдан пана?!

Йўқ! Ернинг ўзида ҳали шу қадар
Бадният кимсалар тиклаб юрар бош,
Шуларга осмоннинг қаҳри бу магар,
Шунга бир иш ташлаш қилгандир қуёш?!

Тўққиз юз қирқ бешда бир тўп нобакор
Адолат ҳукмидан қочганда урён,
Улкан Америка, паришон днёр —
Уларга берганди паноҳ ва омон!

Бугун бош кўтарди улар Чилида,
Қуёш меҳр қўйган ўлкада мотам.
Шулар гов бўлгандир тонгнинг йўлига,
Тунни узайтирган шу гуноҳ зотан?!

Пабло Неруданинг бутми қароғи,
Сўнг бор кўз ўнгидан ўтти нималар?!
Шоирнинг кўзлари тонглар маёғи —
Адашдими шафақ ортган кемалар?!

Тунга салбий ташбеҳ — одати азал,
Жамъи қора хислат унга сийлов, тож.
Тўхтаг, у балки бир ҳамдамга маҳтал,
Балки бир меҳрибон назарга муҳтож?!

Тунмасми нурли туш, суюк аллалар,
Сирли эртақларга бошланғич мактаб?!

Тунда кўз очмасми соҳир паллалар,
Тунда бирлашмасми туйғу билан таъб?!

Ё кимни ром этмас оқшом деган сўз,
Нақадар ўйчанлик, латифлик пайдо!
Азал шоирлари ёр кўзин юлдуз,
Сочларин тун атаб бўлдилар шайдо.

Ахир илк севгини ёмон кўзлардин
Асрамоқ эмасми тунги висоллар?!
Ё узун кечалар топмасми ечим
Кундуз пайдо бўлган сонсиз саволлар?!

Хўш, йилда шу бир тун чўзилса кечам,
Уни гуноҳкордай тергашми даркор?!
Тун ҳам табиатнинг ўғли, унинг ҳам
Ўз турмуш тарзи-ю, ўз ҳаёти бор!

Балки у Шимолий қутбда уч ой
Роса тўниб қолиб, энди Шарқда ҳам
Ўзига келолмай ҳамон ҳойнаҳой,
Оҳиста, шошилмай қўймоқда қадам?!

Бойқўнғир даштида чироқлар бу дам
Тунни талвасага солгудайин оқ!
Дастхат олмоқ учун тарихий залпдан
У бундан кетолмай қолдимиз узоқ?!

Балки бирон оғир, зил муаммони
Ватан тақдиридан йўқ қилмоқ учун
Қоғозга бир лаҳза эгилган они
Олимнинг ўйига тор келган бир тун?!

Ёки бахт ҳақида шеър битаётиб,
Зулфия тортганми бехос ўтлиғ оҳ?!

Шу олов метеор куйдириб, ёқиб,
Оёқдан чалганми тунни ҳам ногоҳ?!

Бу йилку деҳқоним меҳнат қилди шан,
Дунёга улашди Офтоб ўстириб!
Пахтамга ҳавасан ё ухлаб қолган •
Тун бирон бўшаган хирмонга кириб?

Ана, ташқарида оқ қорлар ёғар,
Нурида ҳатто шеър мумкин ўқимоқ!
Табиат булутга ийиб ҳамки зар,
Қоронғи кечани этипти оппоқ!

Қуёш порламоғи учун мўътадил,
Тез кетмоғи учун тун бошимиздан,
Кел, зулмат кўзига боқайлик дадил,
Дадил қўл чўзайлик қуёшимизга!

Демак, тафтиш этмак тунни ноўрин,
Демак, зулматни ҳам қарғамоқ абас.
Чархнинг қалб зарбидир кундуз билан тун,—
Ўзимиз рангларда адашмасак бас!

1974—75

Самовотда қора нур кўлдир,
Қуёшдан ҳам у беҳад катта.
Дунё излар шуълали тақдир,
У кўникмас асло зулматга.

Кўмилганда ерга ҳатто дон
Тарс ёрилар ўтмайин ҳафта.
Жисмин отар осмонга томон,
Кўникмайди у ҳам зулматга.

Ер тубинда ётадир тоғлар,
Ёғду, кенглик излаб шиддатда.
Портлар бир кун олов булоқлар,
Кўникмаслар тоғлар зулматга.

Сен қуёшни куйлаб яшадинг,
Сен яшадинг нурга хизматда.
Нега йўқсан?! Жанггами кетдинг
Ер остида қолган зулматга?!

Кўклам эди. Жунбуш келиб ўю, хаёл, ёд устина,
Рухин зиёрат этгали бордим мен устод устина,
Сас берди ул: «Ҳолим забун, келдингму имдод устина,
Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирур нун элтибон сод устина!»

«Эй пир, дедим, ёдлар бугун ашъорларингни Хоразм...»,
«Қўйғил, деди, фахриянги, дардимни топғил чорасин,
Ён, ошиқ ўл, ҳеч босмасин даврон чанги кўз қорасин,
Қилғил тамошо қомати зебоси бирлан оразин,
Ғар кўрмасанг гул бўлганин пайванд шамшод устина!»

Кетдик улуғ шоир билан боғлар сари, қўйдик қадам,
Олам ғамин сўзлай десам, оламни суйган ул ҳакам
Ишқий ғазал айтур эди: «Ошиқ туморидур ситам,
Нозу адоу ғамзаси қасдим қилурлар дам-бадам,
Ваҳ мунча офатму бўлур бир одамизод устина?!»

Ногоҳ шу он қўзғолди кўк — кўк ичра не сир борким,
Чақмоқ чақиб, ел даф қилиб, еткурди кўп озорким,
Роз қилди устоз: «Ёр десам, ҳақдин бу қандай корким,
Мен хастага жон асрамоқ эмди эрур душворким,
Қотил кўзи бедод этар ҳар лаҳза бедод устина!»

Тез пок ўлиб осмон юзи, диллардан ҳам кетди кадар,
Чаҳ-чаҳ илан қушлар келиб, юз очди гуллар бехатар,
Сухбат фалак мавзусига кўчгайми деб солсам назар,
Ул... гул юзи шавқи билан шайдо кўнгул шому саҳар,
Булбулдек айлар юз наво минг наъви фарёд устина!

«Минг ёр демак бирлан, дедим, жоми висол бир тўлмоғой,
Ҳақдин карам йўқ, у бизим орзулара қотилмоғой!»
Лутфимга ул зот айтди: «Қўй, дардим санга эш ўлмоғой,
Бошимга ёққан ғам тошин мингдан бирича бўлмоғой,
Гардун агар минг бесутун ёғдирса Фарҳод устина!»

«Сўз йўқ, дедим, сурмак қийин дилдан дила ишқ
рахшини!»

«Чўнг ҳам чуқур фикр эт, деди, тингларда шоир,
бахшини!»

Ишқ ҳақинда шеър битиб — шоҳларга айтганман шунн:
«Эй шаҳ, карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини,
Ким меҳр нури тенг тушар вайрона обод устина!»

«Обод замон, тенглик, дедим, турмуш гўзал, қушдек
кўнгил...»

«Ўғлон, деди, бу ларзакор очунга кенг наззора қил,
Олам билан бўй ўлчашиб кўрмай ҳаво эттингми, бил,
Ҳоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуриб бод устина!»

Бирдан тилимни тишладим, изза боқиб ён-вергаким,
Даркорми сўз устозларинг сўз айтмаган бир ердаким,
Бор журъатинг, ёзгин, Омон, юртинг овозин шеъргаким,
Не журъат ила Огаҳий очгай оғиз сўз дергаким,
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум ул зору ношод устина!

Кўзингда мунаввар дунёлар,
Кўзингда севгининг диёри.
Кўзингда тазкира этилган
Азалий бир ишқнинг ашъори.

Лекин сен мен томон боқмайсан,
Билмадим нелар ғов йўлингга.
Ё Сукут исмли юлдуздан
Бир оғир тош тушган тилингга?!

Жимликда толдирма сен мени,
Кўзингдан муждалар учиргил.
Кўзингни — ул қора кўррани
Мен ёнган меҳварга кўчиргил.

Топмасанг, адашсанг, тўхтасанг,
Боқ, ёвлар тийрлар отарлар:
Уқларнинг изидан қарасанг,
Кўзларинг қалбимни топарлар.

САМАНДАР

Шарқ афсонаси

О, табиат, Ҳаётнинг, эй сен гўзал энаси,
Нечун нурдан иймадинг инсон борлигин буткул?!
Тун била тонгдан унинг қорилмиш зуваласи,
Жисмида баҳсда эмиш тоабат зулмат ва нур!
Кўкдаги қуёш жавоб бўлолмас бу саволга,
Қалблардаги зулматга даркор иккинчи қуёш!
Ўша боис — башарнинг камолига, заволга,
Номи — Ҳақиқат унинг, суврати,— худ ёнар тош!

Барча қалбга бир вақтлар тенг нур сочишдир, бироқ,
Бир қув зот ўз кўксига яшириб қўймиш уни!
Ҳар кимга ҳам насибми қуёшларни қантармоқ —
Узиб, осмонга отмиш у куюк юрагини!
Шу-шу фалаклар аро ғойиб кетмиш Ҳақиқат,
«Ҳақ—кўкда!» деб, «Худо», деб қутулиб қолмиш ул жон!
(Ҳали ҳам бор шундайлар: гуноҳ қилиб қатма-қат,
Худони — етти қабат кўкни қилурлар қалқон!)

Учутмиш ўзлигин ҳам Худо деганда одам,
«Яратган ҳам Худодир, Худо — ёлғиз, Худо — ҳақ!»
Ва яна эски тахлит тентираб кетмиш олам,
Тентираб кетмиш ночор, қўли кўкда муаллақ!
...Йўқ эди ул замонда на ўти, на қаноти,
Ва лекин кўкка боқиб ўйга толди одамзод.
Гаров қўйиб бўлса ҳам зулуматга ҳаётин,
Худо дийдорин кўрмак истаб қолди одамзод!

Бу туйғу уйғонганди янги туққан ой мисол,
Ёришиб абадий тун, узлатда йитган маскан.
Энди ўтмиш умрини инсон қилолмай хаёл,
Бугунги борлигин ҳам кузатарди чеккадан.
Ана! Адл Руҳ учар! Шахтининг йўқ худуди,
Гўё минг-минг тонг нурын йиғиб тикланган байроқ!
Шу эрур одамзотнинг қанотланган умиди,
Шу ўлмас Руҳ чиққандир само забтига ногоҳ!

Не тенг келур инсоннинг интилиши, дошига,
Руҳ ҳайқирди: «Кетурман Оллоҳ манзили қадар!
Инсон эга бўлғуси Ҳақиқат қуёшига,
Ҳақ қарор топмагунча — мен бир қушман Самандар!»
Қўзғолди халоскор куч тилсимбанд само сари,
Қанотида замонлар ечолмаган мушкilot!
Самовот, дўстим, не-не сайёралар мозори,
На оҳга жавоб бордир, на илтижога — нажот!

Етди Арши аълога Самандар омон ва бут,
Юлдузларга аён бир лаҳжада солди нидо!
Жунбушга кела қўйди бунда босқинчи сукут,
Титради мангу ғафлат гўшаси Арши аъло!
Деди: «Ҳой Раббил олам! Мен — олов қуш Самандар!—
Одамлари зулматда яшовчи Замин оҳи!
Қодир Қудрат, инсонга нажот йўлла муқаррар,
Ҳақиқат бер, элтайин, йўлимдадир нигоҳи!»

Сукут. Сукут. Ва ногоҳ қиёмат кўчгандайин
Гулдираб кетди чексиз қаҳрга тўлиқ наъра:
«Ҳей телба қуш! Ҳей куфр! Ҳей шайтоннинг малайи!
Олий даргоҳни нечук қилмоқдасен масхара?!
Қайт ортга, яратилиш тарихинг ўзи — бешон,
Биҳиштни Одам Ота қилиб кетгандир бадном.
Яхши бил, Ҳақиқатга етолмассан ҳеч қачон,
Унга сиғинмоқ ўзи — бандамга буюк инъом!»

Арши аъло теграсин чулғаб олди зил туман,
Самандарнинг хушида бирдан соврилди довул
Ва қинидан сапчиган ботир ханжарисимон,
Ҳақлик даъвосин тутган Тангрига пешланди ул!
Башар қалби баҳр олсин дея ўз қуёшидан,
Ниҳоят ерда мангу қилсин деб Ҳақ тантана,
Юлқаб олди муқаддас тошни Оллоҳ тожидан,
Тилин тагига жойлаб кўчди ер сари яна!

Қушнинг изидан энди зулматдаги жонсарақ —
Юлдузлар ҳам учдилар маҳзун замин томонга!
Аммо ёнмоқда эди орқада бутун фалак,
Қувларди Қодир Халлоқ олов улаб осмонга!
Қушни Сомон йўлига этмоқ истаб занжирбанд,
Совуқ сайёраларни отар эди изидан!
Аммо учар Самандар ёлғиз бир ўй ила банд,
Учар узмай кўзини Она ернинг кўзидан!

Даҳшатда қолди Тангри, не қилсин маккор ёвни,
Қурашсиз тобе бўлгай ким ҳам адув қўлига?!
Ва... Борлиқ замирида ётган Мангу оловни
Олиб отди музаффар Самандарнинг йўлига!
О, сен йиғлама олам, кўриб қушнинг ҳолини,
Ахир у — Рух, бир жаҳди ер-осмонга баробар!
Лекин... йўқотиб қўйди Олов ичра йўлини,
Шу кўйи ўт ичида қолиб кетди Самандар!

Хўш, кейин нима дерсиз?! Қай бирини гапирай?!
Не балолар кечмаган қийин тақдирн Ҳақнинг?!
Бул хусус кўп қиссалар айтилгану пайдар-пай,
Бизнинг замонларга ҳам етишган битта нақли:
«Ўт ичида қолмишдир гўё шундан бери Ҳақ,
Ҳақ деганда одамлар кирмишлар ўт қаърига!
Шу-шу ёнар бўлмишдир Мангу олов муҳаққақ
Ҳақиқат деб кўз юмган инсонларнинг қабрида!»

1968—75



ДРАМАТИК
ДӨСТОН

ОМОН МАТЖОН

БЕРУНИЙ

Беруний
Райҳона
Алптегин
Сиҳо
Хоразмшоҳ, Маъмуни
Шайхулислом
Қози Ёқуб
Мунажжим
Болта масхаравоз
Маймандий
Сухайлий
Ҳури
Арроқ
Масиҳий

Саркардалар, Хумор тош, Сайёдтегин,
мулозим, чопар, арзгўйлар, сарбозлар,
соқчилар, қизлар ва бошқалар.

XI аср бошлари, Урганч.

БИРИНЧИ МАНЗАРА

Райҳона ва қизлар

Қизлар

Кўнглим ичра бир наво бор,
Ярми сенсан, ярми мен.
Бир замин бор, бир само бор,
Ярми сенсан, ярми мен.

Бул самога гоҳи ойдек,
Гоҳ қуёшдек термулай;
Сеҳр кўп дунё экан бу,
Ярми сенсан, ярми мен...

Райҳона

Тонгда туриб олис-олис нурларга боқиб,
Дейман, сирли бир сайёҳга айлансам-кетсам...
Учқур-учқур тойчоғимнинг олтин ёллари
Тўлқинлардек чулғасалар олис уфқни.
Қолиб кетса йўл бўйида энг гўзал боғлар,
Қолиб кетса буюк тоғлар, улкан наҳрлар,
Қолиб кетса бор ёғдулар, шуьлалар, ҳислар...
Белгисиз бир маконларга кетсам бош олиб!
Кетсам, кетсам нурдай енгил, юлдуздай йироқ...

Биринчи қиз

Райҳонбиби, ёлғиз қолмоқ хавфлидир ғоят
Наврўз чоғи бундай гўзал хаёллар билан!

И к к и н ч и қ и з

Бирон барно қароқчига ўлжа бўларсиз!

У ч и н ч и қ и з

Уша билан кетарлар-да белгисиз ёққа!

Р а й ҳ о н а

**Оҳ, ўртоқжон! Баҳор! Баҳор! Билсанг эди сен,
Бардошим йўқ юрагимнинг туғёнларига,
Суғурсаму берсам уни бирон кимсага!
Олиб кетсин жуда йироқ юртларга майли,
Жуда йироқ денгизларга элтсин майлига,
Майли жисмим қолсин бунда кимсасиз, ғариб...**

Қизлар Райҳонанинг атрофини ўраб, шеър айтадилар.

Б и р и н ч и қ и з

**«Хасталигингга бу жаҳон ларзада,
Жонинг учун неча жон ларзада».**

Р а й ҳ о н а

**«Худованди ети, худованди нур,
Худованди бозу худованди зўр,
Сангодир мусаллам ҳама қору бор,
Мени қилма мағлуб, эй, биру бор!»**

И к к и н ч и қ и з

**«Аё шердил, умринг ўлғай узун,
Дағи давлатинг бўлсин ҳаддан фузун!
Манга рухсат этгил, буён азм этай...»**

Р а й ҳ о н а

Маъзур! Бу дам юрагимнинг ёлғизлигига
Фақат ўзим бирон қиёс топмоқчи эдим.
Демоқчийдим, ёлғизликдан гарчи дил огоҳ,
Жисми ҳам тоқ, руҳи ҳам тоқ, дунёси ҳам тоқ!
Мен тугатдим.

(учинчи қизга)

Не чиройли гапинг бор бизга?!

У ч и н ч и қ и з

Ажойиб бир совға олдим, опажон, кеча,
Отам булғор ўлкасидан, шимол юртидан
Қор мисоли оппоқ, майин мўйна келтирган!

И к к и н ч и қ и з

О, соҳибам, менга эса Яман элидан
Ажойиб бир узук олиб келган амаким!
Сеҳрли бир тошдан экан унинг кўзлари
Бу узукни қўлга тақиб юрган кишининг
Руҳи доим пок бўлармиш, туш ҳам кўрмасмиш...

*(Қизлар «Қани-қани?», «Ажойиб-а!», «Қиммат
бўлса керак-а?!» деб уни ўраб олишади.)*

Б и р и н ч и қ и з

Менинг акам, тангри уни ўзи асрасин,
Ҳинд сориға кетди савдо қарвони билан,
Совға-салом олиб келар фил суягидан,—
Бундай осор-атиқалар у ёқда мўлмиш.

Шу пайт қаттиқ қийқириқ эшитилади ва қўл-оёқларига қўнғироқчалар тақиб олган Болта масхаравоз югуриб чиқади. Қизлар «Болтака!» деб кулиб-қийқиришиб тарқалиб кетишади.

Р ай ҳ о на

Ҳай, Болтака, не йўқотдинг қизлар ичида,
Уйладингми ё бозорга келиб қолдим деб?!

Б ол та мас х а ра в о з

О, паризод, гўзалларнинг сиз энг гўзали,
Афв этинг!

(Жўрттага четга қараб афтини бужмайтиради.)

Замонанинг зайлига қаранг:
Кўзи қийшиқ, юзи бурушуқ, зеҳни элдан паст,—
Пари қилиб кўрсатар денг, биздайга ўзин!

Р ай ҳ о на

Нима дединг?!

Б ол та мас х а ра в о з

Биз ғарибга бари бир дейман:
Аза бўлса ош топилар, бозор бўлса — нон!
Хоразмдай юртда биздай камхарж кишилар
Энг қурумсоқ даллол бехос тушириб қўйган —
Чақа билан бутун бир қиш кун кўрса мумкин!
Лекин, қизлар, Болтакангиз бугун бой! Ҳа, бой:
Ажойиб сир яшириндир кўнглида унинг!

Қ и з л а р

Ҳай, Болтака, айтинг, айтинг!

(Болта бош чайқайди.)

Ҳай, айта қолинг!

Болта масхаравоз

Йўқ, айтмайман! Сотаман! Ҳа, ким ошди қилиб!
Қани, кеп қол! Ё Урганчининг чўнг дарвозаси —
«Ал-Ҳажжож»га¹ чиқиб еру кўкка чорлайман!
Хоразмнинг жаъми буюқ қирқ шаҳридан-да
Оқ юзларин офтоб ҳам кўра олмаган
Маҳлиқолар етиб келар мол-мулкин олиб.

Қизлар

Жон Болтака, айта қол,
Кел шартингдан қайта қол!
Не десанг ҳам берамиз,
Нима десанг, кўнамиз!

Болта масхаравоз

(Мўйловини бураб.)

Бу бошқа гап! Лекин яна битта шартим бор:
Даврангизда бир жонона турар ойсифат,
У қалбимни, хаёлимни, жисми жонимни
Зўрлик билан олиб қўйган жон солиғи деб.
Майли, бердим! Эвазига лекин, у менга...
Эвазига... ҳеч бўлмаса бир муччи берсин!

(Қизлар чувиллашиб уни қувлайдилар.)

Вой дод, тўхтанг! Қайтиб олдим! Айтаман, тингланг!
(жиддий)

Танграм, ўзинг биздек тирик бўйдоқларингнинг
Умрин узун, қўлин тугун, молин бутун қил!
Бахтимизга шоҳим Маъмун ибни Маъмун ва
Унинг гўзал сингиллари омон бўлсинлар!

¹ «Сайёҳлар дарвозаси» — тарихчиларнинг айтишича, гўё бутун Шарқда тенги йўқ, гўзал ва салобатли дарвоза.

Айтсам, улуг салтанатнинг остонасига —
Хоразмшоҳ давлатининг ҳимоясига
Бир алп йигит — қодир бир зот келди Журжондан!¹
Аҳли сарой қуршовида турган Маъмуншоҳ
Ул кимсани отдан тушиб
(таъзим қилади)

қарши олдилар!

Р а й ҳ о н а

(сергакланиб)

Ҳазил деган эви билан!

Б о л т а м а с х а р а в о з

(жиддий)

Ҳа, отдан тушиб!

Ишонингиз, Райҳон биби! Қизлар, ишонинг,
Ёлғон бўлса шу лаҳзаёқ ёрилиб ўлай!
Шоҳим шитоб билан бориб унинг олдига,
Чян дилдан бир сўз айтдилар юзма-юз туриб:
«Илм ҳеч вақт ҳеч кишни излаб келганмас,
Ҳамма таъзим қилиб борар илм қошига!
У юксакдир дунёдаги жаъми нарсадан,
У ҳокимдир мустабидлар устидан ҳатто!
Замонанинг баъзи расми-русми бўлмаса,
Чақиртирмай, қошингизга ўзим борардим!»

Қ и з л а р

Аврашиени манавининг! Тўқи, тўқийвер!

Р а й ҳ о н а

Сабр, қизлар! Давом эт-чи! Хўш, ким экан у?

¹ Журжон — Каспий бўйида Қобус ибн Вушмагир ҳукмдорлик қилган шаҳар.

Болта масхара ваз

Ишонмайсиз, айтмайман,
Ишонмайсиз, айтмайман!

(Қизлар «Айт!» деб ялинишади. Болта ўйинга тушиб кетади.)

Акам, акам, акам дедим,
Ўзимни акаммикан дедим.
Ёнбошима қўл солиб эди,
Воҳ, тикан кирдимикан дедим!

(Қизлар уни дўппослаб қувлашади. Болта масхара ваз сирини айтишга рози бўлади.)

Саломдан сўнг, таништириб уни ҳаммага,
Кейин сайрга таклиф этди давлатпаноҳим
Ва икковлон вазмин суҳбат қуриб кетдилар.
Огга унча ярашмади қомати, лекин
Шуўлага фарқ чўққи каби кетди улуғвор!
Ушал онда мен ҳам шоҳнинг қошида эдим,
Ул зотни ҳам кўрдим шундоқ рўпарасидан.
Бир кўрдиму титроқ тушди жисмим, руҳимга!
Шудринг ёрган қовун каби очилиб оғзим,
Ҳақир, ғариб борлиғимга кулдим ўзимнинг.
Биласизми, салом берди ҳатто менга ҳам,
Ана шунда юзларини кўрдим мен унинг:
О, у гўё мағрурликнинг асл маъбади,
Порлар эди чеҳрасида кескин бир шуўла:
Мислсиз бир шижоатлар рамзи эди у,
Омонсиз бир алангалар ёнарди унда!
Кўзлар эса, ойна кўлдай теран, ғуборсиз,
Сирли ўтлар ёлқинини кўрдим тубидан!
Пешанаси Хоразмнинг ерларидек кенг,
Лабларида унинг қатъий, инжа бир чизги,
Қимтилганди, гўё базўр асраб турарди
Кўксидаги ғулувкор бир қудратнинг шахдин!
Шунда билдим, доно шоҳлар янглишмаслар ҳеч
Дўст танлашда, забт этарга шаҳар танлашда?

(Жимлик.)

Р ай ҳ о на

Хўш, кейин-чи? У қаерга кетди?

Б ол та мас х а р а в о з

Қаерга?

Олимларнинг мажлисига¹, саройга келди!

Б и р и н ч и қ и з

Нима бўпти? Бундай зотлар шаҳримизда кўп!

И к к и н ч и қ и з

Ибн Сино, Масиҳию Арроқ... бари зўр!

Б ол та мас х а р а в о з

Йўқ, йўқ, қизлар! Кўнглим сезар, бу осмон узра
Энди устоз Берунийнинг шамси ёрқинроқ!

Р ай ҳ о на

А? Беруний?! Эшитганман бу номни мен ҳам!
Эшитганман! Лекин қайда?..

Б ол та мас х а р а в о з

Ҳа, ҳа! Беруний!

Санайверсам, хислатлари ҳали адоқсиз:
Оғирлиги

(қизлардан бирини тургиб)

Худди сендай китоблар ёзиб,

¹ «Маъмун академияси» назарда тутилмоқда.

Кашф этганмиш сон-саноқсиз қиммат тошларни.
Тагин суғду сурёнию юнон дейсизми,
Яҳудию хоразмию ҳинду тилларин
Сувдек ичган! Кўп билади! Хўш, ундан кейин...
Э-э, тўхтанг! Ҳамма гапни айтиб қўйдим-ку!!
Ҳеч бўлмаса, бир кўрай, у соҳибжамолни! •-

Болта масхарабоз қизлар томонга югуради, қизлар тутқич бермай,
уни давра қилиб, рақсга тушадилар.

ИККИНЧИ МАНЗАРА

Ш а й х у л и с л о м ўз қароргоҳида — тавофга келганлар қуршовида.

Ш а й х у л и с л о м

Даргоҳида қабул этсин худойим, сўзланг!

Б и р и н ч и а р з г ў й

Мен Дарғондан келдим, ҳазрат, ижобат айланг,
Умрим бўйи бош эгурман остонангизга,—
Имдод беринг, бир чиққувсиз дардга йўлиқдим:
Узун тунлар кўз юмолмай ҳар ён тўлғониб,
Ваҳималар оғушида оттираман тонг.
Сирли, қўрқинч шарпаларнинг таҳдиди аро —
Ўз уйимда тополмайман ўзимга ором...

Ш а й х у л и с л о м

Бирон катта айбинг борким тангрим қошида,
То жаҳаннам ваҳмалари тушмиш кўнглиннга!
Мол-дунёнгми ҳаддан зиёд! Шунинг ҳадиги...

Биринчи арзгўй

Гуноҳим йўқ, гуноҳим йўқ, ҳазрат... Бисотми?..
Шукр, бутдир рўзгоримиз... Саноқда бормиз...

Ш ай ху л и с л о м

Ҳар нарсани керагидан ортиқ йиғмоқлик,
Бу — шубҳасиз катта гуноҳ! Бойлик ҳам гуноҳ!
Юрагингда макон қурган нафс аждаҳосин
Енгмоқ учун ҳаж ихтиёр этмоғинг даркор!
Буд-шудингни эътиқодинг улуғ бир жойга
Бахш айла-ю, «Ал-ҳажжож»да кун ўтқарувчи
Шайхларни ҳам рози айлаб, сафарга отлан!
Ором қуши қайта кўнгай кўксингга, омин!

Биринчи арзгўй

(Шайхулисломнинг пойига ўзини ташлаб.)

Қуллуқ, қуллуқ, ҳазрат! Лекин сал раҳм қилинг,
Ахир бутун мол-мулкимни...

Ш ай ху л и с л о м

Жўна, ҳақ ёринг!..

Иккинчи арзгўй

Бефарзандман — бир тирноққа зорман, тақсирим!
Нафасингиз тилаб келдим! Умрим йитмоқда...
Ном-нишонсиз ўлсам-кетсам... Изсиз-самарсиз...

Ш ай ху л и с л о м

Қирқ кун қатна, бир нишона бергувчи танграм!

Иккинчи арзгўй

Қуллуқ, қуллуқ...

Учинчи арзгўй

Армонларим чексиз, о, ҳазрат,
Мен бир фақир. Ҳеч кимим йўқ. Очман-юпунман.
Қўпдан бери бир армон бор менинг қалбимда:
Ҳажга борсам! Ул муқаддас тошга бош уриб,
Бир оқибат талаб этсам тангри таоллодан!

Шайхулислом

Ҳаж бормоққа сенда нечук иқтидор бўлсин?
Сен Жайхундан етти карра у ён-бу ён кеч,
Етти карра ундан ўтмоқ — ҳаж қилмоққа тенг.

Қози Ёқуб билан Мунажжим кирадилар.

Э, э, қани буюрсинлар! Ажралмас дўстлар!
Соғинтириб қўйдилар-ку суҳбатларига!

Қози Ёқуб ва Мунажжим

Минг ташаккур! То қиёмат мухлисингизмиз!

Шайхулислом

(чиқиб кетишган арзгўйларга ишора қилиб)
Лекин бундай муридлар кўп жонимга тегди.

(Қулади.)

Тушмаётир бирон йирик наҳанг тўримга!
Хуросондан, Туркистондан, Ҳинддан, Ғазнадан,

Боринг, жаъми иқлимлардан зўр ҳукмдорлар —
Шулар билан Хоразмшоҳ ибни Маъмун-да
Савғо билан, салом билан, таъзимлар билан
Ҳузуримга тез-тез кириб тургувчи эди...

Қ о з и Ё қ у б

Офаринлар, офаринлар! Шунга лойиқсиз!!!
Даргоҳингиз ер юзига қойим қиблагоҳ!

М у н а ж ж и м

Шундай, ҳазрат!

Ш а й х у л и с л о м

Аҳли юртда нима гаплар бор?
Талай фурсат саройга ҳам бора билмадим,
Талай фурсат йўқлай демас Маъмун ўзи ҳам...

Қ о з и Ё қ у б

(маънодор)

Шоҳимизнинг ташвишлари кўлайган ўхшар...

М у н а ж ж и м

Эл оғзида турфа шов-шув... ғалати урфлар...

Ш а й х у л и с л о м

Хабарим бор! Номуносиб иш қилди шоҳга!
Тубан этди хонадони шарафини у,
Тубан этди тайинсиз бир кимса қошида
Авлодлари кўп юксакда асраган тожни!
Тавба, шоҳлар эгилсалар, отдан тушсалар...

М у н а ж ж и м

Паст қавмлар йиғилмоқда тахтнинг гирдига...

Қ о з и Ё қ у б

Шоҳ обрў деб тушунади буларнинг барин,
У шуҳрат деб орттирмоқда ёлғиз шубҳалар...

М у н а ж ж и м

Берунийнинг даҳрийликдан дарс ўргатмоққа,
Шаккокликдан доғи сабоқ бермоққа йиққан
Кўп гумонли ёзувлари, матоҳлари бор...

Ш а й х у л и с л о м

(бирдан, мағрур)

Ҳай-ҳай, бунча ваҳимага тушмоқ не ҳожат?!
Хоразмда қодир қудрат назаргоҳидан —
Тушган нурлар шу қадар ҳам ўткирким бу кун,
Шу қадар ҳам порлоқ, яна ёндиргувчим,
Бош кўтариб қарай билмас ҳеч кас, ҳеч кимса!

(қуръонни ўпиб)

Шоҳлар учун аҳкоми дин эрур юксак тож,
Таңғрим исмин ёд тутмаклик — олий мартаба!
Тез кунларда уни ўзим кўрурман бориб:
Шайхулислом нигоҳидан қочиши душвор
Саройдаги ҳар ўзгариш, ҳар нохуш нафас...

(Қарсак чалади.)

Ҳой! Дастурхон!.. Ҳузуримга кимса киритманг!..

УЧИНЧИ МАНЗАРА

Олимлар мажлиси. Йиғилганлар орасида Сино, Арроқ, Масихий ва бошқалар. Уртада Хоразмшоҳ Маъмун, вазир Сухайлий, Қози Еқуб, Мунажжим, лашкарбоши Алптегин, саркардалар Хумор тош ва Сайёдтегинлар. Бир чеккада Райҳона ва дугоналари.

«Хоразмшоҳга тангрим омонлик берсин!», «Шоҳимизнинг давлатлари энёда бўлсин!» деган хитоблар.

Сухайлий

(шоҳга мурожаат этиб)

Қиблагоҳим, даргоҳингиз азалу абад
Қодир қудрат ёруғ этган муқаддас маскан.
Ҳақдин неким иноятлар бордир — бориға
Фуқаронгиз эришгандир, саодат ёрдир!
Мана бугун ушбу давра доғи мунтазир —
Кутмоқдадир ижозат ва ижобатингиз!
Илм истаган мўминларга фотиҳа айланг!

Маъмун

Бале, бале! Ҳар нарсада жуфт мизож бордир:
Мен инсонда шу иккени излайман мудом.
Кимнинг қилган уч ишидан иккиси қутлуғ —
Мукофоту тақдирловга лойиқ эрур ул,
Бир гуноҳин афв этар худойим ўзи!
Кимда агар аксин кўрсак бу сифатларнинг
Ул кимсани яхшилардан ихоталаш шарт!
Илмга ҳам шул кўз билан қарайман мудом!

«Офарин!» деган хитоблар. Шу пайт мулозим кириб, Шайхулислом келаётганини хабар қилади. Маъмун ва йиғилганлар ўринларидан турадилар. Шайхулислом киради.

О марҳабо! Ассалому алайкум, пирим,
Келишингиз мажлисимиз ҳуснига ҳусн!
Қани ушбу анжуманга раҳнамо бўлинг,
Ҳар хил илму ҳикматларга мойил дилларга
Тангрим бугун не мукофот бахш этгай экан?!

Ш ай ху л и с л о м

Куллуқ, шоҳим! Гапларингиз бағоятда ҳақ —
Ҳамма нарса аён эрур парвардигорга!
Илм — аслида ХУДО сўзин мағзини чақмоқ,
Ҳикмат эса хислатларин санамоқ унинг!
Энг биринчи ва сўнг йўли бандамнинг шулдир,
Ва шу эрур энг рост хулқи мусулмонлиғнинг!

М у н а ж ж и м

Тўғри, тўғри!
(У семиз ва кулгили юзларини буриштириб кўкка
тавоф этади.)

Бугун толе юлдузлари ҳам
Шоҳ Маъмурнинг, унинг буюк салтанатининг
Равнақи ва осойиши буржида порлар!
(«Тўғри!» деган овозлар.)

М аъ м у н

Хўш, Беруний кўзларимга чалинмаётир?!.
Зотан унинг ўрни энди доимо тўрда!
Қани ўзи?

Қ о з и Ё қ у б

(Шайхулисломга бир қараб)
Йўқми? Қизиқ, қачон, ким кўрган
Фуқароси кечикканин шоҳ мажлисига?!

М у н а ж ж и м

Тонг саҳарлаб уйғонишар барча мўминлар
Офтобга салом бермоқ учун мунтазир.
Гофилларнинг ризқин ўзи қирқади тангрим!

Ш а й х у л и с л о м

(четга)

Ҳм-м, масала равшан! Яна ўша Беруний!

(шоҳга)

Менга рухсат! Ҳақ-таолло хизматидаман!
Йўлим тушиб кирган эдим — шул баҳонада
Кўрай дея шоҳимизнинг муборак юзин!

(Ўрнидан туради.)

М а ъ м у н

(четга)

Юрт олдида мунча бино қўяр ўзига!

(Шайхулисломга)

Минг ташаккур! Сизнинг бунда ташрифингиз ҳам
Нишонадир даврамизнинг саодатидан!
Бугун доно Берунийни тинглаш муддао —
Шу лаҳзада кириб қолар унинг ўзи ҳам,
Бирон давлат юмуши-ла ушланган шаксиз!
Маълумингиз бўлсин, уни тайин этганман
Хоразмнинг бош мироби лавозимига,
Аллақачон Сухайлийнинг ҳамроҳлигида
Юртимизнинг ёбларини¹ кўриб чиқди у!

¹ Еб — ариқ.

Ҳ а м м а

Қуллуқ!

Ш а й х у л и с л о м

Маъқул, маъқул!

Қ о з и Ё қ у б в а М у н а ж ж и м

(Шайхулисломга қараб олишади.)

Беҳад ярашиқ тадбир!

М а ъ м у н

Англадимки, илми хўбдир ҳар борада ҳам:
Кўп қадимги замонларнинг, қадим халқларнинг
Туриш-турмуш одатларин ёд тутар экан!
Иқлимлардан, наҳрлардан экан хабардор!
Ҳар илмнинг тириклиги амал биланки,—
Сарф айласин уни эл-юрт равнақи учун!
Зора бирои тадбир илан ёбларимизда
Мўътадил ва равон этса довдир Жайхунни —
Ҳам фожиа, ҳам бахтимиз бўлмиш наҳрни!

Ш а й х у л и с л о м

Айбситмангиз. Борай! Худо ёрингиз бўлсин!

Чиқа бошлайди. Беруний киради. Улар бир лаҳза юзма-юз туриб қоладилар. Беруний эгилиб салом қилади ва йўл беради. Ш а й х у л и с л о м Берунийга бир қараб, намойишкороназ юриш билан чиқиб кетади.

Б е р у н и й

(анжуманга юзланиб)

Ассалому алайкум, сиз азизлар, дўстлар!
Изн этгайсиз ҳаялладим... Дарёи бевош...
Шоҳимизнинг кўнглига ҳам шафқат сол, танграм!

М а ъ м у н

Афв этдик, устоз, қани, буён марҳабо!

Маъмун Берунийга ёнидан жой кўрсатади. Қози Ёқуб ва Мунажжим
бир-бирларига қараб оладилар.

Истардимки, устоз бугун аён этсалар,
Нечук ранжу риёзатлар, заҳматлар, чскиб,
Ки улуми зоҳирийга¹ рағбат топганлар!
Нечук йўлдан, не йўсинда борганлар, яна
Эвазига не саодат берганлар танграм?

(«Эшитамиз, эшитамиз!» деган хитоблар.)

Б е р у н и й

Давлатингиз тўгараги узра бу давра
Нақ тўгарақ осмон узра қуёшга ташбиҳ —
Инсон нурга — офтобга юзма-юз турса,
Яхшиликдан бошқа ишни қилолмас хаёл,
Бундоғ қутлуғ ва мўътабар маърака учун
Менинг фақир ҳикоямдан наф етгаймкин?
Мен тингласам деган эдим, фақат ўргансам!

¹ Улу мн зоҳирий — аниқ фанлар.

Маъмуни

Эшитамиз!

Беруний

Хўп, майлингиз!

(Йиғилганлар орасида Синога кўзи тушади.)

Хусайн!!! Сизмисиз?!

Ибн Сино! Янглишмадим!

Сино

Ҳа, менман, устоз!

Беруний

(шоҳга)

Аъло ҳазрат, гаройиб бир учрашув! Узр!

(Синога)

Яшанг! Яна юз кўришдик яхши соатда,
Қаддингизда гул очибди хуш ўзгаришлар:
Кўксингизда гўё сирли балоғат қуши
Кенглик тилаб, парвоз тилаб турганга ўхшар!
Ҳа, эсимда Бухорода кечган онларим,
Эсимдадир сомонийлар «Байтул ҳикма»си¹,
Эсимдадир, тийран кўзлик йигитча менга
Нақ бетобга қарагандай синчков боққани.
Эсимдадир ёғдиргани талай саволлар

¹ Байгул ҳикма — Бағдодда шундай номдаги Шарқда гўё энг катта бир кутубхона бўлган.

Ва Бухоро чолларидек донолик билан
Узи учун тўқиб қўйган шеърни айтгани:
«Меҳнати бедорликка ошно бўл, эй, рафиқ,
Барча йўллар ичра сенга шу асл йўл, эй, рафиқ:
Бу жаҳонда бемашаққат қўлга кирмас бахт қуши ---
Ғафлат уйқуси-ла бўлсин ўзга машғул, эй, рафиқ!»

С и н о

Кўп қувондим келганингиз эшитганим он,

(кулиб)

Белим боғлиқ, лекин янги олишувларга!

(«Офарин!» деган хитоблар.)

М а ъ м у н

Нур узра нур! Давлатимиз хизматидадир,
Садоқатли, саодатли икки дўст, олим!

(Берунийга)

Ёш дўстингиз Сино чиндан мақтовга лойиқ,
Савоб ишлар қилди тангрим хоҳиши билан.

С и н о

Қуллуқ, қуллуқ!

Қ о з и Ё қ у б

Ҳа, ҳа, тангрим хоҳиши билан!

С у х а й л и й

Хоразми қора безгак босди бехосдан,
Сал бўлмаса йиқитарди бутун ўлкани!

Б е р у н и й

Беҳад қизиқ!

С и н о

Қуллуқ! Унча айтгулик эмас!
Безгак билан оғриганлар қонида бехос
Кўз илғамас жаросимлар¹ борлигин сездим.
Қасалликка шулар сабаб бўларкан, тагин
Шулар билан дард юқаркан бошқаларга ҳам.
Уларга марг дори топдим — бу ёғи осон!

Б е р у н и й

Ҳусайн, бу — кашфиёт-ку?! Қамтарсиз фақат!

С и н о

Эҳтимол, бу жаросимлар ҳар қасалликда,
Ҳар бир дардда зоҳир бўлур ўзгача бўлиб.

Қ о з и Ё қ у б

Худодаандир бандасида ҳар нуқси нишон!

С и н о

Устоз, сиз ҳам элу юртнинг равнақини деб,
Қутлуғ ишга қўл урдингиз, таққоси шулким,
Танда иллат пайдо бўлса қутулмоқ мумкин,
Заҳмини бир киши, холос, тортади унинг.
Лекин Жайхун таҳдид солса, ё қуриб қолса,
Жафосини бирга тортар бутун элу юрт.
Ана ундан қутулмоқнинг йўли муаммо!

¹ Ж а р о с и м — кўз илғамас жонзотлар, микроблар.

Б е р у н и й

Толеимиз шу — истасак-истамасак ҳам,
Ҳар биримиз билсак шартдир феълени унинг!
Бобокалон Ал-Хоразмий ҳақ сўз айтганлар:
«Миср — Нилнинг фарзандидир, Хоразм —
Жайхуннинг!»

М а ъ м у н (Берунийга)

Устоз, қани, ўзингиздан тинглаймиз энди!

Б е р у н и й

Яна бир бор раҳмат, шоҳим, мурувватингиз —
Ватанимга қайтмоқ учун бўлди хуш боис.
Мана охийр неча дарбадарлик сўнгида
Яна, юртим Хоразмда турибман омон.
Ҳозиргина келдим олис Ҳозоросдан мен,
Йўл-йўлакай кўп қишлоқлар, уйларга кирдим.
Улка ривож-равнақ сари кетмоқда, аниқ,
Лекин, шоҳим, элнинг ҳали муҳтожлиги кўп,
Дори-дармон, илми-идрок тарбиятга зор.
Дўстим Ҳусайн, сиз билан биз бел боғлаб шунга,
Бир илм эмас, жисми жонни бахш этсак арзир!
Бу даргоҳда умр бўйи қолурман энди,
Умрим бўйи шай турарман хизматларига!

(«Офарин!» деган овозлар.)

Ҳукмдорлар назар этса аҳли донишга,
Яшнаб кетар у баҳорнинг чечакларидай.
Котдаги¹ ул хўб йилларим, гўзал давралар,

¹ Кот — Шимолий Хоразмнинг маркази, Беруний туғилган шаҳар. йирик маданият, илм-маърифат маркази.

Тинч Журжонда, Райда менга юз очган ҳаёт
Ва турли эл-элатларнинг чиройи, руҳи
Қайтарилмас бир туйғулар сунди қалбимга,
Отди оплоқ мавжларига илму ҳикматнинг.
Аҳли дониш ҳаётининг мазмуни ахир
Саодатлиғ тонг еллари каби бир куни
Халқ бошидан нодонликнинг туманин қувмоқ
Ва дунёда ҳақиқатдан нигоҳни тўсган
Жами ирганч омиллардан уни пок этмоқ!
Ана ўша зоҳир этгай унинг қошида
Энг диловар бўёқларда бутун оламни!
Шул уфққа етишсакми, тандаги руҳ ҳам
Юксалгайдир ўлимлардан ғоят юқори!

Қ о з и Ё қ у б

(ўзича)

А? Ўлимдан? Эй, бандам-эй...

М у н а ж ж и м

Ё парвардигор!

Б е р у н и й

Мен танлаган йўл қийин йўл, олис бир йўлдир,
Гоҳи унда бир истиқбол кўрсак-да ёрқин,
Гоҳ бу сўнгсиз ва тинимсиз эмгакларимиз
Гўё ёмғир доналарин санашдай бир гап.

С и н о

Афв, устоз! Андак ғалат кўринди менга
«Ёмғир санаш...» деган нисбат! Хосми билимга?!
Илм олишга нимаси хос ёмғир санашнинг,
Ақлу идрок берилган-ку бизга азалдан?!

Назаримиз етиб борган ҳар бир мавжудот
Ақлимизнинг шуъласида бўлар-ку аён?!
Форобийнинг айтганидек пайғамбарлар ҳам
Бари оддий инсонлардир, лекин уларнинг
Ақл-идрок қуёшлари бошқалардан зўр!

М а с и ҳ и й

Ақл — зеҳн кўзгусида тангрининг нури,
Тенг берилар инсонга у, бўлмас ортиқ-кам!
Шу нур билан равшан бўлган маконлар, жойлар
Белги берар ақлимизнинг уфқларидан.

Б е р у н и й

— Бир қарашда рост кўринар бу таҳлил андак,
Лекин шатранж қонунларин бир эслаб боқинг:
Уни сира ўйнамаган кишини бирдан
Қамтарона таклиф этсак тахта устига!
Хўш? Не ҳолни кўрар эдик? Ночор бир саҳна!
Бу — қазноққа осмондан шам тутмоқ билан тенг,
Эшигидан бошқасини кўрмоқлик маҳол!
«Тангримизнинг, лекин баъзи сифатларини!»—
Аниқлашда биз тутган йўл фарқ этар бир оз.
Биз жазм этсак бир жумбоқнинг мағзин чақмоққа,
Аввал ўзни ғаразли ўй, эски ақида
Ҳамда оний ташвишлардан поклаймиз буткул:
Вужудларни баҳолаймиз хулқига боқиб,
Қиёслаймиз бошқа ўхшаш унсурлар билан.
Бўлаклардан бутунларга ўтиб, оқибат,
Кашф этамиз зулмат ичра ётган сирларни!

С и н о

Шундай дейлик! Мавжудотнинг хулқин билишда
Сиз тутган йўл андак ғалат! Бир хатингизда

Бу борада сўргандингиз менинг таъбимни,
Арастудан, Афлотундан шуни биламан:
Узига мос кийим топар ҳарки мавжудот,
Тополмаса, демак, йўқдир ўзи ҳам буткул!
Сиз вужудда ортиқроқ авж кўрасиз чоғи...

Б е р у н и й

Бу иккиннинг мизожини аниқлаш учун
Ҳаракот ва саканотда ўлчаб аларни,—
Аниқлармиз, замон, макон ичра хулқини!
Барчасини уйғунликда кузатсак агар,
Аён бўлур: жисмимизда жон бўлганидек,
Ҳаракот ҳам тегишлидир вужудга буткул.
Ҳам шаклга киритади уни ҳаракот,
Ҳам чиқарар! Демак, ўзи «фоил»дир унинг!
Биз «қувваи табиа»¹ деб номладик буни!
Бу қувватнинг манбалари эса ҳамон сир...

Қ о з и Ё қ у б

Шоҳим, бу сўз таҳқир этар тангри таоллони!

М у н а ж ж и м

Раббил олам, шафқат этгил бандаларингга!

М а ъ м у н

Устоз, шубҳа-эътирозлар солмангиз дилга!

Қ о з и Ё қ у б

Шул барҳақким, олам бино бўлмасдан аввал
Бор эди у парвардигор арши аълода.

¹ Беруний табиатнинг ўзи «яратувчи» — фоил, унда табиий бир қувват-ҳаракат бор, деган ғояни илгари сурган.

Гар қиёмат қўпса бир кун, замин у замон
Кунпаякун бўлса, яна у қолар фақат!
У ибтидо ва интиҳо, зоҳир ва ботин,
У ҳозикдир, ҳар нарсага қодир ва доно!

(Ўзича)

Сино билан оралари совуқ кўринар,
Бу чиндан ҳам шундай бўлса, асқатар ҳали...

Б е р у н и й

(Қози Ёқубнинг гапини тасдиқловчи оҳангда)
Шундай, тақсир, худди шундай! Биз ҳам тангрининг
Иродаси, ҳукми билан содир бўлгувчи
Сифатларни зикр этдик билганимизча.
Бир нарсани билмаганлик туфайли, лекин
Яхши эмас, айтмай қўйсак билганларни ҳам!
Изн этингиз, ўрни келди, далил тарзида
Эътиқодлар борасида бирор сўз айтсам!
Бу борада юнонларнинг сўзлари ғалат:
Ҳар нарсада юз кўрсатур, дейдилар, худо.
Ҳомер отлиғ шоир эса ўз достонида;
«Ёғаётган қор — Зевснинг гардлари» — деган.
Ҳар халқда бир эътиқод бор, таъна дарқорми?!
Қадри тенг деб ўйлайман мен эътиқодларнинг.
Битгасидан сўрсак агар: «Ибодат нечун?»
Жавоб берар: «Кўрмоқчиман тангрим жамолин!»
Ўзга бири уни сўкар: «Ибодатларинг
Арзимагай ҳеч вақт тангрим жамоли учун!»
Бошқасида эса яшар шундай эътиқод:
«Қай томонга юз ўгирсанг — шу ёқда худо!»
Ёшлигимда танирдим бир гулчи юнонни,
Эсимдадир бу хусусда сўзлаганлари;
«Гоҳо тангрим, билкуллия, ҳар ерда зоҳир,
Гоҳо тоат-ибодатим, шаҳдим-ружуим
На акс-садо, на бир дарак, на бир жавобсиз
Осмонларнинг сукутида сўнганга ўхшар...»
(мажлис аҳлида бесаранжомлик)

Қоз и Ёқуб

(четга)

Хўп пардалаб гапирмоқда! Гўё ўзини
Ён босгандай кўрсатмоқда каминага ҳам.
Ўз эркига қўйиб бериб ўтирсак агар,
Яна минг хил кароматлар кўргазур, равшан!
Маъмун бунга сарполарни уст-уст кийдириб,
Барча фахр, ёрлиқларни бериб улгурган!
Йўқса бунча эрк бермасди жағига, аммо
Менинг лом-мим турганимни кўрса раият,
Ҳақимда не хаёлларга борар? Яхшиси,
Астагина чиқиб кетмоқ маъкул бу ердан!

(Шоҳга мурожаат қилади.)

Бир бетоблиғ кирди танга, шоҳим, мен кетсам...

(чиқади)

Маъмун

(Берунийга)

Устоз! Шун истардимки, ҳеч бир сўзингиз
Дахл этмаса давлатимиз кишиларига!

Беруний

Шоҳим, ҳар хил гаразлардан холидир кўнглим,
То қўлига қалам тутиб бир умид билан
Илм йўлида ранж чекмоққа чоғланган ҳар ким
Холи этсин ўзни турмуш гаразларидан.
Илм — қадамжо, гараз билан қадам босганлар
Этик ечмай тўрга ўтган махлуққа ўхшар.

Бундайларнинг ҳеч қасрда ўрни йўқликдан,
Азбаройи тўрга мансуб кўргандан ўзин —
Умр ўтказар ҳамма жойда ўрин талашиб.
Биров кўнглин оғритмоқлик менга не ҳавас?!.
Камтарона ва сернуқсон заҳматларимдан
Баъзиларин ҳолисона сўзламоқдаман.
Лекин менга шу аёнким, турғун тоғларга
Сира раҳна сололганмас энг зўр тўфон ҳам!
Ва Жайхуну Сайхундарё минг-минг йил оқиб,
Бир Хоразм денгизин-да шўрдан ювганмас!

(«Офарин!», «Эшитамиз!» деган хитоблар.)

А л п т е г и н

(завқи тошиб)

Устоз! Агар қўлларимда сизнинг шаҳд ила,
Сизнинг фахр, ғурур ила, қайтмас феъл ила
Ўн беш, майли, ўн туманлик лашкарим бўлса,
Ер юзини забт этардим бир нафас билан!
Еинки бу кўп жафолар тортган ўлканинг
Несту нобуд қилинган хор тарихи учун
«Ё қасос!» — деб чиқар эдим буюк жангларга!
Ҳеч бўлмаса, юз-минг йиллар келгиндиларга
Тўлаб келган адоқсиз бож-хирожларини
Қайтарардим, ўшанчалик эрку жоҳ этиб!

С ай ё д т е г и н ва Х ум о р т о ш

Қайтарардик ўшанчалик эрку жоҳ этиби!!

С у х а й л и й

(кулиб)

Ҳай-ҳай, Алпим! Илм олмоқлик ахир сизнингдек
Нисса шаҳрин яшин янглиғ маҳв этмоқ эмас!

(анжуманга)

Алп тегинни элчи қилиб юборсакми денг,
Қайтиб келди, забт этдим деб бутун шаҳарни...
Илм қалъасин олмоқ душвор палахмон билан!

Бу орада пешайвондаги қизлар ичида қуйидаги мазмунда бир
гурунг бўлиб ўтади.

Б и р и н ч и қ и з

Мунча мағрур!

И к к и н ч и қ и з

Шаҳди каммас лашкарбошидан!

У ч и н ч и қ и з

Кўзларига қаранг унинг, бирам тиниққи...

Р а й ҳ о н а

Э, жим, қизлар! Халал берманг тинглашга ахир!

Б е р у н и й

Шоҳим! Агар рухсат бўлса, бу маъракага
Хабар этмоқ истар эдим бир муаммони.
Еру кўкда кўп белгилар, содиряиклардан
Бир хулоса, бир мантиқни илғандим мен,
Номукаммал тажрибалар қилгандим гоҳи.

Беруний ишора қилади. Мулозимлар чоғроқ бир сандиқни
киритадилар. У сандиқдан бир бойлам қроғоз ва глобус олиб, кўри-
нарли жойга қўяди.

Илтимосим, ҳуркитмайлик ҳушёрлик қушин,
Тарафкашлик, ғараз тўсгай илм кўзини.
Устига, бу — ниҳоятсиз, ҳам етилмаган,
Ҳам текширмақ даркор бўлган бир даъво, холос!
Кўриб юнон ёдгорларин, ҳинд ҳикматларин,
Ар-Розий, Ал-Форобийлар даҳосин уқиб
Ҳам ул жасур бобокалон — Ал-Хоразмийнинг
Осмон каби юрагига боққанам дамлар,
Қудратли бир асрлонларнинг наъраларини
Қоп-қоронғи ўрмон ичра ҳайратда қотган —
Бир кимсадек эшитгандим; ана шу ҳолат
Жасоратга чорлаганди ақлим, руҳимни,
Боқ, деганди, бу оламга ўтлиғ кўз билан!
Шундай боқдим ва қаршимда бўлди намоеън
Буткул янги бир чиройда еру осмон!
Нечун ерда иқлим ҳар хил, вақт-соат ҳар хил,
Нечун қуёш тугилади, ой тугилади,
Нечун ойнинг ўн беши шом, ўн беши ёғду,
Боис нима? Жавоб эса менимча бундай!

(У харита ёзади ва глобусга ишора этади.)

Биз турган ер юмалоқдир!!! Курраи арздир!!

*(Мажлис аҳли ҳаракатга келади. «Нечук?»,
«Исбот!» «Ғалат бу!» деган хитоблар.)*

Мана, бу сиз кўриб турган юмалоқ шакл —
Ернинг бизга фараз бўлган жажжи сурати.
Қиёс этиб қурдик уни курраи арзга
Ва «Курраи мужассама»² дея атадик...

(Ғалати бир сукунат.)

Мантиқ шулким, ҳар бир вужуд гарчи бўшлиқда
Айланма бир ҳаракатга банд бўлсагина,

¹ Курраи арз — ер шарни.

² Курраи мужассама — глобус.

Шакли унинг зич, юмалоқ шаклга келар!
Мантиқ шулким, ер айланиб турар, эҳтимол,
Йўли — қуёш теграсида, айланма бир йўл...
Ой, қуёш, ер, юлдузлар ҳам, кўрдик, юмалоқ,—
Оқибатда юмалоқдир бутун самовот!
Оҳанрабо шаҳди янглиғ бир шаҳд ичида
Айланурлар бир-бирига улар ҳамнафас,—
Жон ихтиёр этганидек жисмимиз мулкин!

М у н а ж ж и м

(ғазабини босолмай)

Бу нечук гап, олампаҳоқ?

С и н о

Қойил!

М а ъ м у н

Бас энди!

Б е р у н и й

Ажаб эмас, бизнинг кўзлар етган шу муҳит
Ибтидо ҳам, интиҳо ҳам эмас, балки бу —
Ўзга буюк муҳитларнинг бир гарди, холос!

М у н а ж ж и м

Шоҳим!..

Жимлик. Ҳамма ҳайрон. Орқадан битта-битта босиб Болта масха-
равоз чиқади ва сирли ҳолатда глобусга яқинлашади, унга қўлини
тегизиб кўради; елкасини қисиб осмонга, ерга, атрофдагиларга
қарайди. Мунажжимга яқинлашади.

Болта масхаравоз

Пирим! Дунё ишларини чандон биласиз,
Келажагин айтоласиз ҳатто олдиндан.
Шу дунёнинг эгасисиз, гапнинг сираси —
Шундоқ экан...

Қўли билан доира чизиб Мунажжимнинг семизлигига, кейин кўкка
ишора қилади.

...эгасига ўхшар-ку, мол ҳам!

М у н а ж ж и м

(унга ҳассасини йўқталиб)

Яшамагур!

Б е р у н и й

Мен тугатдим сўзимни, шоҳим.

М а ъ м у н

Рухсат берсак, бўлур энди бошқаларга ҳам,
Эҳтирослар алангаси пасайсин бир оз!
Устоз, агар ишларимиз шу тахлит кетса,
Ўт қўюрмиз кўп жонларнинг хону монига,—
Замон эса пайрахалар уюми гўё...

Ш о ҳ в а м у л о з и м л а р чиқишади. Сино, Масиҳий, Арроқ Беруний
билан хайрлашадилар.

А р р о қ

Қойил, дўстим, қиёссиз бир шижоат бўлди!

С и н о

Кишиликнинг ақли агар бир ўлка бўлса
Бугун унда янги бир тонг отгани аниқ!

М а с и ҳ и й

Хўп қийналиб бир тугунни очсак, ичидан
Нозиктар бир тугун чиқди — пиёз тўғрашдай!

А р р о қ

Ҳечқиси йўқ! Қўрқмасак бас кўз ёшланар, деб...

Кетадилар.

Б е р у н и й

Хўп, дўстларим, хайр энди!

(ўзича)

Ҳа, тўғри, устоз!
Қўрқмасак бас! Қўрқмасак бас, кўз ёшланар деб!
Юнонларнинг асл ўғли Суқрот бир замон
Қоралади санамларга юкинмоқликни
Ва бош тортди юлдузларни худо демоқдан!
Бу исёнкор ақли учун, журъати учун
Афинада, оқибат, ўн икки қозининг —
Ўн биттаси бир овоздан кўтаришиб қўл,
Уни тездан қатл этишга фатво бердилар!
Ҳақ йўлидан асло қайтмай ўлиб кетди у...

У глобус ёнида туриб қолади. Фақат Райҳона кетайми-кетмайми деган алфозда Берунийнинг кетишга чоғланганини кўриб, узугини ерга ташлайди. Беруний чиқаётиб, уни кўриб қолади ва кафтига олиб тамоша қилади.

Узук? Ажаб, ким тушириб қолдирди экан?!
Энг асил ва камёб ёқут! Анор донидек
Тоза бир нур товланмоқда қирраларида!
Румоний ранг! Сарандибда бўлур бу нави!
Эгаси ҳам чиқиб қолар! Олимлик шу-да,
Кўзларига кўринмайди зару забаржад...

Беруний чиқади.

Райҳона

(хомуш)

Кўзларига кўринмайди зару забаржад.

ТУРТИНЧИ МАНЗАРА

Сарой. Соқчилар. Маймандий киради. Соқчилар уни тўх-
татадилар.

Маймандий

Иўлни бўшат!

Биринчи соқчи

Тўхта! Қани, қаёққа тўрам?!

Маймандий

Четлан,— дедим сенга, тўнғиз! Буюк Султоннинг
Вазирини тўхтатмоққа не ҳаддинг сиғди?!

Иккинчи соқчи

Тўрам, барча султонларинг ўзингга сийлов.
Бизга буюк Хоразмшоҳ ёрлиғин келтир!

М а й м а н д и й

Мана ёрлиқ!

(Қиличини суғуради.)

Тупураман барингга! Йўл бер...

И к к а л а с о қ ч и

(Найза ўқталадилар.)

Ҳай-ҳай, қайда юрганини билмайдик-ку бу!
Билиб қўйинг: Бу ер — Урганч! Бу ер — Хоразм!

Ичкаридан Ҳ у р и чиқади.

Ҳ у р и

Бу не шовқин, ёввойилар?! Яна нима гап?

И к к а л а с о қ ч и

Мана бу зот...

М а й м а н д и й

О, маликам!! Бу итлар мени...

Ҳ у р и

О, Маймандий! Хуш келибсиз! Қани, марҳабо!

(соқчиларга)

Йўқолинглар!

(Маймандийга)

Қани-қани, гапиринг тезроқ,
Қандай мужда келтирдингиз менга Ғазнадан?
Унда азиз акажоним омон бормилар?

М а й м а н д и й

Ҳаммалари соғ-саломат, жонлар — омонда,
Кўп-кўп салом йўлладилар сизга султоним!

Ҳ у р и

Қуллуқ, қуллуқ! Давлатлари зиёда бўлсин!
У ёқларда не гаплар бор? Билсангиз эди,
Ғазнамизни не чоғлиқ ҳам соғинганимни!
Авзойингиз бузуқ?! Боис?

М а й м а н д и й

Нима ҳам дердик,
Энди эркин юра билмай қолдик бу юртда,
Ҳар қадамда соқчи, бурчак-бурчакда — таъқиб...
Бугун-ку, хўп, пинҳон келдим — танимадилар,
Авваллари қандай эди! Агар Ғазнадан
Вазир эмас, ҳаммол келса гул сочардилар!
Афв этинг, бугун аҳвол бутунилай бошқа...

Ҳ у р и

Соқчиларми? Парво қилманг, бутун Хоразм
Дастур этар ғазнавийлар кўрсатган йўлни!

М а й м а н д и й

Ҳм-м, дастурлар! Путур кетганмасми баридан?!
Султонимнинг шубҳаси ҳам худди ўшанда,

Худди шуни ўзим кўрай, англай деб келдим!
Биларсиз ҳам! Аста-аста Маъмуннинг қўли
Ён-верига чўзилмоқда! Ненидир излар!
Не истайди? Бир суянчми, бойликми, ерми?
Илгариги куёвимиз Али ҳар ҳолда
Бамаслаҳат қилар эди барча ишларин...

Ҳ у р и

Мен ғофилман бу гаплардан! Шунча жиддийми?

М а й м а н д и й

У Туркистон хонларига қўл бермоқ истар,
У мустақил тутмоқ истар ўзини биздан...

Ҳ у р и

Ажаб!

М а й м а н д и й

(шивирлаб)

Султон шуни қаттиғ тайин этдилар:
Саройдаги ҳар шарпадан огоҳ бўлингиз,
Содиқ дўстлар топиб қўйинг, ҳар кори ҳолга!
Бу тадбирлар оқибати ҳар икки юртнинг —
Сизу бизнинг бахтимизга гаров бўлажак!

Ҳ у р и

Ғулу тушди юрагимга!

М а й м а н д и й

Худо ёр бўлсин!
Маъмуннинг-да кўкрагига қўл солиб кўрай...
Ч и қ а д и.

Ҳ у р и

(ўзича)

Доим бунинг ҳамроҳидир ваҳм-ташвишлар,
Акамга кўп жон куйдирар! Демак, бизга ҳам!
Ростин айтсам, жонгинамга тегди бу ўлка:
На бир гўзал табиату, на манзара бор,
Шаҳардан қирқ одим ҳатла — қум, ваҳший саҳро...
Бу даштларнинг нимасига учдийкин акам?

(керишиб)

Ғазнамизда ҳозир тоғлар салқини ҳоким,
Тоғу тошда базми лола, ҳуркак оҳулар...

Хаёлга толади. Х о р а з м ш о ҳ М а ь м у н киради. Кўрнинишдан
вақти чоғ.

М а ь м у н

Андак хомуш ва фаромуш кўринадилар?
Кўнглингиз ғаш?

Ҳ у р и

Ўзим, шундай... Сиздан сал олдин
Вазир Ҳасан келган эди Ғазнадан...

М а ь м у н

Хўш, хўш?

Осойишта экандирму унда элу юрт!
Ғазनावийлар хонадони тинч-ободдирму?

Ҳ у р и

Шукур! Вазир сиз билан-да кўришмоқчийди...

М а ъ м у н

Яхши, яхши! Бир нарсага ҳайронман лекин:
Жаҳон аро ларза солган буюк Султоннинг
Бош вазири гоҳ салобат тўкиб юради,
Карнай-сурнай, жарчи йўллаб ҳар чақиримдан!
Гоҳи эса карвонини қароқчи урган
Савдогардай пусиб келар, ёлғиз, афтода...

Ҳ у р и

Кулманг!

М а ъ м у н

Асло! Эшигимиз унга ланг очиқ!

Ҳ у р и

Хоразмнинг ҳамма ёғи ланг очиқ эшик!

М а ъ м у н

Сиз не ҳақда?

Ҳ у р и

Юртингизга чор тарафдан ҳам
Келган келиб, кетган кетиб ётипти эркин!

М а ъ м у н

Тўртта катта дарвоза бор Урганчимизда,
Ажаб эмас, кўнглимнинг-да дарвозаси тўрт!
Ниятида яхшиликлар устувор бўлса,
Ким келса ҳам эшикда кўп куттироқ гуноҳ!

Қолаверса, жонлар омон, имонимиз бут,
Дастурхон бут, хонадон бут, қалқонимиз бут,
Дунё билан сўзлашгали иқтидори бор —
Пойидор бир салтанатмиз, ниятлар олий,
Бугун тенгсиз шуҳрат билан, дабдаба билан
Хоразмшоҳ номи тутди рубъи маскунни¹.
Хатто Бағдод халифаси тан олиб буни —
Берди қутлуғ сарполари, ёрлиғларини,
Бундан доғи равшан тортди хонадонимиз.

(кулиб)

Қолаверса, куёв бўлсак Султон Маҳмудга,
Хўш, ҳар қайга борсак-келсак, ярашмайдими?
Шундай бўлгач...

Буюрингиз, базм тузилсин!
Сархуш бўлиб уд тингласам дейман бу оқшом!
Шоҳнинг иши: тонгда — қатл, шомда — зиёфат!!

Кетишга чоғланади. Райҳона киради.

М а ъ м у н

Мана гўзал Райҳона ҳам келиб қолдилар.
Хўш, айтинг-чи, синглим, бугун юртимнинг шони
Йўл бермасми ўз шоҳига кўнгил ёзмоққа?!

Р а й ҳ о н а

Фуқарога кўп марҳамат қилган подшоҳ
Лойиқ эрур ўзи ҳам эл марҳаматига!

М а ъ м у н

Бале, синглим! Кўрдингизми, суюк маликам,
Мен Хоразм қизларин-да ҳур ва бахтиёр,

¹ Рубъи маскун — Ер юзи.

Билимдон ва жасоратли кўрмоқ истайман!
То бирон иш тушган маҳал юртнинг бошига
Чиқсин улар оғалари билан бир сафга!

Ҳ у р и

Аёлларнинг ёзуғида қисмат ягона —
Уни ҳеч ким ўзгартгайми тангридан бўлак?!

М а ъ м у н

Синглим, қани қўлингизда не китоб?

Р а й ҳ о н а

Буми?

Бу — «Асор ал-боқия...»

М а ъ м у н

Ҳа, мана исботи!
Осон ишмас Берунийни уқмоқ, ўрганмоқ,
Шу китоби машҳур этди дунёга уни.

Чиқади.

Ҳ у р и

Нима бало, ҳаммаларинг «Берун»лаб қолдинг,
Нимаси ром этди экан сизларни унинг?
Райҳон биби, бундан кўра туну кун дилдан
Қуръондаги оятларни ёд этмоқ савоб.

Р а й ҳ о н а

Мен қуръонни ёд тутурман тўлиқ, мукамал,
Бу китоб ҳам «Бисмилло»дан бошланган, қаранг!

Ҳ у р и

Ҳай, қўявер...

(четга)

Бундан бир... гап ковлаб кўрай-чи?..

(юмшаб)

Берунийни хўп баркамол, доно, дейдилар?
Шундайми? А?

Р а й ҳ о н а

Мен билмайман буни, маликам.

Ҳ у р и

У шоҳ билан тез-тез суҳбат қураarmi экан?
Дарров дўстлар орттирганмиш?..

Р а й ҳ о н а

Қайдам, маликам,
Мен мана шу китобини биламан, холос.
Узр, борай, кирган эдим саломингизга.

Чиқади.

Ҳ у р и

(ёлғиз)

Тавба қилдим: Ё мен тентак, ё Ҳасан, ё шоҳ —
Бировлари кишилар топ, гап тингла дейди,

Бировлари эси кетган Берунийни деб.
Хотинларнинг иши — тайёр гапни етказмоқ.
Бир гап айтки, қулоғига жаврай Маъмуннинг...
Э, бор ҳамманг...

(эснайди)

Ҳали Маъмун нима деганди?

(ташқарига)

Ҳай, буюринг, тунги базм шайлашсин шоҳга!
Уҳ, дам олай... Қуриб кетмайдими бариси...

БЕШИНЧИ МАНЗАРА

Кеч. Дастурхон устида Қоз и Ёқуб билан Мунажжим.

Қоз и Ёқуб

(қаҳ-қаҳ отиб)

Шаҳдингизга қараб турсам, ҳалиям, пирим,
Иштаҳангиз андаккина мудроқ кўринур.
Яна қиттай? А-ҳа?! Ахир ўз уйингиз-ку?!

Мунажжим

(у ёқ-бу ёғига аланглаб)

Етар, макруҳ...

Қоз и Ёқуб

Эй бандам-эй! Кўтаринг энди!
Баракалло! Дастурхоннинг ҳикмати-да май!

Бор дейман-да оҳанрабо хоссаси бунда,—
Гоҳ темирдек совуқ бўлган юракларни ҳам
Яқин этар, бир-бирига тўрттириб қўяр!
Қани олинг!

М у н а ж ж и м

Шариат йўли — худонинг йўли.
Ҳай-ҳай, мана олдик, олдик! Измингиздамиз!

(Ичади.)

Қойил, тақсир! «Май ич» деган ҳукмингизда ҳам
Ўзгача бир қатъият ва муваффарлик бор!

(Қаҳ-қаҳ отади.)

Қ о з и Ё қ у б

Не тонг! Ахир биз тангримнинг нурларидирмиз,—
Бизнинг билан ҳар нарса ҳам бўлур мунаввар!

(Ичади, лаззатланади.)

Оқ бадан бир гўзал гўё кўлга киргандай,
Жимир-жимир тўлқинларга солди танимни!

М у н а ж ж и м

О, тангримдан айланайин сени чиқарган!
Уч юз олтмиш томиримни тор этиб чалди,
Куйга, куйга айлантирди жисмимни, бай-бай...

Эшик тақиллайди. Қ о з и Ё қ у б ўрнидан туриб кетади ва эшикка
талпинади. М у н а ж ж и м май идишни бекитади.

Т а ш қ а р и д а н о в о з

Ҳазрат, менга шафқат қилинг, ўша Ниёзман!
Ахир ноҳақ тортиб олди қўш туямни бой!
Энди қандоқ суғораман еримни, ҳазрат,
Чиғирга мен не қўшаман?.. Бой — ноҳақ, ҳазрат...

Қ о з и Ё қ у б

Э, лаънати! Остираман! Мени тинч қўй, тинч!!!
Йўқол, йўқол, қўш мазор бўл қўш туянг билан!

(Эшикни тарақлатиб ёпади.)

Жон-понини чиқарди-я кишининг, ифлос!
Бой ерига оқадиган ёбдан бу галварс
Чиғир солиб, бесўроқ сув чиқарган... Бой ҳам...
Э, қўйинг-е! Бу баччағар кайфни учирди,
Мана шулар, қаритади кунингдан бурун...

М у н а ж ж и м

Парво қилманг, парво қилманг мутлақо, ҳазрат,
Даъво эмиш қариликнинг какрасига май!
Буни сизнинг «Ал-Муҳаққиқ»¹ хешингиз айтган!

Қ о з и Ё қ у б

(ўзгариб)

Берунийми? Бадбахт, ножинс! Сиздан илтимос,
Бу ерда ҳам маъракага қўшмангиз уни!
Чидолмайман, чидолмайман...

¹ Берунийга берилган улуғловчи номлардан бири, «тўғри сўз», «ҳақиқатни сўзловчи» маъноларида.

М у н а ж ж и м

Ҳм, қўшманг, эмиш!

Унинг номи қўшилмаган нима бор ўзи,
Нима қолди тумшугини сира тикмаган?!

Қ о з и Ё қ у б

Бу аввало сизга кўпроқ тегишли, пирим,
Боплаб сиздан осмонни ҳам тартиб олдимиз?

(ҳали ҳам ғазабини босолмай)

Тартиб олди сиз шўрликдан юлдузларни ҳам!
Энди шиллиқ қуртга қараб толе кўрасиз,—
Ишонарми-ишонмасми деб энди Маъмур,
Жонингизни минг ҳовучлаб турасиз, шўрлик...

М у н а ж ж и м

Ўзингиз-чи? Хўш, ўзингиз? Кўз ўнгингизда
Шубҳаларга қорди-ку у дин-диёнатни?!
Бу ҳам майли, хўш, тўғон-чи, тўғон! Топдимми?!
Буюк дарё қирғоғида буюк бир одам
Энди ўлчаб олмоқдасиз ҳатто сувни ҳам,
Авваллари сиздан ортса, ичар эди юрт!

Қ о з и Ё қ у б

Тавба, лекин хўп аламли бўлди шуниси!
Ёмон бўлди тўғон деган балоси аммо,
Энди сув ҳам ўлчаб-кесиб берилар, тавба!
Дарё улкан, суви сероб, ёблар кенг, чуқур,—
Яна нима керак унга! Қора деҳқонга
Биздан ортган оқава ҳам етарли эди!
Тўғонларни буздирайми деб ҳам кўргандим,
Лекин бузсанг, сувга кетар экан буд-шудинг!

М у н а ж ж и м

Бошимизга қандай келди экан бу офат?
Неча йилким, файзи учди ҳаётимизнинг,
Файзи учди, гўё кўкка чиқди Сурайё¹!

Қ о з и Ё қ у б

Мусалласга тўла бир хум эди Хоразм —
Пашша тушди! Янглишмасам, подшолик учун
Етти боғга ўзи бориб ер ўлчаганда,
Кетганмиди ўзларининг ерларидан ҳам?!

М у н а ж ж и м

Ҳа, олинди, олиб бўлди. Бари ўшандан!
Маъмунга бош маслаҳатчи бўлиб олди-ю,
Чаппасига кетди дунё! Аввал замонлар
Бундай юмуш ялангоёқ билан битарди,
Ялангоёқ кўтарарди не ташвиш бўлса,
Энди бизнинг ҳамёнга ҳам кўз тикмоқдалар!

(Бир оз жим қолади.)

Сон-саноқсиз ёб қаздирди, кўприк қурдирди,
Йўллар қурди, қизлар учун очтирди мактаб.
Расадхона тиклаб олди шаккоклик билан...

Қ о з и Ё қ у б

(ширакайф)

Етар! Етар! У саройга келган кунданоқ
Юрагимни кемирмоқда қора бир аждар!

¹ Астрология фани ақидаларига кўра, гўё Сурайё юлдузининг чиқиши ва ботишининг кишилар ҳаётига бир зарарли таъсирни бўлади.

Кемирмоқда, ғажиб-ғажиб еб битирмоқда!
Бирон лойиқ йўли йўқки, ундан қутулсам,
Қани тангрим бир улуг куч бахш этса менга:
Уни мана шу қўлларим билан хип бўғиб,
Юрагимдан узиб олсам, топтаб ташласам!

М у н а ж ж и м

Маъмунни не жин урди-а?! Не бўлди ўзи?!
У қаёққа қарамоқда?!

Қ о з и Ё қ у б

Маъмунмиш, шўрлик!

Ҳеч қаёққа қарамоққа ҳуши йўқ унинг,
Берунийнинг кўзи билан боқмоқда юртга!
Унга нима? Не учун ҳам бош қотирсин у?
Билса — Берунийнинг ақли, юрса — оёғи,
Не истаса — бари Берунийнинг истаги.
Овқатини ўзидан ҳам ялқов Ҳурихон
Бир амаллаб чайнаб солиб қўяр оғзига...

(Оҳ тортиб ўтиради.)

М у н а ж ж и м

(тушкун оҳангда)

Абул Ҳасан Али¹ даври хуш замон эди,
Дин-диёнат, қибла маҳкам эди эл-юртда.
Отасининг йўлини тутган эди у қаттиқ,
Буюк ғозий Султон Маҳмуд Ғазнавий билан
Боғлаб олган эди буткул шараф ипларин.
Султон эса ўзининг энг суюк синглиси —

¹ Маъмуннинг ўлган акаси.

Ҳурихонни бериб қўйган эди. Ҳсразм
Ғазна билан қайин-қуда эдилар суюк.
Бир-бирига йўл кўрсатар, суяр эдилар,
Юксак эди иккисининг номи жаҳонда,
Юксак эди доғи ислом салоҳияти.
Аўш, энди-чи? Али ўлди! Маъмун тож кийгач,
Ақасининг йўлини тутмоқ бўлди албатта,
Ҳеч тортинмай, ақасидан қолган безага —
Ҳурихонга уйланди-ю Ғазнавийга ҳам
Қайноғам ва таянчим, деб қўл берди содиқ.

Қ о з и Ё қ у б

Ҳа, аввали ишлар анча жўн кетди, кейин
Ҳам давлатнинг, ҳам Ғазнага қариндошликнинг
Замирига раҳна тушди ва бу йўлларда
Маъмун — Ҳури никоҳининг совуқлигидай
Ғалати бир аёз еллар оралаб қолди.

М у н а ж ж и м

Ҳаммасига ўша, фақат ўша айбдор!
У Маъмунни, тўдасидан қочган туядай,
Бурнига ип солиб зимдан қантариб олди!

Қ о з и Ё қ у б

Э, воҳ, қани олинг, пирим!

(Ичади.)

М у н а ж ж и м

Тақсир, айтинг-чи,
Қачонгача ундан қолган ювинди билан

Кун кўрамиз ўз ҳақимиз бор шу давлатда!
Наҳот, ундан қутулмоқнинг йўли йўқ бўлса?
Наҳот, бирон йўруғ билан уни...

(Қўли билан томоғини кўрсатади.)

Қ о з и Ё қ у б

Хўш, айтинг!

М у н а ж ж и м

(бирдан сергакланиб)

Йўғ-э, қўйинг! Ўзингиз-чи?! Ўйладингизми?

Қ о з и Ё қ у б

Э банда-эй! Рўй-рост очиб ташланг-чи дилни!
Туз ва намак устидамиз!

М у н а ж ж и м

Мен уни заҳар...

Ё бировни ёллаб пинҳон гумдон эттирсам!

Қ о з и Ё қ у б

Хомсиз, пирим, хомсиз! Унинг бундай ўлими
Энг бирламчи кимга шубҳа туғдиради, хўш?!
Маъмундан то саройдаги югурдакча
Барча равшан билади-ку Беруний билан
Сув ва ўтдай мурасасиз яшашимизни?!
Йўқ! Бу ерда бошқачароқ иш кўрмоқ даркор!

М у н а ж ж и м

Шоҳнинг ўзин ёвлаштирак Хури орқали?

Қ о з и Ё қ у б

Маъмун қулоқ осмайдими, дейман Хурига!

М у н а ж ж и м

Менга қаранг! Сино билан ораси совуқ,
Ғоят қалтис айтишувлар қилганин кўрдим.
Балки шундан фойдаланиб... Қонли бир нифоқ...

Қ о з и Ё қ у б

Бунни мен ҳам ўйлаб кўрдим. Шуниси борки,
Тил шамшири жон чиқарар — қон чиқаролмас!
Ўзгача бир феъл бордир бу тоифада:
Бул иккови тилда зиду дилида яқин,
Бунни аён кўриб турар Маъмун ҳам ҳатто!
Беморхона қурилиши харажати ҳам
Ҳал бўлди-ку Берунийнинг ўзи ён босгач!
Шундай бўлгач бундан бир иш чиқиши гумон.
...Кўпдан буён бир нарсани ўйлаб юрибман,
Бироқ қалтис, ғоят қалтис...

М у н а ж ж и м

(ўсмоқчилаб)

Хўш, хўш!.. Гапиринг...

Шу пайт ҳужра эшиги тарақлаб очилади ва қора чодир ёпинган
номаълум бир киши қилнч яланғочлаб кириб буларга таҳдид
қилади.

Номаълум киши

Ҳа-ҳа! Қани, нима ҳақда ғийбат қилдинглар,
Не сўйладинг буюк Хоразмшоҳ шаънига?!

(бирданига Мунажжимга юзланиб)

Сен айт аввал! Сўнг жонингни суғурволаман...

Мунажжим

(Ерга йиқилади.)

Йўқ, йўқ! Менмас... Мен ҳеч нима... Кечиринг,
Хоразмшоҳ минг-минг йиллар омон бўлсинлар!
мени...

Номаълум киши

(Қози Ёқубга юзланиб.)

Сен-чи? Қани, нималар деб вайсадинг ҳозир?!
Гапир! Гапир!!! Бурда-бурда қилмасдан аввал!

Қози Ёқуб

(Ўтириб қолади, довдирайди.)

Биз ҳеч нима... Равнақ топсин дедик биз уни,
Паноҳида... биз ҳам... омон яшайлик... дедик!

Номаълум киши

Қани, энди қад тикланг-чи!

Икковлаб ихраб-сихраб тикланадилар. Номаълум киши бирданига
чодирини олиб ташлайди.

Э, яшанглар-эй!

Қоз и Ёқуб

(ҳайратда)

Э! Ё тангрим! Тушимми, ё эсдан оғдимми?!
Сизми? Ҳазрат ибн Ҳасан Маймандий?!

Н о м а ъ л у м к и ш и

Худди ўзи! Ассалому алайкум, тақсир...

Қоз и Ёқуб

Ваалайкум! Бор бўлинг-е! Ҳазилингиздан
Жон қушлари кетай деди дорул бақога!

М у н а ж ж и м

Келинг, келинг! Э, қойилман!

(Дастурхон устига чўккалайдилар).

М а й м а н д и й

Сизни қарангу!

Қилаётган ишларингиз Хоразмдамас,
Ундан йироқ-йироқларда доврўқ бўлса ҳам
Хорижлик бир вазир қилган кичик ҳазилдан
Ўтакангиз ёрилмоқда ўз уйингизда!
Шундаймасми, хўш, муҳтарам қуръасоз, айтинг?!

М у н а ж ж и м

Худди шундай, улуғ вазир! Айб этмасинлар,—
Бандаликнинг бу қусури йўқмас бизда ҳам...

Қ о з и Ё қ у б

Дастурхонга, ҳазрат! Қани, ул қиблагоҳда
Буюк Султон Ғазнавийнинг тожи барҳақми?
Уша суръат, елдиридек ўша шахд билан
Юлдузлари чиқмоқдами шараф буржига?!

М у н а ж ж и м

Аҳли дин ё каминадек камхизмат элнинг
Қандай турар туриш-турмуш, топиш-тутиши?

Қ о з и Ё қ у б

Камнамороқ кўриндингиз сўнгги замонлар!
Ё биздан-да пинҳон келиб кетмоқдадирсиз?!

М у н а ж ж и м

Ё биздан ҳам вафодорроқ дўстлар топдингиз?!

М а й м а н д и й

Ҳай-ҳай! Бас, бас! Қани, майдан сузингиз, тақсир,
Май тилимиз дарахтига барқ-ривоҷ бергай,
Атрофини мевасидин этгай баҳраманд!

(Ичадилар.)

Сиздан ўзга содиқ, ҳушёр дўст топмоқ абас,
Сиздан пинҳон келмоқлик ҳам не суддир бизга?!
Ҳамон бизга Хоразмнинг шароби тотлиғ,
Ҳамон Жайхун оби ҳаёт бўлиб кўринур!
Орзумиздир ҳамон унинг бўла тупроғи,
Боғ-роғлари, қасрлари ва жононлари...
Ҳа, бариси армонимиз! Нега десангиз,

Фақат шу ер, шу бир ўлка буюк Ғазнанинг
Ҳозирликча қўли етмай турган бир макон!
Шу боисдан бу ситора иссиқдир кўзга,
Утганларнинг бир аломат гапи ҳам бор-ку,
«Биз кўрмаган булоқларнинг сувлари ширин!»
Шундай пайтда сиздек дўсти жондин ким кечар?!

Қ о з и Ё қ у б

Ҳазрат тавоф этдиларми Шайхулисломни?

М а й м а н д и й

Тўғри келдим — ҳеч қаерга бормадим ҳали.

М у н а ж ж и м

«Қўл етмас жой!» деганингиз қизиқдир бир оз,
Хоразмшоҳ куёв бўлса Султон Маҳмудга?!

Қ о з и Ё қ у б

Э-э, банда-эй, бошқа гап бор бу ерда, шаксиз!

М а й м а н д и й

Ғазнанинг-ку шони бугун оламни тутди,
Маҳмуд десанг еру кўкка ларза тушади!
Хуросондан то Ҳинд мулки — нақ ярим жаҳон
Дастурамал этмоқдадир унинг номини.
Ҳар кун тонгда бутун шарқнинг юзлаб ва минглаб
Пасту баланд минорлари устида мағрур
Унинг номи мубораги янграйди ғолиб
Ва қиличи остидаги жами юртлардан
Қарвон-қарвон бойлик оқиб келар куну тун.
Унда бисёр минг-минг одам, минг-минг хил ҳунар,

На меъморлар, на шоирлар, на илм аҳлин
Сон-саногии унда йўқдир...

Мунажжим

Олимлар? Кўпми?!

Маймандий

Ҳм-м, уларми?! Улар фақат султонимизнинг
Хоҳиши ва таъби билан босурлар қадам.
Акс ҳолда-чи? Каминанинг одамлари бор:
Бир кишига ўн соқчидан, десам лоф бўлмас!
Ғазнадаги ҳар жонзоднинг шу бугун эмас,
Келажакда не ўйлашин хабар этурлар!
Хулласкалом, мустаҳкамдир давлат асоси,
Мустаҳкамдир буюк Ҳасан турган қоя ҳам.
Султон бизга суйнади ҳар кори ҳолда,
Энг биринчи таянчим деб билади бизни!
Биз ҳам унинг ишончини оқламоқ учун
Тап тортмаймиз ҳар не ишдан мақсад йўлида!
Шиоримиз, мақсадимиз қатъийдир бизнинг:
«Ким қаерда голиб келса, шу ерда ҳоким!»
Мукофотга гал келганда Султоним сахий...

Қози Ёқуб ва Мунажжим

Қойил, қойил! Ҳавасимиз келади сизга!

Маймандий

Азизларим, лекин бошқа жиддий гаплар бор!
Шундай шуҳрат, шундай кўлам, шу қудрат билан
Ишқал бор-ку, Хоразмда — ишларимизда?!
Суюк куёв бўлса ҳамки Ғазнага Маъмун,
Сўзларида, баъзан эса қилмишида ҳам

Иккиланмоқ феъли бизга аён бўлмоқда.
Бутун шарқда бизга расман тобе бўлмаган
Ёлғиз Маъмун қолди, холос. У лекин буни
Бошқачароқ англаяпти шекилли ва ё
Султон Маҳмуд ким эканин андак унутган...

Қ о з и Е қ у б

Ҳазрат, бизни андишага қўйган важ бордир:
Ғазнавийга сўз еткизмоқ... бизга сал оғир...
Бу — султонга ўз кувин чақмоқ бўлур деб...

М у н а ж ж и м

Буюк Султон буни туҳмат билармикан деб...

М а й м а н д и й

Янглишибсиз! Султон мени шахсан юборди,
Замонани биласиз-ку дўстдан кўп душман,—
Сўра деди, Маъмун сира ўйлаяптими,
Ўзининг чин кўнгли билан, хоҳиши билан
Ғазнавийга яқинликнинг бошқа йўлларин?!
Йўқ! Маъмундан ололмадим тузук бир жавоб,
«Ўмидимиз Султон Маҳмуд!»— деди ва лекин
Ён бермади. Шу қизиқки, яқинда унинг
Сўнги пайтлар бизга буткул ғаразда бўлган
Туркистонлик хонлар билан — Тўғонхон билан
Ёзишмалар қилганини пайқаб қолдик биз!
Ва у Бағдод халифаси Қодир йўллаган
Совға-салом, сарполарни ва энг хунуги:
«Давлат кўзи ҳам миллатнинг безаги» демиш
Ёрлиғни-да қабул этган энг ичида жим,
Шаҳардан чет, хилват жойда, ноиб орқали!

М у н а ж ж и м

Билиб қўйинг бу ишни ким бажарганини:
Бу — Беруний! Маъмуннинг бош маслаҳатчиси!

М а й м а н д и й

Берунийми, бошқасими, бари бир, лекин
Иzza қилиб қўйди Маъмун Султонни беҳад!
Ҳа, мусулмон оламининг кўзи ўнгида
Унвон аввал Ғазнавийга тегса шарт эди!
Маъмун шошди. Султон охир ўзи сўратиб,
«Давлат тиғи ва исломнинг ҳомийси» номлиғ
Унвон олди. Такрорлайман, Маъмун сал шошди!

Қ о з и Ё қ у б

Улуғ вазир! Берунийни сизга аввал ҳам
Бир айтгандик! Бугун эса Хоразмда у
Хўп юқори мавқедадир! Дейман, Маъмуни
Аврадими, иссиқ-совуқ қилдими, лекин
Ўз измига жуда қаттиқ киритиб олди.
Аҳмоқ эмас ҳар ҳолда у! Ён босган бўлиб,
Анча обрў тиклаб олди авом ичра ҳам!
Бир кун ҳатто — хуросонлик бир қочоқ экан —
Хоразмни тинч деб, келиб, менга дуч бўлди.
Юртимизни хонавайрон, хор-зор этди деб,
Кўп нолойиқ сўзлар айтди Султон шаънига.
Берунийни суриштирди мадад ахтариб.
Олимларнинг мажлисини кўрсайдим, — деди.
Уни секин гумдон этдим! Бундай гаплар кўп!
Берунийми? Кулли-зиён сизнинг ҳар ишга!
У Султонни жуда ёмон кўради шаксиз,
Маъмун билан Ғазнавийни ғаш этган ҳам у!

М а й м а н д и й

Хў-ўш? Қим ўзи у Беруний? Нега ахир сиз
Шу пайтгача йўлимиздан олмайсиз уни?!

Қ о з и Ё қ у б

Шоҳнинг ўзи унга қаттиқ боғланиб қолган,
Ён босмоқда доғи сарой аҳли ҳам унга!
Ўзига-чи, ҳеч балони исботлаб бўлмас,
Бундан кўра заҳар ютиб ўлмоқ кўп афзал!

М а й м а н д и й

Кўп оширманг!

М у н а ж ж и м

О, ҳазратим, асл гап ҳам шу!
Алп тегин ҳам балки бутун тўдаси билан
Ишонингиз, Берунийга бўй эгса лофмас...

М а й м а н д и й

Нима, нима?!

Қ о з и Ё қ у б

Ҳа, Беруний Алп тегинга ҳам
Кўп халқларнинг жангу жадал ишини ўргатган.
Дарғону Кот, Ҳазоросу¹ Урганч — ҳар жойда
Қўшинига уқтирмоқда Алп тегин бугун
Хоразмни улуғроқ деб каъбатиллодан!

¹ Ҳазорасп.

М а й м а н д и й

Хў-ўш! Шундай денг-чи ҳали! Ҳзи ким ахир?!

М у н а ж ж и м

Ҳрисларнинг пўлатини мақтапти ҳатто!

Қ о з и Е қ у б

Қилаётган ишларидан мантиқ ахтарсак,
Алоқаси борга ўхшар қарматларга¹ ҳам.
Дахл этди у аъёнларнинг моли-мулкига...

М а й м а н д и й

У ўзи ким демоқдаман?

Қ о з и Е қ у б

Э, бир таги паст!

Бир гапида: ҳеч кимим йўқ, сўқирман деган,
На насли, на насабидан эрур хабардор.
На тарбия, на бир тузук мактаб кўрган у,—
Утин ташиб ўтганмишми волидаси ҳам...

М а й м а н д и й

(масхараомуз)

Воҳ шўрликлар, кунларингиз кимга қолипти?!
Шунинг ўзи нишонмасми Маъмун ҳолидан,
Нишонмасми саройнинг-да инқирозидан?

М у н а ж ж и м

Яна бир гап: У Котда ҳам сўнгги афригий —
Хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳга² эл бўлиб —

¹ IX—XI асрларда яқин ва ўрта Шарқда деҳқонлар ҳаракати заминда пайдо бўлган, шариаат, дин йўл-йўриқларини тан олмовчи оқим.

² Абу Абдуллоҳ — Шимолий Хоразмда ҳукмронлик қилган афригийлар сулоласининг сўнгги шоҳи.

Кун кечирган! Абдуллоҳни Муҳаммад Маъмун
Забт этганда, у қочгандир Журжон томонга!
Унинг билан Абу Наср Арроқ деган зот
Бирга кетган. Устозидир Берунийнинг у!
Али ўлиб, то Маъмун тож кийгунга қадар,
Шоҳ Қобуснинг саройида туришган улар.
Устоз бўлмиш Арроқ эса ҳар қайда бўлса,
Берунидан ажралмайди, бирга юради,
Берунийни асраб олган эмиш ёшлиқдан.
Билишимча, қатл этилган Абу Абдуллоҳ
Амакиси бўлган экан ўша Арроқнинг...

М а й м а н д и й

Хў-ўш?

Қ о з и Ё қ у б

Менимча, она шахрин тор-мор бўлиши,
Амакининг тахтдан тушиб, шаҳид бўлиши
Бир қоралиғ қолдирар-ку киши кўнглида!
Бугун эса ўша Арроқ, ўша Беруний
Маъмун ибни Маъмун билан қош-кўз, ҳамтовоқ,
Жонажон дўст кўрсатишар ҳар ишда ўзни!
Назаримда бир хусумат бордир ўртада,
Бир алам бор, ўч бор ўша истило учун!
Хоразмни тубсиз чоҳга тортмоқда улар!
Ҳазрат, агар ер юзининг дарёларини
Йиғиб бунёд этсак ҳамки буюк бир ҳаммом,
Юволмагай Берунийнинг гуноҳин тамом!

М а й м а н д и й

Иўқ қилинсин!

Қози Ёқуб

Жоиз бўлса, нозик тадбир бор!..

Учаласи Қози Ёқубнинг шивир-шивирига қулоқ берадилар.

М а й м а н д и й

Э қойил-э! Яшанг! Сиздек арбоблар туриб,
Хоразмни не кунларга қўймоқда Маъмун?!
Зўр тадбир бу! Оқладингиз ишончни чиндан!!!

М у н а ж ж и м

Биз ҳам бормиз, улуғ вазир!

М а й м а н д и й

Яшанг, бу гапни
Ғазнавийга еткизамиз сира кечикмай!
Уйлайманки, сизнинг бу зўр ташаббусингиз
Ғоят мақбул ҳам қадрли бўлғай Ғазнада —
Бу ҳийлани тездан синаб кўради Султон!
Қутаверинг энди катта инъом-эҳсонлар!
Қани! Қўйинг, Султон Маҳмуд соғлиғи учун!

(Ичадилар.)

Ана энди ҳазратнинг-да қошига бориб
Тавоф қилиб кетсак бўлур! Тўғрими?!

Қози Ёқуб ва Мунажжим

Қуллуқ!

ОЛТИНЧИ МАНЗАРА

Берунийнинг ҳужраси. Болта масхарабоз киради. Қўйнидан куртак отган новда чиқариб гулдонга солади.

Болта масхаравоз

Очила қол, очила қол, гул бўлиб куртак,
Устоз кўрсин қалбингдаги пинҳон сиригни!
Очил, гўзал Райҳонанинг юраги бўлиб,
Ишқ мактуби бўлиб очил ундан устозга,
Мен — элчингни лекин чақиш бўлмасин! Ҳай, жим!
Ана! Ул зот шу атрофда ўхшар ўзлари,
Ҳар намозшом сайр этмоқлик одатлари бор...

(Елғондан йўталиб қичқиради.)

Э-ҳов, ким бор кутиб оладирғон меҳмонни?!
Ким бор?

Беруний киради.

Беруний

У ким? Э, Болтавой! Марҳамат, дўстим!
Қани ўтир!

Болта масхаравоз

Шундай, устоз, бир йўлим тушиб...
Бир зиёрат қилайин деб...

Беруний

Офарин, кел, кел!

(новдани кўрсатиб)

Навбахордан элчи бўлиб келибсан-да, а?!.

Болта масхаравоз

Буми? Менинг хабарим йўқ! Келсам бор экан!
Мен... мен фақат... ҳозиргина...

(Каловланади.)

Беруний

(кулиб)

Кўй, ҳечқиси йўқ,
Бу гулдоннинг ўзида бир сир бор дейман-да:
Ҳар наврўзда, ҳар ҳайитда гулга тўлади,
Майли, майли, гулни, шеърни суйгувчилармиз!
Ҳой, ўтир-чи! Гўё кўкдан тушган одамдай
Чўккалашга ҳеч ботинмай турибсан!

Болта масхаравоз

(у ёқ-бу ёққа аланглаб)

Йўқ, йўқ!

Ҳа, ҳа! Устоз, хўп десангиз, келаси сафар
Сизга зап бир мушукбола олиб келаман!

Беруний

(ҳайрон)

Мушук? Унга не зарурат! Не учун энди?!

Болта масхаравоз

Уйиягизда кўпайибди сичқон...

Беруний

А? Йўғ-э?!

Болта масхаравоз

(Устурлобни¹ кўрсатиб.)

Ахир қопқон қурибсиз-ку!

Беруний

(Қаҳ-қаҳ уради.)

Йў-ўқ!!! Э-ҳа! Топдинг!

Қойил, қойил, э Болтавой, зийраклигинга:
Фақат, унда сичқон эмас, юлдуз ушлайман!

Болта масхаравоз

Юлдуз? Нечук?!

Беруний

Ҳа, мана!

(Катта бир қоғозни ёяди.)

Минг йигирма тўққиз!

Болта масхаравоз

Минг? Наҳотки?! Ажи-бужи бир қоғоз-ку бу?

Беруний

Йўқ, бу осмон қиёфаси! Булар — белгилар!

¹ Устурлоб — ёритқичлар ҳаракатини ўлчовчи асбоб.

Болта масхаравоз

(хўрсиниб)

Бўлса бордир, мен ўқишни сира билмайман.
Агар шулар юлдуз бўлса бари ростдан ҳам,
Балки сиз энг юлдузи кўп одамсиз юртда.
Юлдузга энг бой одамсиз! Лекин дунёда
Бирорта ҳам юлдузи йўқ кимсалар бордир!

(Беруний сергакланади.)

Анов! Шоҳнинг мунажжими — иши юлдуз-ку,—
Юлдуз тугул учкун ҳам йўқ ичида... Чунки
Юзларида на нур бордир, на илиқлик бор...

Беруний

Ҳай-ҳай, дўстим, яхши эмас фиқу фасод гап,
Юлдуз унвон эмас ахир — тақсанг бировга!

Болта масхаравоз

Узр, устоз! Билишимча сиз ҳам мен каби
Етим бўлиб улғайибсиз, шу гап тўғрими?
Устозингиз Арроқ асраб, қўллаган эмиш...

(Жимиб қолади.)

Мени бўлса қувлардилар ҳамма эшикдан,
Кўп санқидим, дабдурустдан қизиқчи бўлдим.
Бир кун Хивоқ¹ йўлида денг, ажойиб бир чол:
«Ҳай, занталоқ!» деб қичқирди. «Ағрайма!— деди.
— Оғзингга ўн пашша кириб, минги чиқмоқда...»

¹ Хива.

Ва миндириб олиб кетди аравасига.
Кейин билсам — бир қизиқчи! Қуни шу экан!
Мендай етим ўсган экан ўзи ҳам, шўрлик,
Бирга кетдим. Бозорларда юрт кулдирардик.
Бир йил ўтмай ўлди-кетди. Яна ёлғизлик...

Б е р у н и й

(кулиб)

Хафа бўлма, дўстим, бунда тез-тез келиб тур,
Икков бўлиб дардлашурмиз. Кучим етгунча
Хат-савод ҳам ўргатурман...

Б о л т а м а с х а р а в о з

Ташаккур, устоз!

(дадиллашиб)

Биласизми, сизнинг ҳақда шаҳарда ҳамма
Фақат яхши сўзлар айтар. Ҳатто саройда —
Қизларга ҳам ёқиб қобсиз! Райҳона биби —
Доим сизни сўрайдилар! Хўп ажойиб қиз!
Орув, доно, фаҳми ҳам тез...

Б е р у н и й

Уни биламан.

Қўп саводхон қиз экан у — осмонга ошиқ.
Ҳа, ҳа! Мендан сўрагани, илми нужумдан
Бир рисола ёзиб беринг, деб. Ҳа, эсимда!
Фақат вақтнинг зиқлигидан хижолатдаман.

Б о л т а м а с х а р а в о з

Қўп улуғ иш бўларди бу! Биби шундоқ ҳам
Қўлларидан қўймай юрар китобингизни...

(Яна нима гапиришини билмай бир лаҳза жим
қолади.)

Устоз, агар жеркмасангиз, тагин бир гапни...
Тунов куни бозор тушсам ғалати тўда —
Шубҳали бир гуруҳ кўрдим: у жой, бу жойда
«Кўп ишлари шариятга — раббимга зид...» деб
Сассиқ-сассиқ гап сотдилар сиз ҳақингизда.
Гоҳ Ғазнани мақтадилар... Гапларини мен
Ҳайрат ила таҳликада тингладим, устоз...

Б е р у н и й

(кулиб)

Ҳай-ҳай, дўстим, бу гапларни тинглайверсам,
Шаксиз бозор пойлоқчиси бўлиб қолурман — мен —
Оғир «касб» бу Хоразмдай сербозор юртда.

Б о л т а м а с х а р а в о з

Мен эзмани сўкманг, устоз, кўп вайсаб қолдим.
Яна... Ҳали... маликамиз Ҳури негадир
Сиз ҳақда кўп тергаганмиш Райҳон бибидан —
Ишларингиз, дўстларингиз... бари-барисин.
Э, майли-е, кетай энди. Изн этинг, устоз.

(чиқаётиб, ўзига ўзи)

Сал қолди-я ажойиб бир инсон олдида
Тамом расво бўла ёздим... Эҳ, Райҳон биби!

Чиқади.

Беруний

(ёлғиз)

Ҳа, Болтавой, ҳолим баттар сен айтгандан ҳам —
Кунма-кунмас, соат сайин кўпаймоқдалар
Шоҳнинг иши билан боғлиқ минг хил ташвишлар,
Тангрим, қачон қутулиб бу чархпалақдан
Илмларнинг кенг уфқиға учурман озод?!
Навбаҳорнинг келганин-да сезмай қолибман,
Қиши бўйи тўқиб чиққан қўшиқларини
Айтмоқ учун лаб жуфтлабди куртак ҳам, мана!
Унинг митти юрагида бошланган бу куй
Давом этар дов-дарахтда, бизда, куррада,
Офтобда, юлдузларда, ундан нарида —
Давом этар буюк, чексиз бир парвоз бўлиб!
Ибтидоси қайда лекин бу чўнг парвознинг,
Ё интиҳо борми, бу чўнг чархпалақда —
Қат-қат дунё, қат-қат умр, қатма-қат савол...

(У глобусни кўра бошлайди.)

ЕТТИНЧИ МАНЗАРА

Хоразмшоҳ саройи. Маъмун ёлғиз, чеҳрасида ҳорғинлик
ташвиш аломатлари.

Маъмун

(Қўлида аллақандай бир қоғозни ғижимлайди.)

Бунисини энди қандоқ тушунса бўлар?
Нега ахир тинчимизга қўймас у бизни?
Кўнгли ғашми Хоразмнинг доврўқларидан?!
Бу мушкулни энг аввало Беруний билан

Биргалашиб, бамаслаҳат ҳал қилмоқ керак!
Чақмоқ янглиғ тик ва ёрқин сўз айтади у,
Унинг ҳукмин билиб олсам, иккиланмасдан
Бошқаларнинг сўзларини тинглайвераман.
Эҳ, акамнинг бул хатоси мен учун бир кун
Қанча қиммат тушишини билсайдим аввал!
Нечун рози бўлдим экан Султонга у пайт,
Нечун кўниб қўя қолдим ёш боладай тез?!
«Аканг ўлди. Ёт этмагил синглим Ҳурини,
Қариндошлик мангу қолсин Хоразм билан,—
Отанг, аканг тортган ипни узмассан?!» — деди.
Майли, дедим, хоотири шод бўлсин акамнинг,
Юз қоралик нечун, дедим, икки ўртада.
Қолаверса буюк Султон бош эгиб турса?!
Мана энди... ёвим бўлди кўнгилчанлигим!
Ёвим бўлди... Ёвим... бўлди... кўнгилчанлигим...

Оҳ тортиб ўтиради. Беруний киради.

Б е р у н и й

Хизмат, шоҳим! Чақиртирган экансиз! Келдим.

М а ь м у н

(Ғамгин)

Келинг, устоз! Аввал шуни айтингиз менга,
Кўнгилчанлик қандай хислат эрур одамда?

Б е р у н и й

Афв этинг! Ғам тўлғоғи кўзларингизда?!

М а ь м у н

Саволимга жавоб этинг!

Беруний

Инсон зотига
Қўнгилчанлик юксак хислат, олий бир нишон!
Аммо...

Маъмуни

Нима? Нима аммо?..

Беруний

Бу хислатни ҳам
Ҳар ўринда ўз тошлари билан ўлчанур!
Дейлик, носороний дини¹ яхшилик дини:
«Бўйнингдаги ридони гар тортиб олса ким,
Ечиб бергил унга дарҳол кўйлагингни ҳам!
Ё тарсаки қўйиб қолса бехос юзингга,
Чида эмас — раҳмат айтиб, дуо қилиб қол!»
...Кўнгил деса — шаҳар берар мусулмонлар ҳам...
Лекин, шоҳим, умрим билан қасам ичаман:
Бу замонда ўз йўлидан улоққанлар кўп,
Файласуф ва доно эмас ҳар бир инсон ҳам —
Ҳақ йўлига қилич, қамчи солар уларни...

Маъмуни

Маъқул! Энди муни кўринг...

(Қоғозни узатади.)

Баландроқ ўқинг!
Қайноғамиз йўқламишлар... меҳри товланиб!

¹ Христиан дини.

Беруний .

(Уқийди.)

«Сўнги пайтлар бизга ушбу маълум бўлдиким,
Сиз суюкли куёвимиз салтанатида
Талай фитна, бебошликлар содир бўлипти:
Аллақандай «донишмандлар», «лашкарбоши»лар
Ўз майлини сизга таҳдид билан ўтказиб,
Хавф солмоқда эмиш доим тахти олийга,
Хавфда эмиш давлатингиз, ҳам оилангиз,
Хавфда эмиш ўртамизда қариндошлик ҳам!
Биз, маъмурлар Хоразмининг — куёвимизнинг,
Қолаверса, синглизининг бахтини ўйлаб,
Тож-тахтингиз ривожига гаров бўлгувчи,
Ёвларингиз юрагига даҳшат солгувчи
Бир тадбирни қўймоқдамиз ҳаволангизга:
Бу — бирламчи, номимизни давлатингизда
Тездан хутба¹ қилдирасиз, танга зарб этиб;
Иккиламчи, дўст-душманга маҳоват учун,
Уч мингта от ҳам ўттиз минг динор йўллайсиз;
Олимларни, ҳақимларни берасиз бизга —
Тоқим, тангрим йўлидаги хизматларини
Бажарсинлар энди бизнинг остонамизда!
Бу тадбирлар қанчалик тез амалга ошса,
Кўнгиллар ҳам шунчалик тез фориғбол бўлгай!
Акси бўлса, бизга етган нохуш хабарлар —
Чинлигига инонурмиз! Ва шитоб билан
Ғазовотнинг яшил байроқлари остида
Кўмагига етишгаймиз куёвимизнинг!!»

Беруний жим қолади.

¹ «Хутбаи давлат ўқимоқ...» — бирор подшоҳ номини (жума ва ҳайит намозларида) хутбага қўшиб, унинг ҳукмронлигини эъло қилмоқ, тан олмоқ.

М а ъ м у н

(заҳарханда билан)

Кўмагига етишгаймиз куёвимизнинг!
Кўмагига... Гапирингиз,

(Беруний жим)

Гапирсангиз-чи?!

(Беруний ҳамон жим)

Нега жимсиз?! Ҳа, биламан! Қалбим, дардимни
Бир пиёла сувдек равшан кўриб турибсиз!
Не савдо бу? Нима деган олчоқликдир бу?
Нечун бизни у бунчалик ҳақорат этар,
Не ҳадди бор устимиздан кулмоққа унинг?
Таги паст деб худди шуни айтмасми халқ ҳам¹.
«Қул қутурса қудуққа қармоқ солар,
Онасининг кўзига бармоқ солар!»
Тағин «қўмак» депти буни! Йўқ! Аҳмоғинг йўқ!
Мамлакатим келгиндига бўй эгганмас ҳеч...
Керак бўлса, синглингдан ҳам кечаман, эй ит,
Сотолмайман, сотолмайман имонимни мен!..
Сотолмайман отам хоки ётган тупроқни!
Нега жимсиз?

Б е р у н и й

Ҳамма гапни айтдингиз, шоҳим!
Бу шум хабар фуқарога етса не бўлар?
У қатъий ва сўнги сўзни кутади сиздан!

¹ Маҳмуд Ғазнавийнинг отаси Сабук тегин асли қуллар авлодидан бўлганлигига ишора.

Шахтингизга боқиб эса туймоқдаманким,
Виждонингиз икки йўлнинг бандаргоҳида!

М а ъ м у н

Ҳа, шартига кўнмоқ, гўё ўз қўлинг билан
Ўз ёвингга тилла кишан армуғон этмоқ!
Бажармасак, танг бўлади аҳвол беш баттар:
«Кўмак» деган ўша сохта баҳона билан
Хоразмни тортмоғи чин уруш комига!
Шуни ўйлаб бошим гаранг кечадан буён,
Бири виждон, бириси жон йўли! Тайёрман —
Ҳақ сўзларнинг тош ёргувчи зарбаларига!

Б е р у н и й

(Оғир сўлиш олади.)

Илож недир?! Хоразмни қодир табиат
Барпо этди катта, гавжум йўллар устида!
Жавҳаристон бу ўлкамиз, нур макон хилқат —
Сароб янглиғ тортар мудом оч назарларни.
Дунёни забт этиб келган Искандар ҳатто,
Найзасини ерга қўйди бу юртни кўриб!
Беҳуш этди юртим жаллод Қутайбани ҳам,
Икки марта чангал солди Хоразмга у!
Икки марта Жайхунга қон тўлдириб лим-лим,
Оҳу фарёд кемаларин юргизди сонсиз.
Не муқаддас, не фахрли, не қутлуғ бўлса,
Бузди, ёқди, шамолларга сочди кулини.
Унинг ёрқин тарихини отди шафқатсиз
Замонларнинг ҳеч ёришмас зимистонига!
Йўқ! Улмади «Қуёш юрти» ҳатто шунда ҳам,
Самандардек қайта порлаб чиқди кулидан.
Мана бугун, шоҳимизнинг умрини худо —
Узун қилсин, адолати нурлари билан
Ёруғ этсин жумла жаҳон, бутун оламни, —

Икки қирғоқ ул Хоразм якфармон бўлиб,
Осойиш ва саодатнинг сахий ёғдуси
Бутун юртни шуълабазм, нур тўкин этган —
Бир маҳалда «хутба» демоқ: гўё макр ила —
Азамат бир баҳодирни занжирбанд этиб,
Овсар филлар оёғига отмоқ билан тенг!
...Иккинчи йўл ҳаёт-мамот жанги, биласиз!
Сарой аҳли ҳал этгани тузук бу ишни,—
Кўпга келган балони кўп ўзи даф этар!
Менга келсак на хутбага ва на Ғазнага
Тиз чўкмоққа рағбатим йўқ, даъватим ҳам йўқ.
Қолаверса, Ватанимда яшаш истайман!
Ишонаман, дўстларим ҳам даргоҳингизнинг
Саодатлиғ остонасин тарк этолмаслар!

М а ъ м у н

Раҳмат, устоз!

Б е р у н и й

Чора десак, менимча, тездан
Туркистоннинг хонларига қўл берсак, яъни,
Тўғонхонни ҳолимиздан хабардор этиб,
Иттифоқ ва кўмагига боғласак умид!
У йўқ демас! Агар Тўғон бизга ён босса,
Ғазнавийнинг ўз шаҳтидан тушмоғи аниқ!

М у л о з и м киради.

М у л о з и м

Жамоат жам!

М а ъ м у н

Рухсат!

(Берунийга)

**Бале! Кўп маъқул тadbир!
Мен ҳам шуни ўйламоқда эдим, офарин!**

**Қози Еқуб, Мунажжим, Сино ҳамроҳлигида бир неча олим,
Алп тегин, вазир Сухайлий, саркардалар Хумор тош
билан Сайёд тегин кирадилар.**

М а ъ м у н

*(ўзини хотиржам кўрсатишга уриниб,
йиғилганларга)*

**Шоҳлик — халқнинг аҳволдан огоҳлик демак,
Раиятни билай дея сизни сўратдим.**

(Мунажжимга)

**Хўш, муҳтарам қуръасоз, кўк қайси либосда,
Хулқи тинчми, ёғдулари саодатлиғми?!**

М у н а ж ж и м

(Берунийга бир қараб)

**Шундай, шоҳим! Аторудни кузатган эдик,
Якка-ёлғиз порламоқда эди буржида!
Бу — олам тинч бўлишидан яхши далолат!
Лекин мана неча кунким булут вадидан,
Кўк дафтари биздан ёпиқ... Лекин, Аторуд
Сайёралар қуршовига ҳали кирмаган...**

Маъмун
(Қози Ёқубга)

Ҳақ, адолат?

Қозин Ёқуб

Жойидадир, алҳамдулиллоҳ!
Тангрим учун қилинғайдир бор улуғ ишлар,
Уни ёдлаб қилиндими, барча иш улуғ!
Қибру ҳаво, балои нафс тавбаси учун
Инсон беш бор тиз чўкса шарт ҳар кун тангрига,
Акс ҳолда у осмонгача кўтаради бош...

Маъмун

Сўз — давлатим қалқонига!

Алптегин

Ташаккур, шоҳим!
Қўшинингиз сўзингизга мунтазир туруп!
Давлатингиз шони учун, шавқати учун,
Шу бугуноқ ўтга-сувга кирмоққа тайёр!
Сўнги пайтлар талабингиз асосида биз
Кўп иш қилдик қурол-яроғ, кўлук¹ бобида.
Энди ҳар бир йигитингиз Ҳазрат Алидек,
Қодир эрур Жайхундан от солиб ўтмоққа!

Маъмун

Бале!

Алптегин

Фақат рухсат бўлса, бир кўриб келсам
Юртимизнинг жануб ёғи — қум томонини.

¹ Кўлук — от-улов.

Саркардалар Хумор тошни, Сайёд тегишни
Бирга олсам,

(Иккала саркарда баравар бош эгишиди.)

Булар билан Ҳазоросда мен —
Қароргоҳда ўтказурман машқу тадбирлар.

М а ъ м у н

(саркардаларга)

Хўш, шаввозлар, дами нечук қиличимизнинг?!

Хумор тош ва Сайёд тегин
Буюрингиз! Буюрингиз, шоҳим, тайёрмиз!!

М а ъ м у н

Бале! Бале!

(олимларга)

Аҳли дониш не билан машғул?
Дўстим Сино, сизнинг ҳақда Беруний менга
Бир хайрлик иш қилмоқда деганди, қалай?

С и н о

Қуллуқ, шоҳим! Давлатингиз ҳимоясида
Мен «Ал-қонун» китобимни ёзмоқдадирмен.
Бул ранжимдан хабардордир Беруний устоз,
Тиб илми ва уни татбиқ этмоқ хусуси...
Рухсатингиз бўлса, баҳсли даъволар борким,
Ташлар эдим дўстларимнинг назаргоҳига.

Маъмур

Бале! Бале! Биз албатта ўқиймиз уни.
Биргаликда тинглагаймиз яқин кунларда!
Ҳа, яқинда...

(безовталанаётгани сезилади)

Маълум бўлди, давлатимизда
Ҳамма ишлар барорида, худога шукур!

Сухайлий

Тож-тахтингиз шуълалари хуш келмишдирки,
Ободонлик гул очмоқда юрт боғларида!

(«Офарин!» деган хитоблар.)

Маъмур

Чорлашимдан бўлак мақсад бор эди сизни,
Юртимизнинг тақдири бу! Сизга бир кенгаш!
Уйлайманким, чин кўнгилдан сўзлайсиз фақат,
Ҳақиқатга ҳукм йўқдир! Қилич — қинида!

(Жимлик.)

Биз Ғазнадан, буюк ғозий Султон Маҳмуддан
Мактуб олдик...

*(Қози Ёқуб ва Мунажжим бир-бирларига
қарашади.)*

Биздан совға-салом сўрапти!
Энг таниқли олимларни Ғазнага, унинг
Хизматига юборишим талаб қилипти!

(Иигилганларнинг юзларида ҳайрат ифодалари.)

Устига, ў... ўз номини давлатимизда
Хутба қилиб ўқитишни талаб этипти!

Ҳамма ҳаракатга келади. «Нечук?», «Ажаб!» деган хитоблар. Алп
тегин ва саркардалар ўринларидан туриб кетадилар.

А л п т е г и н

(Қиличини шарт қинидан суғуради.)

Нега?.. Асло!!!

Х у м о р т о ш в а С а й ё д т е г и н

(Қиличларини яланғочлайдилар.)

А с л о !

С у х а й л и й

Ғ а л а т !

М а ь м у н

Ў з н и б о с а й л и к !

А л п т е г и н

Номусига ким чидайди бу ишинг, шоҳим?
Бир сипоҳман, қулингизман, лекин ўлкани
Бир дуога бериб қўйиб яшолмайман мен!!!
Менинг қоним...

М а ь м у н

Б у ю р а м а н ! Ҳ а д д а н о ш м а н г и з !

А л п т е г и н

Қуллуқ, шоҳим!

С и н о

Оғир шарт бу!

М а с и ҳ и й

Ноҳақ талаб бу!

«Боролмаймиз! Боролмаймиз!» деган хитоблар.)

Қ о з и Ё қ у б

Мусулмонлар, шоҳим ҳақлар, қизишмоқ нечун?!
Жаҳлгамас, ақлга эрк беринг, ақлга!

(четга)

Энди ишлар ажрим бўлар пайт етди, чоғи,
Қани, маҳкам тираб кўрмоқ даркор оёқни!

М у н а ж ж и м

Тўғри!

Қ о з и Ё қ у б

Биз бир масалани — Султон Маҳмуднинг
Кимлигини унутмайлик! Ахир Ғазнавий
Ҳозиргача, ҳеч кимда йўқ бир қудрат билан
Шарқу ғарбни маҳв этмоқда соатма-соат!
Боз устига — қариндошлик бор-ку ўртада —
Неча йилким сўз қочмаган қуда-қудағай?!

(сукунат)

М у н а ж ж и м

Парвардигор номи билан ярим дунёда
Ғазовотнинг муқаддас кўк байроғин тикди!
Султон ислом ҳомийсидир, содиқ жангчиси!

(сукунат)

А л п т е г и н

(Яна шоҳга хитоб қилади.)

Шоҳим, шуни айтмоқчиман, қўшинларингиз —
Шай турмоқда зап тортилган камонга ўшаб!
Фармон этинг! Қўл силтанг, бас! Истаган тоғни
Дубулғадек учиражак турган жойидан!
Чархлай-чархлай кескир этган дудамасини
Тирик туриб бериб қўймас бировга навкар!
Шундай кунга қолсам, уни ўзимга санчай...

Қ о з и Ё қ у б

(истеҳзоли)

Ғоят гўзал, баландпарвоз сўзлади Алпим!
Лекин қилич солмоғидан олдин ҳар ким ҳам
Душманининг ким эканин билса бўларди!

А л п т е г и н

(ғазабнок)

Тақсир! Мени...

М а ъ м у н

Буюраман!!!

Қоз и Еқуб

Ғазнавий бизни

Доғи яқин тутмоқ бўлган ўзига, холос!
Шарафиёб этмоқ бўлган саховатидан!
Табрик этса арзир ҳатто бундай мардликни,
Бу менимча, ғаразсиз ва яхши бир ният!

Беруний

Яхшиликда таъма бўлмас менимча, тақсир?!
Ёмонликнинг шакли эса ўзи каби кўп,
Барисининг тағи, лекин — таъма ва ғараз!

Қоз и Еқуб

Чалғитмангиз Ғазнавийнинг чин мақсадидан!

Беруний

Фахр талашиш! Кўролмаслик! Нега деганда,
Қўшнисининг шоғ-шухрати ундан ортиқроқ!
Шу боисдан душманлик ҳам, ҳасрат чекиш ҳам!
Ер юзида токи бордир ортиқлик-камлик,
Токи унда яшамайдир ҳамма баробар,
Фахр талашиш жаннатда ҳам бўлади, шаксиз!

Қоз и Еқуб

У борлиққа улашмоқда илоҳий нурлар —
У ғазотнинг кўк ёғдусин элтмоқда бизга!

Беруний

Қишда қуёш чиққанини кўрган бир тентак
Ёз келди деб, ечингану муз қотиб ўлган!

Сиз биласиз, Маҳмуд яшил байроқ остида
Пойн етган жойларда не қилаётганин?!
Ният эмас, бир ниқобдир унга бу байроқ,—
Бир чеккасин сал кўтариб боқинг-чи, унинг,
Юзларида, кўзларида, изларида қон —
Қўрқинч, ваҳшат бир сумбатни кўрасиз аён!
Ҳинд ерига саккиз бора қиргин солди у,
Вайрон этди афсонавий бир махлуқсимон.
Оқибатда, ҳар ҳиндига «Ғазнавий» дебмас,
«Муслмон!» деб оғиз очсанг, даҳшат ичра, у,
«Қиёмат!» деб, тирикликдан қилгай азимат!

Қ о з и Ё қ у б

Унинг кучи, қудратини энди билдингиз!

Б е р у н и й

Дард кетгунча дарддир, буюк — тушгунча буюк!
Манаман деб, ҳақ-ҳуқуқи учун бир умр
Курашларда ёниб келган зада бир халқмиз;
Ана шу халқ жавоб сўраб турса беомон,
Унинг қаҳри-ғазабига не сўз айтурсиз?!
Қай юз билан чиқажаксиз истиқболига?!
Қолаверса, шунча пулни, совға-саломни
Кимдан олиб ҳадя этса бўлур Султонга?!
Хўш, буларга нима дейсиз?! Ёки Ғазнага
Сизнингча ким кетса маъқул? Кенгаш берингиз?!

Қ о з и Ё қ у б

(истар-истамас)

Ўзи учун ўзи жавоб беради ҳар ким...

Беруний

(секин)

Айтолмайсиз! Ҳа, муғилон деган дарахт бор:
Танаси бор, сояси йўқ!

Қозни Ёқуб

Ҳақорат, шоҳим...

Маъмуни

Буюраман!

Беруний

Афв этинг! Айтмоқчиманким,
Табиатда ҳукмрондир мангу бир қонун —
Ҳаёт учун, яшаш учун кураш қонуни:
Агар йўлин тўсмасангиз, бир ёввойи ўт —
Беорларча босиб кетар ер юзин тамом!
Фақат бошқа майсаларнинг ҳаётга ишқи
Қодир эрур нафсин тийиб қўймоққа унинг,
Шу тахлитда яшар шаксиз, башарият ҳам!

Сино

Хоразмдан кетгум йўқдир шахсан менинг ҳам,
Бу тупроқнинг ҳар гиёҳи мўътабар менга!
Қолаверса, илм аҳлини Маҳмуд нечоғлик
Хор этгани кўп олимлар ҳолидан маълум!
Унсурий ва Утбий¹ каби уни мадҳ этиб,—
Тупук ялаб яшагандан ҳар не афзалроқ!

(«Тўғри!!! Тўғри!» деган хитоблар.)

¹ Маҳмуд Фазнавий саройига яқин турган шоирлар.

С у х а й л и й

Кўпчиликнинг фикри бунда, давлатпаноҳим,
Бўй эгмоқни тилар биздан виждон амрига!

Қ о з и Ё қ у б

(Ўзича)

Ишларимиз чаппасига кетдимиз тамом,
Сирни бутун бой бердимми экан буларга?!
Балки ҳозир — эҳтирослар ўт олган пайтда! —
Буларга ён берган маъқул! Баттар бўлишсин!

М а ъ м у н

Буюраман! Бас қилингиз мубоҳасани!
Англадимки, алалхусус, бунда кўпчилик —
Султон Маҳмуд талабидан андак норизо!

(«Тўғри!», «Қуллуқ!» деган хитоблар.)

Қ о з и Ё қ у б

(муғамбирона)

Шоҳим, беҳад қойил қолдим фуқаронгизнинг —
Сизга бутун жону дилдан содиқлигига,
Қойил қолдим! Қараб турсам, бутун жамоа
Анча тўғри хулосага келмоқда чиндан!
Тангрим менинг-да кўнглимга мойиллик солди:
Муродлари ҳосил бўлғай шоҳимнинг, омин!

М а ъ м у н

(Сухайлийга юзланиб)

Тезда зарур чораларни кўрмоғимиз шарт,
Шу бугуноқ Мовароуннаҳр хони Тўғонга

Қистоглиқ хат жўнатаман. У яқин дўстим.
Фақат ўша бошимизга тушган кулфатга
«Лаббай!» дея жавоб бергай тиғ яланғочлаб.
Майли, жавоб кутатурсин у ёқда Маҳмуд,—
Биз бу ёқда зўр берамиз мудофаага!

(«Тўғри тадбир! Офарин!» деган хитоблар.)

Тўғонхондан бирон мужда келгунга қадар,
Қўшинимиз ҳар шарпадан огоҳда бўлсин!

А л л т е г и н , Х у м о р т о ш , С а й ё д т е г и н

(бараварига)

Истагингиз бажо бўлғай, ваоллоҳул аълам!

М у н а ж ж и м

(Қози Ёқубга шивирлаб)

Хўш, бу ёғи нима бўлди?

Қ о з и Ё қ у б

Нима бўларди,
Тамом расво! Ҳаммасининг тили бир, аҳил!

М а ъ м у н

Бале! Боринг!

(Саркардалар шитоб билан чиқишади.)

Бизнинг эса бурчимиз яна
Аввалгидек, элу юртдан кўз-қулоқ бўлмоқ,
Обод этмоқ уни, тангрим хоҳиши бирлан!

Шу пайт мулозим кириб, Шайхулислом келганини хабар қилади. Шоҳ ва йиғилганлар оёққа қалқадилар. Шайхулислом киради. Қози Ёқуб ва Мунажжим бир-бирларига қараб оладилар.

Шайхулислом

Сўраттирган эканлар шоҳ?

Мамун

Марҳабо, пирим!

Шайхулислом

(йиғилганларга ишора қилиб, кинояли)

Давлатпаноҳ илм билан бандмилар яна?!
Хўш, мен қайси бир жумбоқни ечмоғим даркор?!

Мамун

Пирим, бизга мактуб келди Султон Маҳмуддан!
Мана, ўқинг! Мунтазирман кенгашингизга!

Шайхулислом

Ҳа, шундоқ денг...

(мактубга кўз югуртиб чиққач, бошини кўтариб)

Не қарорга келди анжуман?

Мамун

Кўпчиликнинг майли йўқдир бу талабларга!

Шайхулислом

Ва шоҳнинг ҳам! Янглишмасам, шундайга ўхшар?!

Жимлик. Шайхулислом Қози Ёқуб ва Мунажжим билан кўз уриштириб баланд оҳангда сўзлайди.

Ғоят тўғри хулосага келибсиз, шоҳим!
Туймоқдаман — аҳли сарой сиз бирла бир тан!
Менга келсак... Ҳар сорида ҳамдамингизмен!

(«Қуллуқ!», «Офарин!» деган хитоблар.)

Қани, омин, мушкулингиз тангрим ўнғласин!!!

(«Омин, омин!», «Парвардигор, ўзинг асра!» деган хитоблар.)

САККИЗИНЧИ МАНЗАРА

Беруний ўз ҳужрасида мутолаа билан банд.

Беруний

Хўш, тоғларнинг тепасидан уфқ сатҳини —
Пастлигини кузатамиз ва бу орқали
Аниқлаймиз атрофдаги ерлар кенглигин.
Мана бу — биз яшаётган ерларнинг чети,
Нари томон — Баҳрул Муҳит!¹ Ундан нарисси...
Хўш, нима бор Баҳрул Муҳит ортида яна?!
Не сирларни сақлар биздан ул буюк сувлар?!

Сукутга чўмади. Езиб-чизиб ўтиради. Сино ва Масиҳий кирадилар.

¹ Атлантик океан.

С и н о

Изн этгайсиз; бемаҳалда йўқладик, устоз!

Б е р у н и й

О, келингиз, Сино дўстим!

С и н о

Масиҳий бирла

Китобимни кўриб чиқдик унинг уйида.
Қайтаётсак, чироғингиз ҳамишагидай,—
Хоразмнинг тунин тонгга уловчи чироқ —
Ҳаммамизга ибрат нурин сочмоқда экан!
Бир боқайлик, дедик, гарчи бевақт бўлса ҳам,
Доғи келиб қолган экан наврўзи олам,
Эшигингиз очмоққа ҳам шу берди журъат!

Б е р у н и й

Қуллуқ, қуллуқ! Қани тўрга ўтингиз, дўстлар!

М а с и ҳ и й

Ҳусайннинг хулосаси чиндан ҳам қизиқ!

Б е р у н и й

Хўш, хўш! Мени ҳар кашфиёт солар ҳайратга.

С и н о

Кашф деб бўлмас...

М а с и ҳ и й

Дориларнинг турлари бирлан
Турли-турли иқлимларнинг муносабатин
Текширипти. Ҳар дорининг таъсир қуввати —
Ҳар иқлим, ҳар шароитда турлича экан!

Б е р у н и й

Яшанг! Яшанг! Ишонардим шу фозил йигит
Шону шуҳрат топишига тиб оламида!
Бу, шубҳасиз аввалги кўп кашфларингизнинг
Қонуний бир давомидир! Мақол ҳам бор-ку,
Қуш қўнади шериклари билан!

С и н о

Ташаккур!

Бир пайтлари сизнинг оғир талабларингиз,
Кинояли сўзларингиз, сўроқларингиз
Юрагимда чексиз рашк ва ҳасадлар қўзғаб,—
Ундар эди ўзгача бир шиддатлар билан
Илмларнинг сир ва пинҳон дунёси томон!
Оқибат шу илм ҳасрати, илм ҳасади
Ўзга, ёруғ бир оламнинг «Ал-Ҳажжож»ига
Олиб чиқди! Эсанкираб боқдим мен унга,
Ёмби олтин топган қуллар каби бахтиёр!

(Масиҳийга)

Бир куни денг, қизиқ савол берганлар устоз:
«Нечун қаттиқ бўлса ҳамки сувда чўкмас муз?»
Аввалига писанд этмай боқдим, қарасам,
Анча мушкул! Тажрибага киришдим зимдан.
Билсам, ҳаво пуфаклари қоларкан музда —
Ва изма-из топдим бошқа сабабларин ҳам...

М а с и ҳ и й

Қойил!

Б е р у н и й

Яшанг! Инсон ахир ҳар жойда, ҳар вақт
Қодир эрур этмоқликка ўзин бахтиёр.
Ахир унга чексиз журъат, ақлу заковат
Суратга деб берилмаган, йўқ! У инсонни
Ҳайвонликдан қутқармоққа берилган фақат.
Шу неъматлар ҳақин инсон табиатга боз —
Гўзаллик ва иқбол этиб қайтармоғи қарз!

С и н о

Ўзингиз не билан бандсиз шу кезде, устоз?

Б е р у н и й

О, бу ҳақда гапирмоқдан қўрқаман рости,
Ҳар сўзим арз, нола бўлур вақт зиқлигидан!
Не ишларни хаёл қилиб юрганимни ҳам
Фақат санаб чиқмоқ ўзи мушкул бир савдо.
Арасту ва Форобий ва ўзингиз билан
«Фоил» кучлар ҳам «қувваи табиа» ҳақда —
Бошлаб қўйган баҳсни яна бошламоқ орзу!
«Ерга ҳар зот тенг куч билан тортилиш» сирин
Ва тезликлар мизожин ҳам текширсам дейман...
Нур тезлиги, сас тезлиги... Эҳ, қолаверса,
Тушларимга бот-бот кирган ҳиндлар диёри!
Назмларда битилган ул нафис тарихни
Ёруғликка тутсам, бидъат қаъридан олиб.
То ўзининг кимлигини танисин ул халқ,
Асл дурни қумалоқдан фарқлашни билсин!
Бу ишларнинг ҳар бирига етмас кўп умр...

Шундай экан, бугун биз: «Шу — баҳрул илм» деб,
Синиммоқда, ҳайқирмоқда бўлган даъволар
Арзирликми ғурур билан тилга олмоққа?
Булар қадим замонларнинг илм дарёсидан
Қолган майда оқавалар, қолдиқлар холос...

(Жимлик.)

С и н о

Устоз! Мана, талай фурсат Хоразмдаман,
Унинг бўла туз-намаги туфайли бунда —
Сиздек зот ҳам бошим узра бўлиб бир қуёш,—
Тўкилдилар жисмимда доғ-соялар ерга...
Сўнгги пайтлар она шаҳрим, қутлуғ Бухоро
Хаёлимда, тушларимда жонланмоқдадир.
Ёшлигимга бешик бўлган ўшал тупроқни
Кўргим келур, кўзларимга бир сургим келур!

Б е р у н и й

Яхши ният! Тангрим сизга мададкор бўлсин!
Бухоро ҳам зора тезда тиниб-тинчиса,
Зора, уни тарк айлаган иқбол қушлари
Қайтиб келиб макон тутса уни мангуга!
Ишонаман, бир қутлуғ кун она шаҳрингиз
Қучоғини кенг очгуси сиздек ўғлига.
Хоразм ҳам офатлардан покланиб охир
Юрт ҳам тинчир, тинчиб қолгай каминангиз-да!
Иншооллоҳ, шаҳти тушгай Ғазнавийнинг ҳам...
Ул мустабид ютмоқ истар бизни комиға,
Ҳийла бирла маҳв этмоқни ўйламоқда у!
Хоразмни қўлга олса — ҳаммамиз асир,
Қизлар — каниз, алп йигитлар — текин сипоҳи,
Мол-мулк толон... Узи бўлса янги куч билан
Яна бошқа ўлкаларга солади босқин...

Йўқ, Хоразм бўйин эгмас унга ҳеч қачон!
Хабардорсиз, чопаримиз бугунми-эрта,
Тўғонхоннинг ҳузуридан қайтади тайин!
Шояд яхши мужда бирлан келиб қолса ул,
Шояд бунда Алп тегин ҳам қўшинларига
Энг зарурий сўзларини айтиб улгурса!
Шундай бўлур! Ахир бизга ҳозирги пайтда
Энг кераги нима? Тинчлик-осойишталик!
Ахир бизга — илм аҳлига бир мисқол тинчлик
Минг ботмонлик ғалабадан кўра азизроқ!

С и н о

Айтганингиз келсин, устоз! Тинчлик йўлида
Сизнинг қутлуғ бу эмгаклар юртни тез ора
Саодатга еткизажак, имонлар комил!

С и н о ва М а с и ҳ и й чиқишади. Б е р у н и й ёлғиз.

Б е р у н и й

Тинчлик, тинчлик! Қачон борлиқ етишар унга?!
Ҳеч тинарми бу узлуксиз, беомон жанглар?
Ё тўхтовсиз шу курашлар, шу жанглар ўзи —
Мезондирму табиату инсон умрига?..
Шунда балки жо эрурми саодат, ором...

*(У яна ёзувлар устига эгилади. Бир оздан сўнг
ҳужрада ёруғлиқ ўзгариб, вақт алламаҳал бўлгани
билинади. Ташқарида тез-тез оёқ товушлари.)*

Бемаҳалда ким бўлдийкин? Яхшилик бўлсин!
Меҳмонларга гавжум бўлди уйим бу кеча...

(ташқарига)

Ким? Киригиз?

*(Аёл кишининг «Устоз! Устоз» деган хитоби. Осто-
нада Райҳона пайдо бўлади.)*

Райҳона?! Сиз?!

Р а й ҳ о н а

Кечиринг, устоз!
Кечиринг мен беодобни, изн этинг мени!

Б е р у н и й

Бас, бас, синглим! Омонликми, тинчликми ўзи?!

Р а й ҳ о н а

(тутила-тутила)

Устоз!.. Ҳозир... Ҳозиргина шоҳимиз мени
Уйғотдилар: «Тез тургину йўлга шайлан!» деб.
Ҳайрон бўлдим. Бемаҳал пайт. Тонг ҳам отмаган.
Беш-ўн кунча денгиз ёқда — қариндошларда
Меҳмон бўлиб келармишман. Аввалига мен
Ҳеч нарсага тушунмадим. Кейин тўсатдан
Шоҳим билан маликамиз Ҳури негадир,
Қаттиқ-қаттиқ сўзлашдилар, эшитиб қолдим.
Маликамиз аллақандай хат ва Фазна деб
Ўпкаланиб сўзлардилар... Гап орасида:
«Акам билан совуқликдан сизга не фойда
Давлатингиз камаймас-ку шу тадбир билан...
Сизга бошқа олимлар ҳам топилиб қолар...»
Қаби қизиқ жумлаларни эшитдим. Кейин
Такрор-такрор сўзладилар сиз ҳақингизда!
Улар сизни... қаергадир юбормоқчилар!
Ҳа, бутунлай! Ўз қулоғим билан эшитдим.
Акам бугун ярим тунда уйғониб олган,
Аллаҳма юз бергани аниқ! Худойим,
Сўнги бахайр бўлса, майли! Мен шўрлик эсам,
Не учундир сизни огоҳ этмоқ истадим...
Карвонимиз йўлга тайёр турипти, лекин

Буён чопдим дугонамни ёнимга олиб!
Сизни аяб...

Б е р у н и й

Ҳа, шундай денг, ташаккур, синглим!
Талай гапни эшитибсиз — барида жон бор!
Султон Маҳмуд шу хил мактуб йўллаган экан,
Раъйимизга ташладилар шоҳим бу ишни!
Мен билганим ҳозирча шу!

Р а й ҳ о н а

Бари бир, қалбим —
Хавотирга тўлиб борар! Ажиб хавотир...

Б е р у н и й

Сизнинг каби меҳрибон бир ҳамширам борин
Ҳеч билмаган, ўйламаган эканман, ҳатто!
Ташвиш чекманг, шу кунда кўп чарчаганлар шоҳ,
Ишонаман, бу гаплар тез топади барҳам,
Бир гап бор-ку: ҳатто қора булутлардан ҳам
Умид қилгил, ёғилгайдир нурли томчилар!

Р а й ҳ о н а

Шояд! Шояд шундай бўлса...

(Бошини эгади.)

Қойимангиз, мен...

Б е р у н и й

Буткул акси! Бошингизни эгмангиз, қўйинг!
Биласизми, бир таомил бордир ҳиндларда:

Ҳайкалтарош маъбудага ҳайкал йўнганда,
Сал эгиброқ ясаб қўйса унинг бошини,
Ўз боши ҳам ташвишлардан чиқмайди мангу!
Мен сабабли бош эгсангиз, қийнайсиз мени...

Р а й ҳ о н а

Хайр, хайр... Изн этингиз. Бўлак пайтлар ҳам
Кўп ноўрин халал бердим ишларингизга...

Б е р у н и й

Сиз нимани?..

Р а й ҳ о н а

Кўрганларим туш экан бари...

(Эшик томон юради.)

Б е р у н и й

Тўхтанг! Тўхтанг, Райҳона! Сиз? Сиз... Менга
қаранг!

Р а й ҳ о н а

Поёнсиз ва дахлсиз бир сирли ўлкада,
На қўл ва на хаёл етар бир тоғ бор, унда
Муқаддас бир олов ёниб туради мангу!
Унга бордим мен сиғинмоқ айлаб ихтиёр,
Бордим, кўрдим... ва у буюк шуъла қошида
Ҳақир бўлиб кўриндилар элтган гулларим,
Ва ёқут кўз узук... бари арзимас буюм...

Б е р у н и й

Гуллар? Наҳот? Сизнинг ташвиш эдими булар?!
Ёқут кўзли узук! Уша! Райҳона! Қаранг...

(У қутичадан узук олади.)

Мана! Наҳот?..

Р а й ҳ о н а

Узук, узук... Хайр...

Б е р у н и й

Райҳона!

*(Райҳона илдам чиқади. Беруний, кафтида узук —
узоқ туриб қолади.)*

Проклуснинг¹ айтганидек, балки инсонлар —
Самовий бир дарахтдирмиз... ва лекин бизнинг
Илдизимиз осмондамас, она тупроқда!
Шундай экан, Хоразмдан кетиш ҳақида
Гап бўларми? Ҳатто йўқдир хаёлларда ҳам!

*(Шу пайт ташқаридан шоҳ хизматкорининг: «Устоз,
шоҳим буюрдилар, тезда саройга етиб боринг!»
деган овози эшитилади.)*

Биллоҳ! Беҳад ғаройиб бир кеча бўлди бу,
Омонликка, яхшиликка бўлсин ишқилиб.

¹ Прокл — юнон файласуфи, математиги.

ТУҒҚИЗИНЧИ МАНЗАРА

Хоразмшоҳ саройи ичкарасида ним қоронги бурчак. Ёруғлик тушиб турган дарчага Қоз и Ёқуб писиб қулққ солмоқда.

Қоз и Ёқуб

(ўзича)

Тавба! Нима бўлганини била олмадим,
Бемаҳалда чақиртирмас эди ҳеч кимни!
Юзларига қаранг! Раҳми келар кишининг,
Баттар бўлсин! Сўзимизга кирмади бошдан!
Ишонмади, кенгашса ҳам шундоқ расмият,—
Эл кўзини бўяш учун — худодан қўрқиб!
Йўқ! Кетмайди бунақаси! Ўйнамоқ етар!

(Яқин жойда алланима тарақлайди.)

Ким у?

Ёруғликка Мунажжим чиқади.

Мунажжим

Мен, мен!

Қоз и Ёқуб

Эй, бандам-эй, сал секинроқ-да!

Мунажжим

Воҳ, бўларим бўлди етиб келгунимча то,
Бу зулматда ажина ҳам йўл тополмайди...
Ҳайронман бу Ҳурига ҳам: ўзинг эшити
Не гап бўлса кейин бизга еткизгин-да қўй!

Қозни Ёқуб

Нима, шоҳнинг махфий гапи сумалакмики,
Ирим учун тўрт томонга тарқатаверсанг!
Шунга ақли етганига қувонинг унинг.
Йўқ, бир бало бўлган ўзи! Тонг отмасданоқ
«Устоз, устоз!» деб қолди-ку! Ё тушда кўрган:
Ғазнавийга рад сўз айтиб ёшлиқ қилганин?!
Ё Ҳурихон бир амаллаб хутба бобида
Бизнинг гапни қулоғига қуйганга ўхшар...
Ишқилиб, бир фавқулодда гап бор бу ерда,
Жим! Жим! Ана етиб келди Беруний ўзи!
Хўш-хўш, маъқул! Қани-қани, бир билайлик-чи,
Қай ажина чалган экан Маъмурни бу кеч!
Сал баланддан қараш керак, илғолмаяпман,

(Мунажжимни дарчанинг тағиса имлаб)

Қани, битта эгилсинлар...

М у н а ж ж и м

Мен тинглай қолай...

Қозни Ёқуб

Эй бандам-эй, нўхатдагу... Вақт кетмасин, вақт!

М у н а ж ж и м эгилиб туради, Қозни Ёқуб унинг елкасига чиқиб
дарчага қапишади.

М у н а ж ж и м

Вой, секинроқ, тақсир...

Қозни Ёқуб

Эй, жим!!! Шоҳингиз ўзин —

Не учундир ҳар томонга урмоқда гирён!
Эҳ, сен ҳали...

(Депсинади.)

М у н а ж ж и м

Тақсир!!!

Қ о з и Ё қ у б

Қаранг, гап бор дегандим!

Жим-жим, ҳа-ҳа...

(Жимлик.)

Гап бу ёқда демайсизми, ҳай?!
Тўғонхонга кетган чопар қайтиб келипти!

(Жимлик.)

М у н а ж ж и м

(Қимирлайди.)

Хўш, хўш...

Қ о з и Ё қ у б

(шивирлаб)

Э, жим! Яша Султон! Яша Ғазнавий!!!
Ҳа, шўрликлар! Кўмак қайда! Улик ит ҳам йўқ
Тўғонхоннинг ҳоли хароб эмиш ўзининг!
Яккаланиб қолган эмиш... Кўмакка зормиш...
Султон Маҳмуд Балхни босиб олипти... Кейин...
Хоразмнинг шарқидаги ҳамма йўлларни

Беш юзта фил яна юз минг сарбози билан
Узилмас бир занжир бўлиб қуршаб турганмиш!
Мовароуннаҳр йўли беркмиш бутунлай...
Қойил! Маъмун сочларини юлмоқда энди!
Ҳа, эсингни эндигина танидинг, шўрлик,
Ахир ким ҳам ўлмоқ истар филга топталиб?!

(Жимлик.)

О, Беруний ҳамон мағрур! Гўё ҳеч гап йўқ!
«Бир дам солсам — тузатаман»,— дегандай мағрур!
Жим, жим! Фикр сўрамоқда Берунийдан у!

*(Жимлик. Аҳён-аҳёнда Мунажжимнинг ихрагани
эшитилиб туради.)*

Ё раб! Дарров таслим бўлмоқ истамайдилар!
Хўш, хўш! Қизиқ...

(Жимлик, Қози Ёқуб пастга тушади.)

Биласизми, нима дейишди?!

М у н а ж ж и м

(Белини ушлаб ўтириб қолади.)

Баттар бўлсин, белим...

Қ о з и Ё қ у б

Қани, ўзим шоҳ бўлсам!!!
Ҳар сўзимга боғлардим у яшиндан шамшир,
Ўт солардим одамизод хону монига
Ё ихтиёр этар эдим тарки дунёни!
Ёлғонда ҳам ахир мантиқ бўлсин-да сал-пал,

Алдамоқчи бўлсанг шундай бошлаб алдаки...
Билдингизми не фикрга келишди улар?!
Ғазнавийни алдашмоқчи, чалғитмоқчилар!
Хоразмга эндигина қўшилган жойлар —
Фарва билан Ниссада жим хутба ўқитиб: . .
«Аста-аста сўзсиз бутун Хоразм узра
Дастур бўлгай Сизнинг зоти шарифингиз» деб,
Совға билан Султонга хат йўлламоқчилар!
Бу гапларга кўнармиди Маҳмуд Ғазнавий?
Чала-чулла бу тадбирга? Йўқ, йўқ! Улса ҳам!

(Жимлик.)

Тўхтанг, ҳали шоҳ чопарин чорлаган эди!
Унга нима дер эканлар?

М у н а ж ж и м

Тинглаб боқайлик!

Қ о з и Ё қ у б

Эй бандам-эй, сабр қилинг...

Қози Ёқуб яна Мунажжимнинг елкасига чиқиб, ичкарига қулоқ
солади. Жимлик.

Хат ёзмоқдалар!

Кимга экан? Галиришмай қўйишди. Демак,
Иш ҳам битган...

Қози Ёқуб ерга тушади.

М у н а ж ж и м

(тикланиб)

Шоҳнинг махфий чопарими у?

Қози Ёқуб

Ҳа, ўшанга ўхшаяпти! Демак, у ҳозир
Худди ана ҳув, йўлакдан чиқиб кетади!

Мунажжим

Демак... ундан ўтиб қолса... нима бўлади?

Қози Ёқуб

Жим!!! Келмоқда...

Қози Ёқуб ўзини панага олади. Бир оздан сўнг қоронғиликдан оёқ товушлари эшитилади ва алланима гурсиллайди, бўғиқ инграш эшитилади. Қози Ёқуб чопарнинг гавдасини ёруғликка судраб чиқади.

Қози Ёқуб

(Қотиб турган Мунажжимга қараб.)

Бери келинг! Кўмаклашингиз!

Мунажжим қимирламайди. Қози Ёқуб шоша-пиша чопарнинг у ёқ-бу ёғини титиб, мактубни топади ва ёруққа солади.

Айтмовдимми? Ҳа-а, шоввозлар! Мана гап қайда?
«Алп тегинга!.. Тўғонхонга жўнаган чопар
Ҳеч нимасиз қайтиб келди... Йўллар беркилган...
Юз минг сарбоз шай турганмиш Балхда биз

ТОМОН...

Шу бугуноқ Фарва, Нисса шаҳарларида
Ғазнавийга ўқитгаймиз хутбаи давлат!
Бу шунчаки муваққат бир чора... Тушунинг...
Султон Маҳмуд бу тадбирга кўнмас... ва бирдан

Устимизга қўшин тортиб қолса эҳтимол...
Бу фурсатда лекин биз ҳам бутун ўлкага
Улгурармиз жанг кийими, жанг руҳи бериб...
Сиз у ерда Сайёд тегин ва Хумор тошни
Шу гаплардан огоҳ этинг, токи қўшинда
Бўлар-бўлмас гап юрмасин! Шай турсин мутлақ!
Ва ўзингиз зудлик билан пойтахтга етинг,
Биргаликда ҳал қилурмиз бор гапни бунда...»

(Бир асно жим қолади.)

«Биргаликда ҳал қилурмиз бор гапни бунда...»
Шу бугуноқ, демак, хутба ўқитилади,
Ва совғалар йўлланади Ғазнага томон!
То Султон бир сўз дегунча — Алп бунда тайёр!
...Ҳа, чаккимас! Алп тегиннинг бели бақувват,
Бемалол дош келса мумкин Султон Маҳмудга!
Бунни ҳатто Ғазнавийнинг ўзи ҳам билар,
Уруш билан забт этишга кўзи етмагач,
Найранг билан иш бошлаган эди «хутба» деб!..

М у н а ж ж и м

Хўш, бу ёғи нима бўлди? Менга қолса-ку,
Султон Маҳмуд тезроқ босиб келгани яхши!

Қ о з и Ё қ у б

Яхши! Лекин эрта-индин уруш бошланса,
Ким билади кимга тангрим кулиб боқишин?!
Ҳозир унга ёрдам керак! Бизларнинг ёрдам!
Ғолиб чиқса, қадрлар у хизматимизни!
Шуниси ҳам борки, агар Урганчга шитоб,
Алп тегинлар етиб келса, иш чалкашади...

М у н а ж ж и м

(жасадни кўрсатиб)

Даргумон-ку энди унинг келиш-келмаси?!
Муни олинг! Омин, жойинг жаннатда бўлсин...
Тангрим бунга азалдан ҳам Алп тегин билан
Учрашмоқни асло раво кўрмаган экан,
Охиратга экан йўли! Йўқликка экан...

Қ о з и Ё қ у б

Бу-ку, шундай! Лекин қараб турарми Маъмун?
Бошқа чопар йўллар-қўяр сал шубҳаланса!
Биз-чи? Жимжит кутамизми?! Чопарми? Сабр!

(йўликни кўрсатиб)

Мана буни учратсак-чи Алп тегин билан?!

М у н а ж ж и м

Йўғ-э? Қандай? Бу шўрликнинг жони қачонлар
Ўз юлдузини топди арши аълога чиқиб!

Қ о з и Ё қ у б

Топди? Қойил! Учрашади булар албатта!

(Мунажжим ҳайрон)

Учрашади! Менга қаранг, Маҳмуд Ғазнавий
Бир шахт билан Тўғонни ҳам, Хоразмни ҳам
Яккамохов қилди-қўйди, шундай эмасми?!

М у н а ж ж и м

Шундай!

Қоз и Ёқуб

Шундай? Биз Маъмурни яккалаймиз, бас!
Яккалаймиз уни содиқ лашкарларидан!
Алп тегиндан ажратамиз уни! Қойилми?

Мунажжим

Қандай?

Қоз и Ёқуб

Қандай? Алп тегинга чопар йўллаймиз!
Бошқа чопар! Ва бошқача мактуби билан!
Битта эмас, балки уч, тўрт! Ишончга лойиқ!
Биласизми, нечук хабар йўллаймиз унга?!

Мунажжим

Нечук?

Қоз и Ёқуб

Нечук? Бундай: «...Сени Хоразмшоҳинг
Алдаб-сулдаб йўллаганди пойтахтдан йироқ.
Сен Урганчга қайту қайтма, энди бари бир,—
Сен кетишинг заҳотиёқ бутун ўлкани
Ғазнавийга ўқиттирди хутбаи давлат!
Ғазнавийга тобе бўлди юрт энди буткул...»

(Жимлик.)

...Хў-ўш, қалай?! Таваккал-да! Бир кўрайлик-чи!
Бу мактубни тез фурсатда ишончли одам
Алп тегиннинг ўз қўлига тутқзади! Ҳа!
Уқиб кўрган они тамом бўлади, Алпим!..

(Ҳиринглаб кулади.)

М у н а ж ж и м

Алп бу гапга ишонмаса, шубҳа этса-чи?..

Қ о з и Ё қ у б

Ишонмаса... Ишонмаса. «Содиқ» дўстлар-чи?
Бозорда зап юрдилар-ку ўн-ўн беш бўлиб.
Ушалар дод-фарёд солиб, «халоскорим!» деб,
Ийқилсалар Алп тегиннинг қошига бориб,
Хоразми қутқар, дея нола қилсалар...
Маъмун — сотқин, тахтга ўзинг лойиқ,— десалар!..
Майли, кетдик... Бир маслаҳат қиламиз буни...

Чиқадилар.

УНИНЧИ МАНЗАРА

Кеч. Берунийнинг хужраси. Беруний ва Арроқ.

Б е р у н и й

(ўзича)

Демак, ернинг ярми сувмас! Бу ёлғон тахмин!
Сақлаши-чун айланувчи жисм ўз шаклин
Томонлари унинг тенг куч, тенг оғирликда
Марказига тортилади! Гар шундай бўлса,
Демак, «ернинг тик ярми сув, ярми қуруқлик»
Демиш даъво-тахминларнинг бари шубҳалик.
Демак, сувлар ичида ҳам қуруқ қитъа бор!
Бу қуруқлик, тахминимиз бўйича, шаксиз,
Мана шу биз турган ерлар давоми, яъни,
Биз тургувчи шу ерларга гўё посонги —
Тикка нари томонида курраи арзнинг!

(Арроққа)

Устоз! Қаранг, ажойиб ҳол! Беҳад ғаройиб!

А р р о қ

(Глобус ёнига келади.)
Хўш.

Б е р у н и й

Мана, биз турган қитъа! Ғарб — Баҳрул Муҳит.
Баҳрул-Муҳит орқасида — сувлар ичида
Бениҳоя катта бир ер, катта қитъа бор!
Албатта бор!

(Арроқ ҳайрон)

Уни ғарб ва шарқ томонидан
Чексиз сувлар қуршаб олган. Балки шу боис
Унга ҳеч ким боролганмас ва ҳеч ким билмас!
Доғи йўли йироқ — тўлқин, туман, хатарли...
Катта сувнинг катта бўлар ахир ҳаёти...

А р р о қ

Хўш, хўш! Анча ишонарли! Дадил даъво бу!
Сезмоқдаман! Юрагимдан ҳис этмоқдаман.

Б е р у н и й

Ҳиндларда бир эртақ бордир. Айтишларича,
Сув ичида бир орол бор, шундай гўзалки,
Вақт-вақти билан ҳатто жаннатдагилар —
Томошага келар эмиш унга атайин.
Сув устида у худонинг мазгили эмиш!

Кўрдингизми хурофотни? Худ шу боисдан
Улар минг-минг йиллар йиққан дуру марварид
Ғарқоб бўлди жаҳолатнинг тошқинларида.
Энди уни яна халққа қайтармоқ учун
Нафасида кўп давронлар руҳи бор бўлган
Халоскорлар, фидойилар керакдир фанга!

Шу пайт ҳужрага «Устоз! Устоз!» дея, телбавор бир ҳолатда
Болта масхаравоз кириб, Беруний қошида тиз чўкади.

Болта масхаравоз

Устоз! Устоз! Охир замон! Қиёмат кўпди!
Тезроқ кетинг бу гўшадан! Осмон қулади...
Ҳаялламанг, тезроқ кетинг, устоз, жон устоз!

Беруний

(ҳайрон)

Нега, Болта?

Болта масхаравоз

Жаҳаннам бу! Охират, дўзах!!
Устоз! Кетинг! Тезроқ қочинг, фурсат ғанимат!
Ғар келсалар Сизни ҳам соғ қўймайди улар!

Беруний

(уни ёқасидан силкалаб)

Ўзингни бос, Болта! Не гап, бир бошдан сўзла!

Арроқ

Тавба!

Болта масхаравоз

Энди! Бутун кулга дўнди... Қоңга беланди..
Мең даҳшатдан ўлаёздим... Сўйилди... ўлди
Шоҳ Маъмурни, Сухайлийми... ким бўлса, бари!

Беруний

Нима? Нима демоқдасан?!

Болта масхаравоз

Бари кул бўлди...

Беруний

Елгон!!! Йўқ! Йўқ! Сен ақлингдан озибсан, Болта,
Алжияпсан! Ёмон бир туш кўргансан, холос!!!

Болта масхаравоз

Йўқ, туш эмас! Кошки эди бари туш бўлса..
Ўтинаман, кетинг! Кетинг, жон устоз...

Беруний

Гапир!!!

Болта масхаравоз

Ҳозиргина уч юз-тўрт юз чамаси отлиқ
Даҳшат солиб, ваҳшиёна наъралар тортиб,
Тўппа-тўғри босқин этди шоҳ саройини:
Бузди, отди, учраганни мол каби сўйди
Ва охири ҳаммасига ўт қўйди-ёқди!
Бари энди ўт ичида, бари ёнмоқда!
Дарчангизни очинг, қаранг, ишонмасангиз!

Беруний дарчани очади. Пойтахт устида улкан ёлқин кўринади.

Беруний

**Во, худойим! Бу на офат? На даҳшатдир бу?!
Улар кимлар?! Ким ўзлари?!**

Болта масхаравоз

Али тегин!!!

Беруний

Нима?!

Болта масхаравоз

Ҳа, Али тегин!

Беруний

Эсингни йиғ! Янглишдинг! Ёлғон!

Арроқ

Наҳот?!

Болта масхаравоз

Устоз, онт ичаман! Юзим қиблада...

**У — Али тегин! Қолганлари ўз сарбозлари!
Улар тинмай: «Сотқинларнинг жазоси мана!
Сенми сотган Хоразмни Султон Маҳмудга?!
Юртфурушлар ҳаммасига ўлим, ўлим!!!» — деб,
Алғов-далғов қилмоқдалар бутун шаҳарни...**

Беруний

**Фитна! Алдов! Бир хоинлик содир бўлибди!
Алдабдилар! Ёлғон хабар еткизибдилар!!!**

Уни тездан, шу ондаёқ тўхтатмоқ керак!
Тез тўхтатмоқ! Мен... Мен ўзим бораман унга!
У тинглайди. Ҳа, тинглайди мени Алп тегин...

Беруний эшикка отилади. Болта масхаравоз билан Арроқ
уни ушлаб қоладилар.

Болта масхаравоз

Йўқ! Йўқ, устоз! Бора кўрманг! Борманг, бу —
ўлим!
На ақли, на эс-ҳушини билади ҳозир!

Беруний

Тутма! Мени тинглайди у! У аҳмоқ эмас!
У тинглайди! Ҳақиқатни билсин Алп тегин!

Болта масхаравоз

Қочган қочиб қутулмоқда, тутилганлар даф...
Кўзим билан кўрдим ахир, у наъра тортиб,
Дарвозанинг тагидаги шер ҳайкалин ҳам:
«Асролмадинг юртимни!» деб, чилпарчин этди...

Беруний

(талпиниб)

Тутманг мени! Истамайман! Жазава ичра —
Хоразмнинг хону монин барбод этмоқда...
Ҳақиқатни айтай — билсин! Сўнг, майли ўлсам!
Тутманг!

А р р о қ

(баттароқ ёпишиб)

Борманг! Энди қанча ёнсак-куйсак-да,
На унга-ю ва на юртга наф борга ўхшар!

Б е р у н и й

Не хўрлик бу? Не зулм бу? Не мусибат бу?..
Қайга кетди ул гўзал ўй, умид-армонлар?!
Умр бўйи қалбимизда авайлаб йиққан
Энг муқаддас, энг ардоқли учқунлар ахир
Юртга тикмоқ учунмиди аланга кафан?!
Уни ёқмоқ учунмиди бир куни шундай?!
Бир оздан сўнг ўт ўчади — зулмат чўқади,
Чек-қирғоқсиз бир қора тун кўмади юртни —
Ана шунда ким қутқарар уни зулматдан?!
Ҳеч бўлмаса ким, майлига хира бўлса ҳам,
Бу қўрқинчли қабристонга ёқиб кетар шам?!
Бир вақтлар бутун шарқда ёғдуси таниғ,
Руҳи таниғ ва чеҳраси таниғ бу юртнинг
Қолмадими энди бирор оловёқари?!
Ҳа! Бу гаплар бориб етса Султон Маҳмудга
Хўп қувонар, чапагидан ўт-учқун сочиб.
Неча йиллар кўйида у хор бўлган жонон
Бугун ўзи кетиб борар у томон ночор...
Борар, заррин кўйлаклари куйган, увада,
Узун қора сочлар тутун, қора қовурмоч...
Тавқи лаънат тамғалари босилган, ўксук,
Оқ юзлари қорақуя... сўлғин... толғин... хор...

Ташқаридан от дупурлари ва оёқ товушлари эшитилади. Хонага
шитоб билан М а й м а н д и й киради. Орқасидан яна бир неча киши
кириб қоронғироқ жойда писиб турадилар.

М а й м а н д и й

Салом, устоз!!!

Б е р у н и й

(*ҳайрон*)

Вазир Ҳасан! Сиз бунда нечук?

М а й м а н д и й

(*кинояли*)

Ҳа, биз! Лекин нега, кел, деб чорламаяпсиз?!
Ахир буюк бир давлатнинг бош вазиримиз,—
Қайга борсак, сийловимиз, иззатимиз бор!
Ё Хоразм меҳмонларни ёқтирмай қолган?
Ё уйингиз қизғонасиз?! Ё кетайликми?

Б е р у н и й

Хоразмдан иззат талаб қилишдан олдин,—
Аввал унга лойиқ бўлмоқ даркор, вазирим.

М а й м а н д и й

О устод-ур раис! Ахир қизишмоқ нечун,
Мени сизга кўмак учун юборди тангрим!
Эсингизда бўлса керак, саройда бир гал,
Ернинг юзи ёмонлик ва фитнага тўлса,
Бир халоскор юборади тангрим, дегансиз!
У — мен! Сизни қутқаришга келдим баридан!
Эрта-индин етиб келар Султон ўзи ҳам!

(*Деразага имлайди.*)

Газна тинчроқ...

Б е р у н и й

(вазмин)

Кулмоқдасиз! Лекин билингки,
Ҳали бу юрг таъзим қилмас келгиндиларга!
Иккинчидан, ким чақирди бу ерга сизни?

М а й м а н д и й

(ҳамон истеҳзоли)

Устоз, ахир тушунсангиз, фикрим — яхшилик!
Ҳозир анов дин-имонсиз каллакесарлар
Етиб келса, тамом, сиз ҳам шоҳингиз каби
Сўйиласиз! Яхшиси, тез юринг мен билан!!!
Синологларнинг уйига ҳам одам юбордим,
Қаранг, ҳамма дўстларингиз «қутқазмоқчиман!»

Б е р у н и й

Кетинг бундан!

М а й м а н д и й

Ҳазил эмас...

Б е р у н и й

Бизни тинч қўйинг!

М а й м а н д и й

Мажбур этманг Султон номи билан сўзлашга!
Ҳазрат Сизга алоҳида «диққат» қилганлар,—
Иzzат билан, эсон-омон келтир,— дедилар!
Ақли Жайхун каби тошиб, юртга ҳам сиғмай,—

Бутун шарққа оқаётган «доно»га ўзим
Бунда қудуқ қаздираман, дедилар Султон!

(Қаҳқаҳ уради.)

Ғазнамизда сув сал танқис, биласиз, тошлоқ...

Ҳужрага Маймандийнинг с а р б о з и ҳовлиқиб киради.

С а р б о з

Ҳазрат! Ҳазрат! Сино билан бир неча олим
Бекйнишга улгурдилар бизларни кўриб!

М а й м а н д и й

Нима, нима?! Йўқол, галварс! Топ, Ғазнага элт!!!

(Берунийга)

Қочиб бўпти! Қани, йиғинг даш-лушни сиз ҳам!
Тезроқ!

Б е р у н и й

Йўқол!

М а й м а н д и й

Мажбур этманг куч ишлатмоққа!

(Қилич ялангочлайди.)

Б о л т а м а с х а р а в о з

Устоз, устоз...

М а й м а н д и й

Жўна, тентак, бундан бу ёғи —
Етар унга мен кўрсатган томошалар ҳам!

Панадан Ш а й х у л и с л о м, унинг орқасидан Қ о з и Е қ у б ва
М у н а ж ж и м чиқадилар.

Ш а й х у л и с л о м

(Маймандийга юзланиб)

Ҳазрат! Балки Берунийнинг шахтида жон бор,
Алп тегиндан балки қўрқмас?! Нега деганда,
Тили бирдир балки булар икковининг ҳам?!
Балки унга раҳнамолик қилиб тургандир,
Уни ўлдир, буни ёндир, уни ҳайда деб!
Балки шоҳлик муддаоси бордир кўнглида?..

Б о л т а м а с х а р а в о з

Тавба қилдим! Шайхулислом, Қози, Мунажжим?!

Б е р у н и й

Ажаб! Сувда нилуфар ҳам, аждар ҳам зоҳир!

Ш а й х у л и с л о м

Ҳа, мен! Яхши таниб қўйинг! Бир сизга эмас,
Барчангизга танитаман ёқамни энди,—
Зор этаман ҳаммангизни бир саломимга.
Чиритаман тамом Ғазна зиндонларида!
Алп тегину ёнидаги қутурган итлар
Ҳаливери қонга тўймас, охири келиб
Бир-бирларин ғажимоққа тушурлар, шаксиз!
Мана мун и айтадилар — имонсизлик деб!

Ҳа, аввало ўз замонин танисин инсон,
Замон эса берунийлар замонимас, йўқ,
Бизнинг замон! Тасдиқланди гапларим мана:
Даҳрийларнинг ўз жазоси ўзида бўлар —
Сабоқ бўлсин Хоразмнинг шу соатлари!

Б е р у н и й

(Қози Ёқуб ва Мунажжимни кўрсатиб)

Ҳа, мана бу шўрликлардан не кутса — бўлар,
Лекин сизга, сизга қойил қолмадим, ҳазрат!

Қ о з и Ё қ у б

Ҳой, ким шўрлик...

М у н а ж ж и м

Кимни шўрлик дейди бу ҳали...

Б е р у н и й

Аммо шуни яхши билиб қўйингким, пирим,
Турли-туман тама билан, восита билан
Сиз етишган мартабада йўқдир истиқбол.
Чунки бунда бошқаларнинг ҳаққи-ҳуқуқин
Топтаб, босиб кетгандирсиз, кўрсиз — сезмайсиз!

Ш а й х у л и с л о м

Мен — кўр? Майли! Сенга ҳали бир кўрсатайки
Кўзларимнинг не қадар ҳам ўткир эканин!
Ана шунда бутун умр кўз ўнгингда мен —
Улуғвор бир маъбад бўлиб порлаб тураман,—
Пойларимга йиқиласан... Бечоралар-эй,

Шу бугунги кунгача ҳам қўлимда ҳамманг
Бир қўғирчоқ бўлганингни билсанглар борми,
Юракларинг ёрилади! Лекин айтаман:
Сенлар Маъмун раҳматликни авраб-гангитиб —
Узларингга маъқул йўлга бошлаган дамда,
Мен — эшиги-остонаси саждагоҳ бир зот —
Турармидим жимжит? Сўнги не бўлар деб? Йўқ!!!
Йўқ! Адашган Маъмунни ҳам, салтанатни ҳам
Бу йўллардан қайтармоқни бўйнимга олдим.
Бунинг учун энг аввало тахтнинг гирдини
Тозаламоқ даркор эди мана сенлардан!
Қандай қилиб?! Хабар бердим Султон Маҳмудга —
Ва эслатдим хутба деган далилни унга!
Лекин мактуб келган чоғи Султондан, сенлар
Ваҳм-тахдид сундиларинг шоҳнинг кўнглига,
Қора газак солдиларинг дилига Алпнинг!
Йўқ! Бу сафар мен ғафлатда қолмадим асло.
Қўлга олдим чопарни ҳам, махфий хатни ҳам,
Алп тегинга бошқа чопар, бошқа хат йўллаб —
Инонтирдим Хоразмни қўлдан кетди деб!
Ва оқибат не бўлгани, ҳув ана, равшан...
Алп аччиқлаб — Хоразмдан қўлини ювиб,
Бирон гўрга бошин олиб кетар дегандим.
Лекин... шўрлик қизиққонлик қилди бу гал ҳам,
Худойимнинг хоҳиши шу экан азалдан!

(дарчага имлаб)

Наф йўқ эрур эмди бундай жиззакиликдан,
Ҳамма йўллар дор остига элтади уни!!!
Хўш, қалайлар энди, устоз?!

Б е р у н и й

Балки биларсиз,—
«Қайсар» отлиғ сулола бор рум шоҳларида!
Биринчиси «Қайсар» Оғуст! Унинг онаси

Дард тутганда туғолмасдан узилган, шўрлик.
Чақалоқни она қорнин ёриб олганлар.
У ўлмади. Усди-унди — юртга шоҳ бўлди.
Машҳур бўлди. Кўзларини наҳс босиб энди,
Онасидан туғилишин тарихини ҳам
Бошқачароқ писандалаб, сирли кўрсатиб,
«Мен худонинг фарзандиман! Самовий нурман!
Сиз барингиз «фарж боласи» — нопок эрурсиз,
Туғилгансиз хотинларнинг бутидан...» дея
Хўп масхара этиб юрди одамзодни у!
Унақалар йўқмас бизнинг давримизда ҳам!..

Ш а й х у л и с л о м

Нима, нима?

Ханжар кўтаради. Болта тезлик билан унинг қўлини қайириб ташлайди. Ханжар Шайхулисломнинг ўзини жароҳатлайди. У войвойлаганча ўтириб қолади.

М а й м а н д и й

Нима қилиб қўйдинг, итвачча?

(Болтага қилич солади. У йиқилади.)

Б е р у н и й

Эй, сен қотил...

М а й м а н д и й

(ташқарига)

Тез кирингиз!!!

(Бир тўда сарбоз кириб ҳужрани қуришаб туришади.)

А р р о қ

Бу не касофат?!

Ахир бу не зўравонлик ўзга уйида?
Э, худойим, йигит кучим бўлсайди шу пайт.
Лекин, не сўз, қариб қолдим... Илон қариса —
Қурбақалар миниб ўйнар экан устида...

М а й м а н д и й

Бас қил! Ҳозир орқасидан жўнайсан! Туллак!

Б е р у н и й

Қўйинг, устоз! Қонхўрларга не сўзингиз бор?!

Маймандийнинг сарбозлари ингранаётган. Шайхулислом-
ни кўтариб чиқишади.

М а й м а н д и й

Қани, тезроқ! Энди вақт йўқ ади-бадига!

Сарбозлар бир қадам олдинга чиқадилар.

Б е р у н и й

(Болтанинг устига эгилади)

Эҳ, Болтавой, нима қилиб қўйдинг мени деб?!
Хазон этдинг ёш умрингни, ёш баҳорингни...

Б о л т а м а с х а р а в о з

(кўзларини зўрға очиб)

Устоз, мендан ҳазар қилманг: ҳамма ёғим қон...

Беруний

Болта, Болта! Гўдак янглиғ покиза жонсан...
Ким ҳам қолди бу гўшада қонга ботмаган?!
Агарда сен, ўша, бизни шўх-шўх кулдириб,
Қалбимизга кичик бир нур ҳадыя этолган —
Юзингдаги ҳаётосо бўёқларингдан
Гирдимизда турлик шарпа, соя зотларга,
Буткул динсиз-эътиқодсиз пуч кимсаларга
Ва баландроқ минор кўрса саждага ётган,
Мулойимроқ сабо келган ҳарки томонни
Қибла билиб бош ургувчи манфур жонларга
Берсанг эдинг бир, биргина томчисин ақал...
Дунё юзи ҳақгўйликка, нурга тўларди!

Болта масхара ваз

Устоз... Майли менга рухсат... Вақтингиз олдим...
Тағин гуллар келтиргандим.. Ана гулдонда...
Райҳон биби бервордилар... сиз учун атай...
Бунни айтма дегандилар... ул шаддод қизни —
Сизга бир фош этай дедим... Хайр... устоз...

Беруний

Болта!..

Болта масхара ваз

Ҳузурига кетмоқдаман Райҳон бибининг...
У кишига кўп-кўп салом айтаман сиздан,
Қайтишимда... яна гуллар... олиб қайтаман...

Улади.

Б е р у н и й

Гуноҳимиз ахир бизнинг не эди, танграм!

(Арроққа юзланиб)

Устоз!.. Нечун Хоразмда бундайин тарих
Ўн бор, юз бор қайтарилган? Боис не ахир?!
Мағрур халқмиз, ғуруримиз тегдими унга,
Бошимизни тангри қадар тикладикми ё?
Бир эртак бу, хаёл етмас бир афсона бу,
Бир нидо бу — қадим-қадим бир замонларда
Қанотлари бўлган экан азим тоғларнинг!
Улар эркин ва қиёссиз юксак парвозда
Кўкни қоплаб мағрур-мағрур учар эканлар...
Лекин бир кун «Юзларимни ердан тўсдинг!» — деб,
Қанотларин куйдирипти худо уларнинг!
Ва улугвор бу лочинлар юлдуз кўчгандай,
Ерга қулаб тушиптилар... Тош бўлиптилар!
Қолибдилар маҳкум бўлиб тупроққа абад!!!
...Балки, ана, ватанимнинг, суюк Жайҳуннинг —
Қирғоқларин уза бўйи қоплаган қумлар —
Қачонлардир кўкка учган... ва қулаб тушган
Қадди тоғдай боболарим жисми хокидир...
Ишонаман! Шундай бир кун келарки, яна
Бутун ўлка, бутун замин мағрур тикланиб,
Бахтиёр бир парвозларга ёзади қанот!

Сарбозлар Б е р у н и й н и олиб чиқадилар.

МУНДАРИЖА

Парвози баланд шеърят. Ҳамид Фулом 3. Сирларим 7. Мен шеър ёзсам 9. «Табиатнинг қизил китоб»ига 10. Енаётган дарахт 13. «Мен истайман...» 14. Бир қадам олға 15. Сальвадор Альендени йўқлаб 17. Бахшига 18. «Осмон соғинч каби поёнсиз...» 20. Бибиҳоним 21. Гўдак феълли дўстимга 23. Пахтамиз хусусида нутқ 24. «Бугун ой ботганда...» 27. «Кўнглим менинг...» 28. Энг узун кечада 29. Ғафур Фулом хотираси 33. Оғаҳий ғазалига мухаммаси мулоқот 34. «Кузингда — мунаввар дунёлар...» 36. Самандар 37. ДРАМАТИК ДОСТОН Беруний 43.

На узбекском языке

АМАН МАТЖАН (МАТЖАНОВ)

ПЫЛАЮЩЕЕ ДЕРЕВО

СТИХИ И ДРАМАТИЧЕСКАЯ ПОЭМА

Редактор *А. Шаропов*

Рассом *Т. Сайдуллаев*

Расмлар редактори *А. Бобров*

Техн. редактор *Э. Саидов*

Корректор *Ш. Собиров*

Босмахонага берилди 23/VI-76 й. Босишга рухсат этилди 29/XI-76 й. Формати 70×108¹/₁₆. Босма л. 5,25. Шартли босма л. 7,35. Нашр. л. 4,6. Тиражи 20000. Р 09761. Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 19—76.

Ўзбекистан ССР Министрлар Советининг Напшиётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг Ташполиграфкомбинатида тайёрланган матрицадан 1-босмахонада № 1 ҳоғозга босилди. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1977 йил. Заказ № 211. Баҳоси 57 т.